

---

---

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲИСОБ ПАЛАТАСИ**

---

**Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун  
Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида”ги  
Қонуни лойиҳаси ва 2020 йил учун Бюджетнома бўйича  
Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг  
ХУЛОСАСИ**

**Тошкент – 2019 йил**

## МУНДАРИЖА

<b>I. Кириш .....</b>	<b>4</b>
<b>II. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар таҳлили .....</b>	<b>7</b>
<b>2.1. 2018 йил кўрсаткичлари .....</b>	<b>7</b>
<i>Ялти ички маҳсулот .....</i>	7
<i>Асосий капиталга киритилган инвестициялар .....</i>	11
<i>Меҳнат бозори ва демографик таҳлил .....</i>	15
<i>Ташқи савдо айланмаси .....</i>	20
<b>2.2. 2019 йилда кутилаётган кўрсаткичлар .....</b>	<b>21</b>
<i>Ялти ички маҳсулот .....</i>	21
<i>Асосий капиталга киритиладиган инвестициялар .....</i>	23
<i>Меҳнат бозори ва демографик таҳлил .....</i>	26
<i>Ташқи савдо айланмаси .....</i>	27
<b>2.3. 2020 йил прогноз кўрсаткичлари .....</b>	<b>28</b>
<i>Ялти ички маҳсулот .....</i>	29
<i>Асосий капиталга киритиладиган инвестициялар .....</i>	31
<i>Меҳнат бозори ва демографик таҳлил .....</i>	34
<i>Ташқи савдо айланмаси .....</i>	36
<b>III. Бюджетнома лойиҳасида қўзда тутилган 2020 йил солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари, Давлат бюджети ва Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари таҳлили, Ҳисоб палатасининг таклиф ва мулоҳазалари.....</b>	<b>38</b>
<b>3.1. 2020 йил солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари .....</b>	<b>38</b>
<i>Юридик шахслардан олинадиган фойда солиги .....</i>	42
<i>Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги.....</i>	45
<i>Кўшилган қиймат солиги.....</i>	46
<i>Акциз солиги.....</i>	48
<i>Ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар .....</i>	51
<i>Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ .....</i>	53
<i>Юридик шахсларнинг мол-мulkiga солинадиган солиқ.....</i>	54
<i>Жисмоний шахсларнинг мол-мulkiga солинадиган солиқ.....</i>	56
<i>Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиги.....</i>	57
<i>Ягона ижтимоий тўлов .....</i>	59
<i>Ягона солиқ тўлови .....</i>	59
<i>Ягона ер солиги.....</i>	60
<i>Бозорлар даромадига солиқ солили .....</i>	60

<b>3.2. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалар даромадларининг 2019 йилдаги кутилаётган ижроси ва 2020 йил учун прогнози.....</b>	<b>61</b>
<b>IV. Бюджетнома лойиҳасида кўзда тутилган бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари таҳлили, Ҳисоб палатасининг таклиф ва мулоҳазалари... 83</b>	
<b>4.1. 2020 йилги бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари .....</b>	<b>83</b>
<b>4.2. 2020-2022 йилларга мўлжалланган фискал сиёсатнинг асосий мақсадлари.....</b>	<b>88</b>
<b>4.3. Бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш .....</b>	<b>91</b>
<b>4.4. 2020 йил Давлат бюджети харажатлари таркибининг таҳлили .....</b>	<b>95</b>
<b>2020 йил харажатларини ҳисоблаш тартибини таҳлили .....</b>	<b>96</b>
Давлат бюджети лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Президенти қарор ва Фармонлари ҳамда ҳудудларга ташрифларида белгиланган вазифаларнинг акс этитирилганлиги .....	97
Давлат ривожлантириши дастурларини молиялаштириши учун йўналтириладиган харажатлар таҳлили.....	100
Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириши.....	102
<b>4.5 Халқ таълими вазирлиги тасаррufидаги умумтаълим мактаблар биноларининг холати ҳамда зарур жиҳозлар билан таъминланганлиги таҳлили.....</b>	<b>104</b>
<b>4.6. Давлат мақсадли жамғармалари харажатлари таҳлили .....</b>	<b>108</b>
<b>4.7 Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари шаклланиши ва ишлатилиши .....</b>	<b>111</b>
<b>4.8 Давлат бюджети маблағларидан фойдаланишда тизимли қонунбузарликларга йўл қўйилиши ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар .....</b>	<b>113</b>
<b>V. Давлат қарзи ва Давлат бюджетининг тақчиллиги .....</b>	<b>116</b>
<b>VI. Хуноса.....</b>	<b>118</b>

## I. Кириш

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 96-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2017 йил 10 августдаги ПФ-5147-сонли Фармонига мувофиқ 2020 йил учун Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси (кейинги ўринларда Ҳисоб палатаси деб юритилади)нинг Хулосаси тайёрланди.

Хулосани тайёрлаш жараёнида Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳаларининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор йўналишларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топширикларига мувофиқлиги ўрганиб чиқилди. Шунингдек назорат тадбирларининг натижаларидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда бошқа вазирлик ва идоралардан олинган маълумотлардан фойдаланилди.

Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқиша Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, харажатлар таркибида улуши кўп бўлган соҳавий вазирликлар ҳамда бюджет даромадларида улуши юқори бўлган йирик солиқ тўловчи идоралар билан ҳамкорликда даромадлар ва харажатлар асосланганлигини таъминлаш бўйича бевосита иш олиб борилди.

Аввалги йиллардан фарқли равишда 2020 йил учун Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштироқини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3917 сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси билан тасдиқлаш кўзда тутилган.

“2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси ва 2020 йил учун Бюджетнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 сентябрдаги 02/1-4774-сонли хати билан киритилиб, Ҳисоб палатаси томонидан Молия

вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар мутаҳассислари билан биргаликда кўриб чиқилди ҳамда дастлабки натижалар бўйича Ҳисоб палатасининг таклифлари маълум қилинди.

Жумладан, “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни билан фақатгина 2020 йил учун бюджет кўрсаткичлари тасдиқланиши ва режалаштирилаётган йилдаги бюджет жараёни тартибга солинишини инобатга олган ҳолда, хуқуқни қўллаш амалиётида турлича талқин ва бир бирини такрорловчи нормалар киритилишининг олдини олиш мақсадида Қонун лойиҳасидаги бюджет соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга оид нормалар Бюджет кодексига Қонун лойиҳаси билан бир вақтнинг ўзида ўзгартиришлар киритиш тавсия этилди.

Ҳисоб палатасининг таклифлари асосида 2020 йил учун Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари лойиҳаларига қуйидаги ўзгартиришлар киритилди.

Дастлаб киритилган Қонун лойиҳасида Консолидациялашган бюджет таркибида Давлат бюджети харажатлари 121 375,7 млрд.сўм миқдорида кўзда тутилган бўлса, киритилган ўзгартиришлар ҳисобига 122 466,4 млрд.сўмни ташкил этди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентнинг янги ташабbusлари учун зарур маблағларнинг аниқ манбасини шакллантириш, ушбу харажатларни жорий йилдаги кутилаётган ҳажми таҳлил қилинган ҳолда харажатлар таркибида кўзда тутилган маблағлар 1 трлн.сўмга оширилиб 2 трлн сўмга етказилди.

Шунингдек, давлат мақсадли жамғармалари лойиҳалари қайта ҳисоб-китоб қилиниши натижасида даромадлари 67,3 млрд.сўмга камайтирилди, харажатлари 211,3 млрд.сўмга кўпайтирилди.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисоб-китоблари асосида 2019 йилда Пенсия жамғармасига тармоқ (сервер) ускуналарини сотиб олиш учун режалаштирилган маблағларни 2019 йилда ўзлаштирилмаслиги инобатга олиниб, ушбу харажатлар 2020 йилга кўчирилиши ҳисобига йил бошидаги қолдиқ маблағ ҳамда 2020 йилдаги харажатлари 49,0 млрд.сўмга кўпайтирилди.

Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган заарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармага республика бюджетидан ажратиладиган трансферлар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 декабрдаги 1047-сонли қарорига асосан Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармасининг 15 % миқдорларидан кам бўлмаган миқдорда етказилиши

белгиланлиги сабабли ушбу жамғарма даромадлари ҳамда республика бюджетидан ажратиладиган трансферлар миқдори 2020 йил учун белгиланган Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармасининг ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда 39,8 млрд.сўмга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси томонидан тижорат банкларига ажратилган имтиёзли кредит маблағларини қайтариш графиклари асосида 2019-2020 йилларда қайтариладиган кредитлар миқдори қайта ҳисоб-китоб қилиниб, ҳамда жорий йилда жарималар ҳисобидан тушумларнинг миқдоридан келиб чиқсан ҳолда жамғарманинг 2020 йил учун жарималардан тушум прогнози 66,5 млрд. сўмга, йил бошига маблағ қолдиги 61,7 млрд.сўмга оширилди.

Жамғарманинг ҳисоб-китоблари асосида харажатлар қайта ҳисобланиб Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги 1066-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом”да белгиланган харажатларнинг қуидаги йўналишлари учун жами қўшимча 122,5 млрд.сўм режалаштирилди:

иш қидираётган ва ишсиз мақомига эга шахс сифатида рўйхатдан ўтган шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга 78,5 млрд.сўм;

ишсизларга ижтимоий тўловлар ва субсидияларга 13,8 млрд.сўм;

республика бандлик ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий марказини моддий-техника базасини мустаҳкамлашга 13,0 млрд.сўм;

меҳнат органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш жамғармасига ажратма 17,2 млрд.сўм.

Ҳисоб палатаси таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида тез тиббий ёрдам хизматини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3973-сонли қарорига асосан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси давлат мақсадли жамғармалари таркибига киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли қарорида белгиланган тақсимотга асосан мобиъ алоқа хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловнинг 19 фоизи миқдорида 98,0 млрд.сўм маблағ Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси даромадларидан камайтирилиб Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси даромадлари сифатида акс эттирилди.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг харажатлари Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси томонидан Молия вазирлигига киритилган даромадлар прогнози доирасида амалга оширилиши белгиланиб 2 115,0 млрд.сўмга кўпайтирилди ва Қонун лойиҳасининг 1-иловасида даромадлари ва харажатлари 5 115,0 млрд.сўм миқдорида кўзда тутилди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ўзгартиришлар ҳисобга олинган ҳолда 2020 йил учун Бюджетнома, “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ҳамда 2020 йил учун Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари лойиҳалари Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 10 октябрдаги 02/1-4774-сонли хати билан қайтадан киритилди.

## **II. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар таҳлили**

### **2.1. 2018 йил кўрсаткичлари**


#### **Ялпи ички маҳсулот**

Бюджетномада келтирилган маълумотларга кўра 2018 йилда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот ҳажми 407 514,5 млрд.сўмни ёки 2017 йилга нисбатан ўсиш суръати 5,1 фоизни ташкил этди. Шу билан бирга ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори 12,4 млн.сўмни ёки 1,5 минг АҚШ долларини ташкил этган.

Ялпи ички маҳсулот ҳажмининг таркиби кўриб чиқилганда, тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати 361 951,1 млрд.сўмни (ялпи ички маҳсулотнинг 88,8 фоизи) ҳамда маҳсулотларга соғ солиқлар тушуми 45 563,4 млрд.сўм (11,2 фоиз)ни ташкил этган.

Тармоқлар кесимида қўшилган қийматнинг энг катта улуши хизматларга тўғри келган бўлиб, ушбу тармоқ бўйича ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот ҳажми 128 817,0 млрд.сўм (35,6 фоиз)ни ташкил қилган. Шунингдек, ушбу кўрсаткич саноат бўйича 95 083,9 млрд.сўм (26,3 фоиз), қурилиш бўйича 20 734,4 млрд.сўм (5,7 фоиз) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги бўйича 117 315,8 млрд.сўм (32,4 фоиз) миқдорида бўлган.

## Ялпи ички маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби



- Махсулотларга соф солиқлар
- Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат
- Хизматлар

Ўтган давр мобайнида иқтисодиётни барқарор ва мувозанатлаштирилган ҳолда ривожлантириш ва асосий макроиктисодий кўрсаткичларнинг барқарор ўсиши кузатилган.

Тармоқлар кесимида ўсиш миқдори хизматлар бўйича 5,4 фоизни, қурилиш бўйича 9,9 фоизни, саноат бўйича 10,6 фоизни, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги бўйича 0,3 фоизни ҳамда маҳсулотлар ва экспорт-импорт операциялари ҳисобидан олинган соф солиқлар бўйича 5,5 фоизни ташкил этган.

Хизматлар соҳасига ялпи ички маҳсулотнинг 31,6 фоизи тўғри келиб, унинг ўсиш суръатига энг катта таъсир кўрсатди. Ушбу соҳа ўтган йилга нисбатан 5,4 фоиззга ошган ҳамда ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига таъсири 1,8 фоиз бандни ташкил этган.

Саноат маҳсулоти ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 23,3 фоизни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 10,6 фоиззга ошган ҳамда ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига таъсири 2,1 фоиз бандни ташкил этган.

Кишлоқ хўжалиги тармоғининг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 28,8 фоизни ташкил этиб, ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига таъсири 0,1 фоиз миқдорида баҳоланди.

Республикада амалга оширилаётган кенг кўламли қурилиш ишлари натижасида қурилиш тармоғининг ўсиш суръатлари 9,9 фоизни ташкил қилди. Ялпи ички маҳсулот таркибida қурилишнинг улуши 5,1 фоиззга тенг бўлиб, реал ўсишда қурилиш тармоғининг ижобий ҳиссаси 0,5 фоиз банд даражасида қайд этилди.

Маҳсулотлар ва экспорт-импорт операциялари ҳисобидан олинган соғ солиқларнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 11,2 фоизни ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан ўсиш даражаси 5,5 фоиз бўлиб, ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига таъсири 0,6 фоиз бандни ташкил этди.

### **Иқтисодий фаолият турлари бўйича 2018 йилги ЯИМ таркиби**

млрд.сўм

№	Кўрсаткичлар	Микдори	ЯИМ таркибидаги улуши (фоиз)	2017 йилга нисбатан реал ўсиш (фоиз)	ЯИМ ўсишидаги хиссаси (фоиз)
	<b>Ялпи ички маҳсулот, жами</b>	<b>407 514,5</b>	<b>100,0</b>	<b>105,1</b>	<b>5,1</b>
I	Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	361 951,1	88,8	105,1	4,5
1	Саноат	95 083,9	23,3	110,6	2,1
2	Қурилиш	20 734,4	5,1	109,9	0,5
3	Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	117 315,8	28,8	100,3	0,1
4	Хизматлар	128 817,0	31,6	105,4	1,8
II	<b>Маҳсулотларга соғ солиқлар</b>	<b>45 563,4</b>	<b>11,2</b>	<b>105,5</b>	<b>0,6</b>

2018 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ҳудудлар кесимида шаклланишида энг юқори улуш Тошкент шаҳрига (13,1 фоиз) тўғри келган. Кейинги ўринларни Тошкент вилояти (9,4 фоиз) ва Самарқанд вилояти (7,7 фоиз) эгаллаган бўлса, Сирдарё (2,0 фоиз), Жиззах (2,9 фоиз) вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасига (3,5 фоиз) энг кам улуш тўғри келган.

### **Ҳудудлар кесимида 2018 йилдаги Ялпи ҳудудий маҳсулот**

Ҳудудлар номи	Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) қиймати (млрд. сўм)	Улуши (фоизда)	Аҳоли жон бошига ЯҲМ қиймати (минг сўм)
<b>Республика бўйича жами</b>	<b>407 514,5</b>	<b>x</b>	<b>12 365,6</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	14 185,2	3,5	7 642,9
Андижон вилояти	27 121,6	6,7	8 923,9
Бухоро вилояти	21 151,9	5,2	11 222,4
Жиззах вилояти	11 820,2	2,9	8 830,3
Қашқадарё вилояти	28 412,2	7,0	8 932,1
Навоий вилояти	21 729,0	5,3	22 489,1
Наманган вилояти	18 141,4	4,5	6 654,7
Самарқанд вилояти	31 187,4	7,7	8 295,8
Сурхондарё вилояти	17 061,9	4,2	6 712,5

<b>Худудлар номи</b>	<b>Ялпи худудий маҳсулот (ЯҲМ) қиймати</b> (млрд. сўм)	<b>Улуши</b> (фоизда)	<b>Аҳоли жон бошига ЯҲМ қиймати</b> (минг сўм)
Сирдарё вилояти	8 200,5	2,0	9 966,6
Тошкент вилояти	39 398,7	9,4	13 333,4
Фарғона вилояти	25 181,2	6,2	6 895,7
Хоразм вилояти	15 154,2	3,7	8 325,6
Тошкент шаҳри	53 287,1	13,1	21 419,4

\* *Худудлар бўйича тақсимланмаган маҳсулот ҳажми билан биргаликда*

2018 йил якунлари бўйича ялпи худудий маҳсулотнинг энг юқори ўсиш суръати Тошкент шаҳрида кузатилди. Тошкент шаҳрида ялпи худудий маҳсулот ҳажми 8,1 фоизга, аҳоли жон бошига ялпи худудий маҳсулот миқдори эса 6,2 фоизга ўсишига эришилган.

### **Худудлар кесимида 2018 йилдаги аҳоли жон бошига Ялпи худудий маҳсулот ўсиш суръатлари**

<b>Худудлар номи</b>	<b>Ўсиш суръатлари (фоизда)</b>	
	<b>ЯҲМ</b>	<b>Аҳоли жон бошига ЯҲМ</b>
<b>Республика бўйича жами</b>	<b>5,1</b>	<b>3,3</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	3,4	1,9
Андижон вилояти	12,1	10,2
Бухоро вилояти	4,6	3,1
Жizzах вилояти	2,6	0,7
Қашқадарё вилояти	1,0	-1,0
Навоий вилояти	3,4	1,7
Наманган вилояти	2,5	0,6
Самарқанд вилояти	-0,7	-2,7
Сурхондарё вилояти	1,0	-1,1
Сирдарё вилояти	2,1	0,4
Тошкент вилояти	6,4	5,1
Фарғона вилояти	3,9	2,2
Хоразм вилояти	3,0	1,3
Тошкент шаҳри	8,1	6,2

Қашқадарё (1,0 фоиз), Сурхондарё (1,0 фоиз), Сирдарё (2,1 фоиз) ва Жizzах (2,6 фоиз) вилоятларида республика бўйича ўсиш даражасига нисбатан паст ўсиш суръатлари кузатилган. Самарқанд вилоятида эса ялпи худудий маҳсулотнинг ўтган йилдаги ҳажмига нисбатан 0,7 фоизга, аҳоли

жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот миқдорининг эса 2,7 фоизга камайиши қайд этилган.

### **Асосий капиталга киритилган инвестициялар**

2018 йил давомида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 124 231,2 млрд. сўмни ёки 15 396,3 млн.долларни ташкил этган.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 30,5 фоизга тўғри келган бўлиб, 2017 йилга нисбатан ўсиш даражаси 29,9 фоизни ташкил этган.

Молиялаштириш манбалари бўйича таҳлил қилинганда, ўтган даврда ўзлаштирилган инвестицияларнинг асосий қисми жалб қилинган маблағлар ҳисобига тўғри келган, яъни улар 72 097,6 млрд.сўм (жами инвестиция ҳажмининг 58,0 фоизи) ни ташкил этган.

Корхоналар ва аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан ўзлаштирилган инвестиция ҳажми 52 133,6 млрд.сўмни ёки жами инвестицияларнинг 42,0 фоизини ташкил этган.

### **2018 йилда манбалар кесимида асосий капиталга инвестициялар**

*млрд. сўм*

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Миқдори</b>	<b>Улуши (фоизда)</b>	<b>Ўсиш суръатлари (фоизда)</b>
<b>Капитал қўйилмалар, жами</b>	<b>124 231,3</b>	<b>100,0</b>	<b>129,9</b>
<b>Марказлашган инвестициялар</b>	<b>36 929,9</b>	<b>29,7</b>	<b>171,5</b>
Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари	11 837,1	9,5	121,6
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари	7 990,9	6,4	104,9
<i>млн. АҚШ доллари ҳисобида</i>	<i>990,3</i>	<i>x</i>	<i>89,1</i>
Хукумат кафолати остидаги хорижий инвестиция ва кредитлар	17 101,8	13,8	290,0
<i>млн. АҚШ доллари ҳисобида</i>	<i>2 119,5</i>	<i>x</i>	<i>250,0</i>
<b>Марказлашмаган инвестициялар</b>	<b>87 301,4</b>	<b>70,3</b>	<b>118,1</b>
Корхоналарнинг ўз маблағлари	37 944,8	30,5	134,4
Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарзлар	22 114,8	17,8	181,1
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	13 053,0	10,5	76,4
<i>млн. АҚШ доллари ҳисобида</i>	<i>1 617,7</i>	<i>x</i>	<i>64,9</i>
Аҳоли маблағлари	14 188,8	11,4	88,7

Марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 36 929,9 млрд.сўм (29,7 фоиз) ҳамда марказлашмаган манбалар ҳисобидан эса 87 301,4 млрд.сўм (70,3 фоиз) инвестициялар ўзлаштирилган.


Йил давомида ўзлаштирилган инвестицияларнинг таркибида корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан киритилган инвестициялар 37 944,8 млрд.сўм бўлиб, энг салмоқли улуш (30,5 фоиз)ни ташкил этган.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг улуши жами ўзлаштирилган инвестиция ҳажмининг 10,5 фоизига тўғри келиб, 1 617,7 млн. АҚШ долларни ёки 13 053,0 млрд.сўмни ташкил қилган. Ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми ялпи ички маҳсулотнинг 3,2 фоизига тўғри келган.

Аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан киритилган инвестиция ҳажми 14 188,8 млрд.сўмни ташкил этиб, жами инвестицияларнинг 11,4 фоизини ташкил этган.

Асосий капиталга киритилган жами инвестицияларнинг 9,5 фоизи Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига амалга оширилган инвестиция лойиҳаларига тўғри келган бўлиб, уларнинг ҳажми 11 837,1 млрд.сўмни ташкил этган.

### **МАРКАЗЛАШГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР**



- Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари
- Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари
- Хуқумат кафолати остидаги хорижий инвестиция ва кредитлар

## МАРКАЗЛАШМАГАН ИНВЕСТИЦИЯ



Ўзлаштирилган инвестицияларнинг асосий улуши Тошкент шаҳрига (21,3 фоиз) тўғри келган бўлиб, энг паст қўрсаткич Сирдарё вилоятида (2,2 фоиз) кузатилган.

### 2018 йилда худудлар кесимида асосий капиталга инвестициялар

№	Худудлар номи	Инвестиция хажми (млрд.сўм)	Улуши (фоизда)
<b>Республика бўйича, жами</b>		<b>124 231,3</b>	<b>100,0</b>
1	Қорақалпоғистон Республикаси	6 757,8	5,4
2	Андижон вилояти	4 711,9	4,0
3	Бухоро вилояти	9 610,9	7,7
4	Жиззах вилояти	3 606,3	2,5
5	Қашқадарё вилояти	16 518,5	13,3
6	Навоий вилояти	10 579,5	8,5
7	Наманган вилояти	8 158,1	5,1
8	Самарқанд вилояти	7 061,4	5,7
9	Сурхондарё вилояти	7 240,6	5,8
10	Сирдарё вилояти	2 699,3	2,2
11	Тошкент вилояти	11 226,9	9,0
12	Фарғона вилояти	5 539,1	4,5
13	Хоразм вилояти	3 013,8	2,4
14	Тошкент шаҳри	26 435,7	21,3

Иқтисодий фаолият турлари бўйича инвестицияларни ўзлаштиришда ишлаб чиқариш саноатининг улуши энг катта ҳисобланиб, 25 741,2 млрд.сўмни ёки жами ўзлаштирилган инвестиция ҳажмига нисбатан 20,7 фоизни ташкил этган.

Тураг жойлар қурилиши бўйича 19 537,1 млрд.сўм инвестиция киритилган бўлиб, жами ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмининг 15,7 фоизига тўғри келган.

Тоғ-кон саноатида инвестициялар 16 036,7 млрд. сўмни ёки жами ўзлаштирилган инвестиция ҳажмига нисбатан 12,9 фоизни ташкил этган.

### **2018 йилда иқтисодий фаолият турлари бўйича инвестициялар**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Ўзлаштирилган ҳажми (млрд.сўм)</b>	<b>Улуши (фоизда)</b>
<b>Асосий капиталга киритилган инвестиция</b>	<b>124 231,3</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>		
тоғ-кон саноати	16 036,7	12,9
ишлаб чиқариш саноати	25 741,2	20,7
тураг-жой қурилишига инвестициялар	19 537,1	15,7
ташиш ва сақлаш	8 487,5	6,8
электр энергияси, газ, буғ ва конденцияланган ҳаво	15 390,0	12,4
бошқа фаолият турлари	6 268,5	5,0
улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	5 080,0	4,1
қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	7 991,9	6,4
ахборот ва алоқа	1 607,9	1,3
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	2 684,3	2,2
таълим	2 913,6	2,3
курилиш	2 550,6	2,1
кўчмас мулк билан боғлиқ ишлар	1 132,8	0,9
сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва қайта фойдаланиш	2 653,7	2,1
молия ва сугурта фаолияти	1 048,1	0,8
Уй жой ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 716,3	1,4
касбий, илмий ва техник фаолият	1 491,0	1,2
санъат, қўнгил очиш ва дам олиш	1 900,1	1,5

### Мехнат бозори ва демографик таҳлил

Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолиси сони 2019 йил 1 январь ҳолатига 33,3 млн. кишини ташкил этиб, 2018 йилда 597,4 минг кишига ёки 1,8 фоизга ўсган.

Жумладан, шаҳар аҳолиси сони 16,8 млн. кишини (жами аҳоли сонидаги улуши 50,5 фоиз), қишлоқ аҳолиси сони 16,5 млн. кишини (49,5 фоиз) ташкил этган.

#### **Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолиси сони**

*минг киши*

Худудлар номи	Доимий аҳоли сони	шу жумладан		Улуши (фоизда)	шу жумладан	
		шаҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси		شاҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси
<b>Республика бўйича, жами</b>	<b>33 254,1</b>	<b>16 805,0</b>	<b>16 449,1</b>	<b>100,0</b>	<b>50,5</b>	<b>49,5</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	1 869,7	917,5	952,2	5,6	5,5	5,8
Андижон вилояти	3 066,7	1 603,1	1 463,6	9,2	9,5	8,9
Бухоро вилояти	1 899,5	706,1	1 193,4	5,7	4,2	7,3
Жиззах вилояти	1 352,1	634,3	717,8	4,1	3,8	4,4
Қашқадарё вилояти	3 213,3	1 383,6	1 829,7	9,7	8,2	11,1
Навоий вилояти	974,3	473,1	501,2	2,9	2,8	3,0
Наманган вилояти	2 752,7	1 777,4	975,3	8,3	10,6	5,9
Самарқанд вилояти	3 798,7	1 413,9	2 384,8	11,4	8,4	14,5
Сурхондарё вилояти	2 569,3	910,4	1 658,9	7,7	5,4	10,1
Сирдарё вилояти	829,7	354,7	475,0	2,5	2,1	2,9
Тошкент вилояти	2 898,7	1 427,5	1 471,2	8,7	8,5	8,9
Фарғона вилояти	3 683,1	2 082,5	1 600,6	11,1	12,4	9,7
Хоразм вилояти	1 835,5	610,1	1 225,4	5,5	3,6	7,4
Тошкент шаҳри	2 510,8	2 510,8		7,6	14,9	

Республика ҳудудлари кесимида таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2019 йил 1 январь ҳолатига энг кўп аҳоли сони Самарқанд вилоятида 3,8 млн. кишини (республика аҳолиси сонидаги улуши 11,4 фоизни) ташкил этиб, кейинги ўринларда Фарғона вилоятида 3,7 млн. кишини (11,1 фоиз), Қашқадарё вилоятида 3,2 млн. кишини (9,7 фоиз), Андижон вилоятида 3,1 млн. кишини (9,2 фоиз) ташкил этди.

2018 йилда 768,5 минг бола туғилганлиги қайд этилган бўлиб, мос равища 1 000 аҳолига нисбатан туғилиш коэффициенти 23,3 промиллени ташкил қилиб, 2017 йилга нисбатан 52,8 минг болага кўпайди.

2018 йилда 154,9 минг ўлим қайд этилган бўлиб, мос равища 1000 аҳолига нисбатан ўлим коэффициенти 4,7 промиллени ташкил этиб, 2017 йилга нисбатан 0,3 промиллега камайди (2017 йилда 5,0 промилле).

Республика бўйича кўчиб келганлар сони 160,1 минг кишини, кўчиб кетганлар сони эса 174,8 минг кишини ташкил этди. Миграция салъдоси салбий, яъни минус 14,7 минг киши бўлиб, 2017 йилга нисбатан 3,9 минг кишига камайган.

Ўзбекистон Республикаси бўйича 2018 йилдаги меҳнат ресурслари сони 18 829,6 минг кишини (доимий аҳолига нисбатан 57,1 фоизни) ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 0,9 фоизга ўсган.

Меҳнат ресурслари таркибида иқтисодий фаол аҳоли сони 14 641,7 минг кишини (жами меҳнат ресурсларининг 77,8 фоизи), иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли сони эса 4 187,9 минг кишини (жами меҳнат ресурсларининг 22,2 фоизи) ташкил этган.

### **Меҳнат ресурслари таркиби**

*минг кишии*

<b>Худудлар номи</b>	<b>Жами меҳнат ресурслари</b>	<b>шундан</b>			
		иқтисодий фаол аҳоли	меҳнат ресурсларига нисбати (фоизда)	иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли	меҳнат ресурсларига нисбати (фоизда)
<b>Республика бўйича</b>	<b>18 829,6</b>	<b>14 641,7</b>	<b>77,8</b>	<b>4 187,9</b>	<b>22,2</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	1 064,8	779,5	73,2	285,3	26,8
Андижон вилояти	1 733,3	1 401,6	80,9	331,7	19,1
Бухоро вилояти	1 077,8	887,7	82,4	190,1	17,6
Жizzах вилояти	765,7	539,4	70,4	226,3	29,6
Қашқадарё вилояти	1 806,8	1 353,3	74,9	453,5	25,1
Навоий вилояти	552,0	446,3	80,9	105,7	19,1
Наманган вилояти	1 564,2	1 162,6	74,3	401,6	25,7
Самарқанд вилояти	2 103,4	1 620,6	77,0	482,8	23,0
Сурхондарё вилояти	1 442,7	1 089,3	75,5	353,4	24,5
Сирдарё вилояти	480,5	390,7	81,3	89,8	18,7
Тошкент вилояти	1 627,2	1 349,8	83,0	277,4	17,0
Фарғона вилояти	2 043,1	1 606,6	78,6	436,5	21,4
Хоразм вилояти	1 013,4	786,0	77,6	227,4	22,4
Тошкент шаҳри	1 554,7	1 228,3	79,0	326,4	21,0


Мавжуд меҳнат ресурсларига нисбатан иқтисодий фаол бўлган аҳоли нисбатининг юқори кўрсаткичлари Тошкент вилояти (83,0 фоиз), Сирдарё вилояти (81,3 фоиз) ҳамда Бухоро вилоятига (82,4 фоиз) тўғри келган бўлиб, энг паст кўрсаткичлар Жиззах вилоятида (70,4 фоиз)да кузатилган.

Республикада иш билан банд аҳоли сони 13 273,1 минг кишини ёки иқтисодий фаол аҳолининг 90,7 фоизини ташкил этган.

### **Иш билан банд аҳолининг тармоқлар кесимида тақсимоти**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Сони</b>	<b>Улуши (фоизда)</b>
<b>Иш билан банд аҳоли, жами</b>	<b>13 273,1</b>	<b>100,0</b>
<i>шундан тармоқлар бўйича</i>		
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3 537,2	26,6
Саноат	1 802,9	13,5
Қурилиш	1 205,5	9,1
Савдо	1 401,8	10,6
Ташиб ва сақлаш	645,2	4,9
Уй-жой ва овқатланиш бўйича хизматлар	301,9	2,3
Ахборот ва алоқа	62,7	0,5
Молия ва суғурта фаолияти	73,5	0,5
Таълим	1 111,7	8,4
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	604,0	4,5
Санъат	65,6	0,5
бошқа соҳалар	2 461,1	18,6

### **Иш билан банд аҳолининг тармоқлар бўйича тақсимоти (фоизда)**



Иш билан банд бўлган меҳнат ресурсларининг тармоқлар бўйича энг юқори улушлари қишлоқ хўжалигига (26,6 фоиз), саноат (13,5 фоиз) ва савдо (10,6 фоиз) тармоқларига тўғри келган.

Республикада ишсизлар сони 1 368,6 минг киши бўлиб, республика бўйича ишсизлик даражаси 9,3 фоизни ташкил этган.

Республика бўйича аҳолининг умумий номинал даромади 285 553,1 млрд сўм, аҳоли жон бошига номинал даромадлари эса 8 664,8 минг сўм миқдорида баҳоланиб, ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан номинал ўсиш 27,1 фоизни, аҳоли жон бошига реал даромадлар 7 372,4 минг сўмни реал ўсиш суръати эса 8,1 фоизни ташкил этган.

Худудлар бўйича аҳоли жон бошига даромадларнинг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳрига (номинал 15 804,6 минг сўм, реал 13 344,0 минг сўм) тўғри келган. Энг паст кўрсаткич Сирдарё вилоятида (номинал 6 769,3 минг сўм, реал 5 790,2 минг сўм) қайд этилган.

### **Худудлар бўйича аҳоли жон бошига даромадлар**

<b>Худудлар номи</b>	<b>Аҳоли жон бошига номинал даромад, минг сўмда</b>	<b>Аҳоли жон бошига реал даромад, минг сўмда</b>	<b>2017 йилга нисбатан номинал ўсиш суръати (фоизда)</b>	<b>2017 йилга нисбатан реал ўсиш суръати (фоизда)</b>
<b>Республика бўйича</b>	<b>8 664,8</b>	<b>7 372,4</b>	<b>127,1</b>	<b>108,1</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	6 323,1	5 365,4	129,3	109,7
Андижон вилояти	8 381,7	7 075,6	127,5	107,7
Бухоро вилояти	10 856,2	9 301,1	128,7	110,2
Жizzах вилояти	7 917,2	6 800,0	129,8	111,5
Кашкадарё вилояти	7 586,8	6 446,4	125,8	106,9
Навоий вилояти	13 697,1	11 725,9	128,2	109,8
Наманганд вилояти	6 769,3	5 790,2	126,1	107,8
Самарқанд вилояти	7 785,8	6 663,6	126,9	106,6
Сурхондарё вилояти	7 256,5	6 174,7	131,1	111,5
Сирдарё вилояти	7 922,0	6 724,4	125,0	106,1
Тошкент вилояти	9 070,8	7 762,1	126,2	108,0
Фарғона вилояти	6 869,3	5 876,2	128,1	109,6
Хоразм вилояти	9 176,0	7 703,1	133,0	111,6
Тошкент шаҳри	15 804,6	13 344,0	122,2	103,1

2018 йилда Ўзбекистон Республикасида номинал ўртача ҳисобланган ойлик иш ҳақи 1 822,7 минг сўмни (иш ҳақига устама, мукофот, рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар, компенсация ва ишланмаган вақт учун ҳақ каби тўловлар киритилган, шунингдек унинг таркибида жисмоний шахслар даромад солиғи, ижтимоий сутурта ва касаба уюшмасига тўловлар ҳам мавжуд) ташкил этиб, 2017 йилдаги номинал ўртача ҳисобланган ойлик иш ҳақига (1 457,8 минг сўм) нисбатан 25,0 фоизга ўсган.

Ўртача ойлик номинал иш ҳақининг худудлар бўйича энг юқори миқдори Тошкент шаҳрида 2 569,6 минг сўмни (республикадаги ўртача ойлик номинал иш ҳақига нисбатан 141,0 фоиз), Навоий вилоятида 2 348,4 минг сўмни (128,8 фоиз) ва Тошкент вилоятида 2 071,2 минг сўмни (113,6 фоиз) ташкил этган бўлса, Наманган вилоятида 1 429,9 минг сўмни (78,5 фоиз), Самарқанд вилоятида 1 444,1 минг сўмни (79,2 фоиз), Сурхондарё вилоятида 1 470,8 минг сўмни (80,7 фоиз) ташкил этиб, бошқа худудларга нисбатан паст кўрсаткичлар қайд этилган.

### **Ўртача ойлик номинал иш ҳақи**

<b>Худудлар номи</b>	<b>Ўртача ойлик номинал иш ҳақи (минг сўм)</b>	<b>2018 йилдаги ўртача ойликка нисбатан (фоизда)</b>
<b>Республика бўйича, жами</b>	<b>1 822,7</b>	<b>x</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	1 721,2	94,4
Андижон вилояти	1 685,5	92,5
Бухоро вилояти	1 710,1	93,8
Жizzах вилояти	1 535,9	84,3
Қашқадарё вилояти	1 615,5	88,6
Навоий вилояти	2 348,4	128,8
Наманган вилояти	1 429,9	78,5
Самарқанд вилояти	1 444,1	79,2
Сурхондарё вилояти	1 470,8	80,7
Сирдарё вилояти	1 545,8	84,8
Тошкент вилояти	2 071,2	113,6
Фарғона вилояти	1 499,0	82,2
Хоразм вилояти	1 487,2	81,6
Тошкент шаҳри	2 569,6	141,0

### Ташқи савдо айланмаси

Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмаси 2018 йилда 33 429,9 млн. АҚШ долларини, шу жумладан экспорт ҳажми 13 990,7 млн. АҚШ долларини ва импорт ҳажми 19 439,2 млн. АҚШ долларини ташкил этган. Ташқи савдо айланмаси сальдоси (салбий) 5 448,5 млн. АҚШ долларини ташкил этган.

Экспорт ҳажми 2017 йилга нисбатан 11,4 фоизга ўсиб, ялпи ички маҳсулотнинг 27,7 фоизига, импорт ҳажми эса 38,7 фоизга ўсиб, ялпи ички маҳсулотнинг 38,5 фоизига тўғри келган.

Экспорт ҳажмининг аҳоли жон бошига микдори 424,5 АҚШ долларини ташкил этган.

### **2018 йилдаги ташқи савдо айланмаси**

Кўрсаткичлар	Қиймати (млн.доллар)	Улуши (фоизда)	Ўзгариши (фоизда)
<b>Экспорт</b>	<b>13 990,7</b>	<b>100,0</b>	<b>11,4</b>
пахта толаси	222,1	1,7	-53,4
озик-овқат маҳсулотлари	1 097,8	8,4	25,3
кимё маҳсулотлари	905,3	4,9	2,4
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	2 666,8	16,1	65,9
қора ва рангли металл	1 171,9	6,8	28,1
машина ва асбоб-ускуналар	212,8	2,3	60,0
хизматлар	3 070,0	18,6	24,1
бошқалар	4 644,0	41,2	-6,5
<b>Импорт</b>	<b>19 439,2</b>	<b>100,0</b>	<b>38,7</b>
озик-овқат маҳсулотлари	1 581,6	7,5	24,2
кимё маҳсулотлари	2 527,6	12,7	17,7
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	879,5	3,7	18,5
қора ва рангли металл	1 773,3	8,6	39,1
машина ва асбоб-ускуналар	8 366,1	44,8	65,4
хизматлар	2 127,0	10,0	7,6
бошқалар	2 184,1	12,7	42,0

Импорт ҳажмининг энг юқори улушлари машина ва асбоб-ускуналарга (44,8 фоиз) ва кимё маҳсулотларига (12,7 фоиз) тўғри келган бўлиб, энг кам улуши энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари (3,7 фоиз) ҳисобига тўғри келган.

## **2.2. 2019 йилда қутилаётган қўрсаткичлар**

### **Ялпи ички маҳсулот**

Давлат статистика қўмитасининг дастлабки маълумотларига кўра 2019 йилнинг биринчи ярим йиллигида ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсиш суръати 5,8 фоизни ташкил этиб, ялпи ички маҳсулот ҳажми жорий нархларда 222 022,0 млрд.сўмни ташкил этган.

2019 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг реал ўсиш суръати 5,5 фоизни ташкил этиши ёки прогноз қўрсаткичидан (5,4 фоиз) 0,1 фоизга ортиқ бўлиши кутилмоқда.

2019 йил якунида ялпи ички маҳсулот ҳажми 524 230,0 млрд.сўмни ёки 58,3 млрд. АҚШ долларини, унинг аҳоли жон бошига миқдори 15,7 млн.сўмни ёки 1 741,0 АҚШ долларини ташкил этиши кутилмоқда.

Кутилаётган ялпи ички маҳсулот ҳажмининг таркиби қўриб чиқилганда, тармоқлар бўйича жами қўшилган қиймат миқдори 473 561,0 млрд.сўмни (ялпи ички маҳсулотнинг 90,3 фоизи) ҳамда маҳсулотлар ва экспорт-импорт операциялари ҳисобидан олинган соф солиқлар тушуми 50 669,0 млрд.сўмни (9,7 фоиз) ташкил этмоқда.

Тармоқлар кесимида қўшилган қийматнинг энг катта улуши (35,1 фоиз) хизматларга тўғри келган бўлиб, ушбу тармоқ бўйича қўрсатиладиган хизматлар ҳажми 166 351,0 млрд.сўмни ташкил этиши кутилмоқда. Шунингдек, ушбу қўрсаткич қишлоқ хўжалигига 140 538,0 млрд.сўм (29,7 фоиз), саноатда 137 565,4 млрд.сўм (29,0 фоиз) ва қурилишда 29 106,7 млрд.сўм (6,1 фоиз) миқдорида бўлиши кутилмоқда.

Шу жумладан, тармоқлар кесимида кутилаётган реал ўсиш миқдори қурилишда 11,8 фоизни, саноатда 6,4 фоизни, хизматлар бўйича 6,0 фоизни, қишлоқ хўжалигига 3,3 фоизни ҳамда маҳсулотлар ва экспорт-импорт операциялари ҳисобидан олинган соф солиқлар 5,5 фоизни ташкил этмоқда.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича 2019 йилги кутилаётган  
ЯИМ миқдори**

млрд. сўм

<b>№</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Миқдори</b>	<b>ЯИМ таркибидаги улуши (%)</b>	<b>2018 йилга нисбатан реал ўсиш (%)</b>	<b>ЯИМ ўсишида тармоқлар хиссаси (%)</b>
	<b>Ялпи ички маҳсулот, жами</b>	<b>524 230,0</b>	<b>100,0</b>	<b>105,5</b>	<b>5,5</b>
<b>I</b>	<b>Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>473 561,0</b>	<b>90,3</b>	<b>105,5</b>	<b>4,9</b>
1	Саноат	137 565,4	26,2	106,4	1,5
2	Қурилиш	29 106,7	5,6	111,8	0,6
3	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	140 538,0	26,8	103,3	1,0
4	Хизматлар	166 351,0	31,7	106,0	1,9
<b>II</b>	<b>Маҳсулотларга соғ солиқлар</b>	<b>50 669,0</b>	<b>9,7</b>	<b>105,0</b>	<b>0,6</b>

Хизматлар соҳаси ялпи ички маҳсулотнинг 31,7 фоизига тўғри келиб, унинг ўсиш суръатига энг катта таъсири кутилаётган тармоқ сифатида баҳоланмоқда. Ушбу соҳа 2018 йилга нисбатан 6,0 фоизга ошиб, ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига таъсири 1,9 фоиз бандни ташкил этиши кутилмоқда.

Саноат маҳсулоти ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 26,2 фоизни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 6,4 фоизга ошган ҳамда ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига таъсири 1,5 фоиз бандни ташкил этмоқда.

Қишлоқ хўжалиги тармоғининг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 26,8 фоизни ташкил этиб, ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига таъсири 1,0 фоиз миқдорида баҳоланди ҳамда ушбу тармоқда 3,3 фоиз миқдоридаги ижобий ўсиш суръати кутилмоқда.

Маҳсулотлар ва экспорт-импорт операциялари ҳисобидан олинган соғ солиқлар ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 9,7 фоизни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан ўсиш даражаси 5,0 фоизни, ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига таъсири 0,6 фоиз бандни ташкил этмоқда.

Қурилиш тармоғининг ўсиш суръатлари 11,8 фоизни, ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 5,6 фоизга тенг бўлиб, реал ўсишда қурилиш тармоғининг ижобий ҳиссаси 0,6 фоиз банд даражасида бўлиши кутилмоқда.

## Ялпи ички маҳсулот таркиби



### Асосий капиталга киритиладиган инвестициялар

2019 йил якуни билан асосий капиталга киритиладиган инвестициялар ҳажми 183 008,3 млрд. сўмни ёки 20 346,1 млн.долларни ташкил этиши кутилмоқда.

Асосий капиталга киритиладиган инвестициялар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 34,9 фоизга тўғри келиши, 2018 йилга нисбатан ўсиш даражаси эса 28,1 фоизни ташкил этиши режалаштирилмоқда.

Молиялаштириш манбалари бўйича таҳлил қилинганда, 2019 йилда ўзлаштириладиган инвестицияларнинг асосий қисми жалб қилинган маблағлар ҳисобига тўғри келиши, яъни улар 123 641,3 млрд.сўм (жами инвестиция ҳажмининг 67,6 фоизи)ни, корхоналар ва аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан ўзлаштирилган инвестиция ҳажми 59 367,0 млрд.сўм (жами инвестиция ҳажмининг 32,4 фоизи)ни ташкил этиши кутилмоқда.

**2019 йил якуни билан кутилаётган манбалар кесимида асосий  
капиталга инвестициялар**

млрд. сўм

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Миқдори</b>	<b>Улуши (фоизда)</b>	<b>Ўсиш суръатлари (фоизда)</b>
<b>Капитал қўйилмалар, жами</b>	<b>183 008,3</b>	<b>100,0</b>	<b>128,1</b>
<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>61 963,0</b>	<b>33,9</b>	<b>145,9</b>
Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари	18 248,4	10,0	134,1
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари	10 344,0	5,7	112,6
<i>млн. АҚШ доллари ҳисобида</i>	<i>1 150,0</i>	<i>x</i>	<i>116,1</i>
Хукумат кафолати остидаги хорижий инвестиция ва кредитлар	33 370,6	18,2	169,7
<i>млн. АҚШ доллари ҳисобида</i>	<i>3 710,0</i>	<i>x</i>	<i>175,0</i>
<b>Марказлашмаган инвестициялар:</b>	<b>121 045,3</b>	<b>66,1</b>	<b>120,6</b>
Корхоналарнинг ўз маблағлари	43 850,4	24,0	100,5
Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарзлар	29 746,8	16,3	117,0
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	31 931,5	17,4	212,7
<i>млн. АҚШ доллари ҳисобида</i>	<i>3 550,0</i>	<i>X</i>	<i>219,4</i>
Аҳоли маблағлари	15 516,6	8,5	109,4


Марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 61 963,0 млрд.сўм (33,9 фоиз) ҳамда марказлашмаган манбалар ҳисобидан эса 121 045,3 млрд.сўм (66,1 фоиз) инвестициялар ўзлаштирилиши режалаштирилмоқда.

2019 йилда ўзлаштириладиган инвестицияларнинг таркибида энг салмоқли улуш (24,0 фоиз) корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан киритиладиган инвестицияларга (43 850,4 млрд.сўм) тўғри келиши кутилмоқда.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг улуши жами инвестиция ҳажмининг 17,4 фоизига тўғри келиб, 3 550,0 млн. АҚШ доллари (31 931,5 млрд.сўм)ни ташкил этиши ёки 2018 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 2 баравардан зиёдрокга ортиши кутилмоқда. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми ялпи ички маҳсулотнинг 6,1 фоизини ташкил этмоқда.


Аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан киритилган инвестиция ҳажми 15 516,6 млрд.сўмни (жами инвестицияларнинг 8,5 фоизи), Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига амалга ошириладиган инвестиция лойихалари эса 18 248,4 млрд.сўм (10,0 фоиз)ни ташкил этиши кутилмокда.

### МАРКАЗЛАШГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР



- Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари
- Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари
- Хукумат кафолати остидаги хорижий инвестиция ва кредитлар

### МАРКАЗЛАШМАГАН ИНВЕСТИЦИЯ



## Меҳнат бозори ва демографик таҳлил

2019 йилда меҳнат ресурслари таркибидаги иқтисодий фаол аҳоли сони 14 752,5 минг кишини ташкил этиши ёки ўтган йилдаги қўрсаткичга нисбатан 1,0 фоизга ошиши кутилмоқда.

Республикада иш билан банд аҳоли сони 13 408,4 минг кишини (иқтисодий фаол аҳолининг 90,9 фоизини) ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 1,0 фоизга ўсиши баҳоланмоқда.


### **Миллий иқтисодиётда фаолият қўрсатаётган аҳолининг тармоқлар бўйича тақсимоти**

минг кишии

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Сони</b>	<b>Улуши (фоизда)</b>
Жами	13 408,4	x
<i>шундан тармоқлар бўйича:</i>		
қишлоқ (шу жумладан ўрмон ва балиқ) хўжалиги	3 569,5	26,6
саноат	1 835,2	13,7
қурилиш	1 219,2	9,1
савдо	1 412,0	10,5
ташиш ва сақлаш	650,0	4,8
уй-жой ва озиқ-овқат бўйича хизмат қўрсатиш	307,6	2,3
ахборот ва алоқа	63,6	0,5
молия ва суғурта фаолияти	75,6	0,6
таълим	1 144,6	8,5
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	617,8	4,6
санъат	66,6	0,5
бошқа соҳалар	2 446,8	18,2

Миллий иқтисодиётда иш билан банд бўлган меҳнат ресурсларининг тармоқлар бўйича энг юқори улушлари қишлоқ хўжалиигига (26,6 фоиз), саноат (13,7 фоиз), савдо (10,5 фоиз) тармоқларига мос келиши кутилмоқда.

Республикада ишсизлар сони 1 344,1 минг киши миқдорида, республика бўйича ишсизлик даражаси эса 9,1 фоизни ташкил этиши баҳоланмоқда.



### Ташқи савдо айланмаси

2019 йил учун Республикада ташқи савдо айланмаси 43 366,5 млн. АҚШ долларини, шу жумладан экспорт ҳажми 18 980,7 млн. АҚШ долларини ва импорт ҳажми 24 385,8 млн. АҚШ долларини ташкил этиши кутилмоқда.

### **2019 йилда кутилаётган ташқи савдо айланмаси**

млн.АҚШ доллари

Кўрсаткичлар	2018 йил		2019 йил кутилаётган		Ўзга-риши (фоиз)
	Амалдаги миқдори	ЯИМдаги улуши (фоиз)	Миқдори	ЯИМдаги улуши (фоиз)	
<b>Ташқи савдо айланмаси, жами</b>	<b>33 430,0</b>		<b>43 366,5</b>		<b>130,0</b>
Экспорт	13 990,7	27,7	18 980,7	32,6	135,7
Импорт	19 439,2	38,5	24 385,8	41,8	125,4
<b>Сальдо</b>	<b>-5 448,5</b>		<b>-5 405,2</b>		<b>x</b>

Ташқи савдо айланмаси сальдоси салбий баланс (- 5 405,2 млн.доллар) билан яқунланиши баҳоланмоқда.

Экспорт ҳажми 2018 йилга нисбатан 35,7 фоизгача ўсиб, ялпи ички маҳсулотнинг 32,6 фоизига, импорт ҳажми эса 25,4 фоизгача ўсиб, ялпи ички маҳсулотнинг 41,8 фоизига тўғри келиши кутилмоқда.

Экспорт ҳажмининг аҳоли жон бошига миқдори 567,1 АҚШ долларни (2018 йилга нисбатан 33,6 фоиз ўсиш) ташкил этиши кутилмоқда.

### **2019 йилда кутилаётган алоҳида мақсадли макроиктисодий кўрсаткичлар**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2019 йил кутилаётган</b>
<b>Давлат қарзи, млн. АҚШ доллари</b>	<b>21 338</b>
шундан, ташқи қарз, млн.АҚШ доллари	15 338
ташқи давлат қарзи, ЯИМга нисбатан фоизда	25,9
ташқи қарзга хизмат кўрсатиш, ЯИМга нисбатан фоизда	1,3
<b>Пул ва кредит</b>	
Пул массаси, млрд. сўм	98 496
ЯИМга нисбатан фоизда	18,8
Кредит қўйилмаларининг ҳажми, млрд. сўм	236 432
ЯИМга нисбатан фоизда	45,1
<b>Халқаро захиралар</b>	<b>27 146</b>
ўртacha ойлик импортга нисбатан (баробар)	13,6
<b>Валюта айрбошлиш курси (йил якунига) сўм/доллар</b>	<b>9 650</b>
ўтган йилга нисбатан фоизда	116
ўртacha йиллик, сўм/долл.	8 995

2019 йил якуни бўйича кутилаётган давлат қарзи 21 338 млн. АҚШ долларини, шундан ташқи қарз 15 338 млн. АҚШ долларини ёки ЯИМга нисбатан 25,9 фоизни ташкил этган. Ташқи қарзга хизмат кўрсатиш ЯИМга нисбатан фоизда 1,3 фоизни ташкил этган.

### **2.3. 2020 йил прогноз кўрсаткичлари**

Мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишининг 2020 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози иқтисодиётни эркинлаштириш ва фаол инвестицион сиёsat шакллантирилган.

2020 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози тайёрланишида қўйидагилар ҳисобга олинган:

- ташқи бозорлар конъюнктурасининг ўзгаришлари, шу жумладан мамлакатнинг асосий экспорт номенклатуроси бўйича қулай шарт-

шароитлари билан тавсифланувчи асосий савдо ҳамкорлари бўлган давлатлардаги ўзгаришлар;

- валюта бозори ва нархни шакллантиришни либераллаштириш бўйича кўрилган чоралар, солик ва божхона тўловларини оптималлаштириш;

- Инвестиция дастури ҳамда ҳудудлар, шаҳарлар ва туманларни комплекс ривожлантириш дастури доирасида ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва ошириш.

### **Ялпи ички маҳсулот**

2020 йилдаги ялпи ички маҳсулот ҳажми 653 546,4 млрд.сўмни ёки 66,5 млрд.долларни, унинг аҳоли жон бошига миқдори 19,2 млн.сўмни ёки 2,0 минг долларни ташкил этиши режалаштирилмоқда.

2020 йилда дефлятор миқдори 18,2 фоиз бўлган бўлган ҳолда реал ўсиш суръати 5,5 фоизни ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

Прогноз қилинаётган ялпи ички маҳсулот ҳажмининг таркиби кўриб чиқилганда, тармоқлар бўйича жами қўшилган қиймат миқдори 595 800,9 млрд.сўмни (ялпи ички маҳсулотнинг 91,2 фоизи) ҳамда маҳсулотлар ва экспорт-импорт операциялари ҳисобидан олинган соф солиқлар тушуми 57 745,5 млрд.сўмни (8,8 фоиз) ташкил этмоқда.

Тармоқлар кесимида қўшилган қийматнинг энг катта улуши (35,3 фоиз) хизматларга тўғри келган бўлиб, ушбу тармоқ бўйича ишлаб чиқариладиган ялпи ички маҳсулот ҳажми 210 144,9 млрд.сўмни ташкил этиши режалаштирилмоқда. Шунингдек, ушбу кўрсаткич саноат бўйича 180 667,7 млрд.сўм (30,3 фоиз), қурилиш бўйича 38 672,7 млрд.сўм (6,5 фоиз) ва қишлоқ хўжалиги бўйича 166 315,5 млрд.сўм (27,9 фоиз) миқдорида бўлиши кутилмоқда.

Кутилаётган реал ўсиш миқдори қурилиш бўйича 9,3 фоизни, саноат бўйича 6,5 фоизни, хизматлар бўйича 5,7 фоизни, қишлоқ хўжалиги бўйича 4,0 фоизни ҳамда маҳсулотлар ва экспорт-импорт операциялари ҳисобидан олинган соф солиқлар 3,2 фоизни ташкил этмоқда.

Хизматлар соҳаси ялпи ички маҳсулотнинг 32,2 фоизига тўғри келиб, унинг ўсиш суръатига энг катта таъсири кутилаётган тармоқ сифатида баҳоланмоқда. Ушбу соҳа 2019 йилга нисбатан 5,7 фоизга ошиб, ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига таъсири 1,8 фоиз бандни ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

## Иқтисодий фаолият турлари бўйича 2020 йилги ЯИМ прогнози

млрд. сўм

№	Кўрсаткичлар	Миқдори	ЯИМ таркибидаги улуши (фоиз)	2019 йилга нисбатан реал ўсиш (фоиз)	ЯИМ ўсишида тармоқлар хиссаси (фоиз)
	<b>Ялпи ички маҳсулот, жами</b>	<b>653 546,4</b>	<b>100,0</b>	<b>105,5</b>	<b>5,5</b>
I.	<b>Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>595 800,9</b>	<b>91,2</b>	<b>105,7</b>	<b>5,1</b>
1.	Саноат	180 667,7	27,6	106,5	1,7
2.	Қурилиш	38 672,7	5,9	109,3	0,5
3.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	166 315,5	25,4	104,0	1,1
4.	Хизматлар	210 144,9	32,2	105,7	1,8
II.	<b>Маҳсулотларга соғ солиқлар</b>	<b>57 745,5</b>	<b>8,8</b>	<b>103,2</b>	<b>0,3</b>

### Ялпи ички маҳсулот таркиби




Саноат маҳсулотининг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 27,6 фоизни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 6,5 фоизга ошиши ҳамда ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига таъсири 1,7 фоиз бандни ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

2020 йил якунларига кўра, қишлоқ хўжалигида 4,0 фоиз миқдоридаги ижобий ўсиш суръати кутилмоқда. Ушбу тармоқнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 25,4 фоизни ташкил этиб, ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига таъсири 1,1 фоиз миқдорида баҳоланмоқда.

Маҳсулотлар ва экспорт-импорт операциялари ҳисобидан олинган соф солиқлар ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 8,8 фоизни ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан ўсиш даражаси 3,2 фоиз бўлиб, ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига таъсири 0,3 фоиз бандни ташкил этмоқда.

Курилиш тармоғининг ўсиш суръатлари 9,3 фоизни, ялпи ички маҳсулот таркибида курилишнинг улуши 5,9 фоизга тенг бўлиб, реал ўсишда курилиш тармоғининг ижобий ҳиссаси 0,5 фоиз банд даражасида бўлиши прогноз қилинмоқда.

### **Ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсиш суръатлари**



2018-2020 йиллар давомида ялпи ички маҳсулот ҳажмининг барқарор ўсиш суръатлари кузатилиши кутилмоқда. Ўсиш суръатларига энг катта таъсир кўрсатадиган тармоқлар асосан хизматлар ва саноат маҳсулотлари ҳисобига тўғри келмоқда.

### **Асосий капиталга киритиладиган инвестициялар**

2020 йил якуни билан барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий капиталга киритиладиган инвестициялар ҳажми 215 173,0 млрд.сўмни ёки 21 900,6 млн.долларни ташкил этиши кутилмоқда.

Асосий капиталга киритиладиган инвестициялар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 32,9 фоизга тўғри келиши, 2019 йилга нисбатан ўсиш даражаси эса 5,3 фоизни ташкил этиши режалаштирилмоқда.

Молиялаштириш манбалари бўйича таҳлил қилинганда, 2020 йилда ўзлаштириладиган инвестицияларнинг асосий қисми жалб қилинган маблағлар хисобига тўғри келиши, яъни улар 145 361 млрд.сўм (жами инвестиция ҳажмининг 67,6 фоизи) ни, корхоналар ва аҳолининг ўз маблағлари хисобидан ўзлаштирилган инвестиция ҳажми 69 812 млрд.сўм (жами инвестиция ҳажмининг 32,4 фоизи) ни ташкил этиши кутилмоқда.

### **2020 йилда манбалар кесимидағи асосий капиталга инвестициялар прогнози**

млрд. сўм

	<b>Микдори</b>	<b>Улуши (фоизда)</b>	<b>Ўсиш суръатлари (фоиз)</b>
<b>Капитал қўйилмалар, жами</b>	<b>215 173,0</b>	<b>100,0</b>	<b>105,3</b>
<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>64 524,6</b>	<b>30,0</b>	<b>93,4</b>
Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари	13 424,8	6,2	66,0
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари	4 922,3	2,3	42,7
млн.доллар ҳисобида	501,0	x	43,6
Ҳукумат кафолати остидаги хорижий инвестиция ва кредитлар	46 177,5	21,5	124,2
млн.доллар ҳисобида	4 700,0	x	126,7
<b>Марказлашмаган инвестициялар:</b>	<b>150 648,4</b>	<b>70,0</b>	<b>111,3</b>
Корхоналарнинг ўз маблағлари	52 980,5	24,6	108,4
Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарзлар	35 740,0	16,6	107,8
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	45 096,8	21,0	126,7
млн.доллар ҳисобида	4 590,0	X	129,3
Аҳоли маблағлари	16 831,1	7,8	108,5

Марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 64 524,6 млрд.сўм (30,0 фоиз), марказлашмаган манбалар ҳисобидан 150 648,4 млрд.сўм (70 фоиз) инвестиция ўзлаштирилиши прогноз қилинмоқда.

2020 йил прогнозида ўзлаштириладиган инвестициялар таркибида энг салмоқли улуш (24,6 фоиз) корхоналарнинг ўз маблағлари хисобидан киритиладиган инвестицияларга (52 980,5 млрд.сўм) тўғри келади.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг улуши жами инвестиция ҳажмининг 21,0 фоизига тўғри келиб, 4 590,0 млн.доллар (45 096,8 млрд.сўм)ни ташкил этиши ёки 2019 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 26,7 фоизга ошиши баҳоланмоқда.

Хукумат кафолати остидаги хорижий инвестиция ва кредитлар жами инвестиция ҳажмининг 21,5 фоизига тўғри келиб, 4 700,0 млн.доллар (46 177,5 млрд.сўм)ни ташкил этган ҳолда 2019 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 24,2 фоизга ўсиши кутилмоқда.

## МАРКАЗЛАШГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР



## МАРКАЗЛАШМАГАН ИНВЕСТИЦИЯ



Аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан киритилган инвестиция ҳажми 16 831,1 млрд.сўмни (жами инвестицияларнинг 7,8 фоизи), Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари эса 13 424,8 млрд.сўмни (6,2 фоиз) ташкил этиши қутилмоқда.

Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан тақдим этилган маълумотларга қўра 2020 йилда эркин иқтисодий зоналар ва 50 дан зиёд кичик саноат зоналарини ташкил этиш режалаштирилган.

Дастлабки маълумотларга асосан кичик саноат зоналарида 2020 йилда қиймати 6,8 трлн. сўм қийматга teng 861 та лойиҳалар ишга туширилиши кутилаётган бўлиб, ушбу зоналарда машинасозлик, электр техникаси, кимё, қурилиш саноати, енгил, озиқ-овқат ва фармацевтика саноати ва бошқа тармоқлар бўйича 2,7 трлн. сўм миқдоридаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳисобига 24 мингдан зиёд иш ўринлари ташкил этилиши кўзда тутилмоқда.

### *Мехнат бозори ва демографик тахлил*

2020 йилда меҳнат ресурслари таркибидаги иқтисодий фаол аҳоли сони 14 925,9 минг кишини ташкил этиши ёки ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан 1,2 фоизга ошиши қутилмоқда.

Республикада иш билан банд аҳоли сони 13 547,3 минг кишини (иқтисодий фаол аҳолининг 90,8 фоизини) ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 1,0 фоизга ўсиши баҳоланмоқда.

### **2020 йилда иш билан банд аҳоли сони прогнози**

Кўрсаткичлар	Сони, минг киши	Улуши (фоизда)
<b>Жами иш билан банд аҳоли</b>	13 547,3	x
<i>шундан тармоқлар бўйича:</i>		
қишлоқ (шу жумладан ўрмон ва балиқ) хўжалиги	3 468,1	25,6
саноат	1 828,9	13,5
қурилиш	1 192,2	8,8
савдо	1 408,9	10,4
ташиш ва сақлаш	663,8	4,9
уй-жой ва озиқ-овқат бўйича хизмат кўрсатиш	311,6	2,3
ахборот ва алоқа	67,7	0,5
молия ва суғурта фаолияти	81,3	0,6
таълим	1 151,5	8,5
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	636,7	4,7
санъат	67,7	0,5
бошқа соҳалар	2 668,8	19,7

### **Миллий иқтисодиётда фаолият кўрсатаётган аҳолининг тармоқлар бўйича тақсимоти**



Миллий иқтисодиётда иш билан банд бўлган меҳнат ресурсларининг тармоқлар бўйича энг юқори улушлари қишлоқ хўжалигига (25,6 фоиз), саноат (13,5 фоиз), савдо (10,4 фоиз) тармоқларига мос келиши кутилмоқда.

Республикада ишсизлар сони 1 378,6 минг киши миқдорида баҳоланганд бўлиб, республика бўйича ишсизлик даражаси 9,2 фоизни ташкил этиши баҳоланмоқда.

### **Ташқи савдо айланмаси**

Ташқи савдо фаолиятини амалга ошириш учун яратилган қулай шартшароитлар ва экспортчиларни қўллаб-куватлаш бўйича кўрилган чоралар ҳисобига 2020 йилда Республикада ташқи савдо айланмаси 46 858,8 млн. АҚШ долларини, шу жумладан экспорт ҳажми 20 511,5 млн. АҚШ долларини ва импорт ҳажми 26 347,3 млн. АҚШ долларини этиши кутилмоқда.

#### **2020 йилда кутилаётган ташқи савдо айланмаси**



млн.АҚШ доллари

Кўрсаткичлар	2019 йил кутилаётган		2020 йил прогноз		Ўзга-риши (фоиз)
	Амалдаги миқдори	ЯИМдаги улуси (фоиз)	Миқдори	ЯИМдаги улуси (фоиз)	
Ташқи савдо айланмаси	<b>43 366,5</b>		<b>46 858,8</b>		<b>108,1</b>
Экспорт	18 980,7	32,6	20 511,5	30,8	108,1
Импорт	24 385,8	41,8	26 347,3	39,6	108,0
Сальдо	<b>-5 405,2</b>		<b>-5 835,9</b>		<b>x</b>

Ташқи савдо айланмаси сальдоси салбий баланс (- 5 835,9 млн.доллар) билан якунланиши баҳоланмоқда.

Экспорт ҳажми 2019 йилга нисбатан 8,1 фоизга ўсиб, ялпи ички маҳсулотнинг 30,8 фоизига, импорт ҳажми эса 8,0 фоизга ўсиб, ялпи ички маҳсулотнинг 39,6 фоизига тўғри келиши кутилмоқда.

Экспорт ҳажмининг аҳоли жон бошига миқдори 601,5 АҚШ долларни (2019 йилга нисбатан 6,1 фоиз ўсиш) ташкил этиши кутилмоқда.



Бюджетномада келтирилган маълумотларга кўра 2020 йил якуни бўйича давлат қарзи миқдори 29 574 млн. АҚШ долларини, шундан ташқи қарз 22 945 млн. АҚШ долларини ёки ЯИМга нисбатан 34,5 фоизни ташкил этиши прогноз қилинган. Ташқи қарзга хизмат кўрсатиш ЯИМга нисбатан фоизда 2 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

**2020 йил учун алоҳида мақсадли макроиқтисодий  
кўрсаткичлар прогнози**

Кўрсаткичлар	<b>2020 йил, прогноз</b>
<b>Давлат қарзи, млн. АҚШ доллари</b>	<b>29 574</b>
шундан, ташқи қарз, млн.АҚШ доллари	22 945
ташқи давлат қарзи, ЯИМга нисбатан фоизда	34,5
ташқи қарзга хизмат кўрсатиш, ЯИМга нисбатан фоизда	2
<b>Пул ва кредит</b>	
Пул массаси, млрд. сўм	112 880
ЯИМга нисбатан фоизда	17,3
Кредит қўйилмаларининг ҳажми, млрд. сўм	287 864
ЯИМга нисбатан фоизда	44
<b>Халқаро захиралар</b>	<b>26 414</b>
ўртача ойлик импортга нисбатан (баробар)	12,3
<b>Валюта айрбошлиш курси (йил якунига) сўм/доллар</b>	<b>10 000</b>
ўтган йилга нисбатан фоизда	104
ўртача йиллик, сўм/долл.	9 825

**III. Бюджетнома лойиҳасида кўзда тутилган 2020 йил  
солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари, Давлат бюджети ва  
Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари таҳлили,  
Ҳисоб палатасининг таклиф ва мулоҳазалари**

**3.1. 2020 йил солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга мўлжаллари тўғрисида” 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли қарори (кейинги ўринларда ПҚ-4086-сонли қарори деб аталади) билан 2019 йил учун солиқ ставкалари тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 13 майдаги ПФ-5715-сонли Фармони (кейинги ўринларда ПФ-5715-сонли Фармони деб аталади) билан 2020 йил 1 январдан бошлаб мақсадли дастурларни амалга ошириш доирасида тақдим этилган қўшилган қиймат солиги бўйича амалдаги имтиёзлар бекор қилиниши топшириғи берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2019 йил 1 декабрга қадар:

бош пудрат ташкилотлари, пудрат ташкилотлари ва субпудрат ташкилотларига, қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва автотранспорти ишлаб чиқарувчи ташкилотларга, шунингдек, уларни ташишда қатнашадиган ташкилотлар, ишлар (хизмат) кўрсатиш корхоналари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентлари, транспорт корхоналари, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «Ўзшаҳар қурилиш инвест» ИК, «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» МЧЖ, «Ўзсаноатэкспорт» АЖ ҳамда «Тошкент қишлоқ қурилиш сервис» МЧЖга берилган солиқ имтиёзлари, жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиги бўйича имтиёзларни бекор қилиш;

якка тартибдаги уй-жой ёки кўп қаватли уйдаги хонадоннинг қиймати 300 миллион сўмдан ошмаган тақдирда, олинган ипотека кредитларини ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтириладиган ва солиқ солинадиган жисмоний шахслар ва улар оила аъзоларининг (бирга қарз олувчилар) жами 15 миллион сўмгача бўлган иш ҳақи ва бошқа даромадлари суммаси солиқ даври давомида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигига тортилмаслигини кўзда тутувчи тартибни ўрнатиш бўйича таклиф киритиш топшириғи берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 27 июндаги ПФ-5755-сонли Фармони (кейинги ўринларда ПФ-5755-сонли Фармони деб аталади) билан 2019 йил 1 октябрдан бошлаб солиқ тўловчиларнинг қўшилган қиймат солиги тўловчиси таркибиға киритиш мезонлари ўзгарди, қўшилган қиймат солиги бўйича айрим солиқ солиш оборотларига, тўлов манбаида юридик шахслардан олинадиган фойда солигига берилган имтиёзлар бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимиға замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5813-сонли Фармони (кейинги ўринларда ПФ-5813-сонли Фармони деб аталади) билан алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, дори-дармон, автомобилларга бензин, дизель ва газ ёқилғиси савдоси билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари 2020 йил 1 январдан, ўтган йил якунлари бўйича йиллик обороти (тушуми) беш миллиард сўмдан ошган тадбиркорлик субъектлари 2020 йил 1 августдан

онлайн назорат касса машиналари ёки виртуал кассадан фойдаланишга ўтиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 26 сентябрдаги ПФ-5837-сонли Фармони (кейинги ўринларда ПФ-5837-сонли Фармони деб аталади) билан 2019 йил 1 октябрдан бошлаб қўшилган қиймат солигининг ставкаси 20 фоиздан 15 фоизгача пасайтирилди, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган (кўрсатиладиган), акциз тўланадиган товарларга (хизматларга) акциз солиги ставкалари ўзгарди, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобига тўланган ягона солиқ тўлови суммаси Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ўтказилиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июнданги “Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3818-сон қарорига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги 2019 йил 2 октябрдаги ПҚ-4470-сон қарори (кейинги ўринларда ПҚ-4470-сонли қарори деб аталади) билан 2020 йил 1 январдан товарлар импорти учун божхона божларининг янги ставкалари ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июнданги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3802-сонли қарорига (ПҚ-3802-сонли қарори деб аталади) асосан йирик солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш, жумладан солиқ ҳисботларини қабул қилиш, камерал назорат ўтказиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш мажбурияти юклатилган Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси (кейинги ўринларда Йирик солиқ тўловчилар бўйича инспекция деб аталади) ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 320-сонли қарори (кейинги ўринларда ВМ 320-сонли қарори деб аталади) билан Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси тўғрисидаги низом тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 8 июлдаги “Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига

киритишининг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2019-45-сон қарори Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 12 июлда 3172-сон (кейинги ўринларда АВ 3172-сонли Низом деб аталади) билан рўйхатдан ўтказилган.

Шунингдек, 2020 йилда айрим тоифадаги корхоналарга ягона ижтимоий тўлов ставкасини 25 фоиздан 12 фоизгача, дивиденд шаклида тўланадиган даромадларга солиқ ставкасини сақлаб қолган ҳолда, юридик шахслардан олинадиган фойда солиги ставкасини 15 фоиз миқдорида белгилаш, солиқ юкини камайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш топшириқлари берилган.

2020-2022 йиллар учун солиқ сиёсатини такомиллаштириш доирасида куйидагилар кўзда тутилмоқда:

- солиқ ва бошқа мажбурий тўлов турларини қисқартириш;
- бозорлар, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ва гастрол-концерт фаолиятини амалга оширувчи шахслар учун алоҳида солиқ режимларини бекор қилиш;
- айрим солиқ турлари учун белгиланган ставкаларни ўзгартириш;
- айрим солиқ турлари ставкаларининг ҳар йиллик индексациясини амалга ошириш режалаштирилмоқда.

#### **Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича таклиф этилаётган ставкалар**

<b>№</b>	<b>Номи</b>	<b>2019 йилдаги ставкалар</b>	<b>2020 йилдаги ставкалар</b>	<b>Фарки</b>
1	Кўшилган қиймат солиги	<b>15%</b>	<b>15%</b>	<b>0%</b>
2	Ягона ижтимоий тўлов	<b>25%</b>	<b>12%</b>	<b>-13%</b>
3	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиги	12%	15%	3%
4	Кичик корхоналар товар айланмасидан солиқ	4%	4%	0%
5	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги	12%	12%	0%
6	Дивиденdlар ва фоизлар кўринишидаги даромадлар	5%	5%	0%
7	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	2%	2%	0%
8	Акциз солиги			
<i>a)</i> алкогол маҳсулотлари ва пиво учун		қатъий белгиланган суммада	2 босқичдаги индексация: <b>01.04.2020 (8%)</b> <b>01.10.2020 (7%)</b>	

<b>№</b>	<b>Номи</b>	<b>2019 йилдаги ставкалар</b>	<b>2020 йилдаги ставкалар</b>	<b>Фарки</b>
б)	тамаки маҳсулотлари учун	1000 дона учун 141500 сўм	2 босқичдаги индексация: <b>01.04.2020 - 152800 сўм (8 %)</b> <b>01.10.2020 - 163500 сўм (7 %)</b>	
	тамаки маҳсулотлари учун (адвалор ставка)	9%	9%	<b>0%</b>
в)	табиий газ	20%	20%	<b>0%</b>
г)	суюлтирилган газ	30%	30%	<b>0%</b>
д)	полиэтилен гранулалари учун	30%	30%	<b>0%</b>
e)	мобил алоқа хизматини кўрсатувчи юридик шахслар учун	20%	20%	<b>0%</b>
	охирги истеъмолчига сотиладиган:		<b>01.04.2020 дан:</b>	
ж)	бензин ва дизель ёқилғиси	1 литр учун 285 сўм	1 литр учун 350 сўм	23%
	суюлтирилган газ	1 литр учун 285 сўм	1 литр учун 350 сўм	23%
	сиқилган газ	1 куб. метр 435 сўм	1 куб. метр 500 сўм	15%
9	Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиги	қатъий белгиланган суммада	15% индексация	15%
10	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик	қатъий белгиланган суммада	15% индексация	15%

### **Юридик шахслардан олинадиган фойда солиги**

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиги Солик кодексининг V бўлими билан тартибга солинган.

2020 йил 1 январдан бошлаб, корхоналарнинг хуфиёна фаолиятга бўлган интилишини пасайтириш ва фойда солиги юкини иш ҳақи фондидаги юк билан мувофиқлаштириш мақсадида:

1. Фойда солигининг базавий ставкаси 12 фоиздан 15 фоизга оширилмоқда.

### **Марказий Осиё давлатларида фойдага солик юки**

*фоизда*

<b>Давлатлар</b>	<b>Фойда солигининг базавий ставкаси</b>	<b>Дивидент солиги ставкаси</b>	<b>Фойдага солик юки</b>
Қозогистон	20	5	24.0
Кирғизистон	10	0	10.0

<b>Давлатлар</b>	<b>Фойда солигининг базавий ставкаси</b>	<b>Дивидент солиги ставкаси</b>	<b>Фойдага солик юки</b>
Тожикистон	23	12	32.2
Туркманистон	8	10	17.2
Ўзбекистон (амалдаги)	12	5	16.4
Ўзбекистон (таклиф этилаётган)	15	5	19.3

Жадвалдан кўриниб турибдики, ставканинг оширилиши Ўзбекистон иқтисодиётининг инвестор учун жозибадорлигига салбий таъсир этмайди.

Шу билан бирга, фойдага солик юки 16,4 % дан 19,3 % га кўтарилаётган бўлиб, минтақада барқарор иқтисодий ўсиш қўрсаткичларини намоён этаётган Қозоғистон Республикасига нисбатан пастдир.

Ставканинг оширилиши ҳисобига амалдаги шартлар бўйича ҳисобкитобларга кўра бюджетга 1 910 млрд.сўм қўшимча тушумлар кутилмоқда, бироқ корхоналар томонидан “конверт”да берилаётган иш ҳақи фондини легаллаштирилиши ҳисобига кутилаётган қўшимча тушумлар камайиш тенденциясига эга.

Алоҳида тоифадаги солик тўловчилар учун амалдаги 20 фоизли ставка сақлаб қолинмоқда.

2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари солик солишининг соддалаштирилган тартибидан умумбелгиланган тартиба ўтказилиши муносабати билан улар учун фойда солиги ставкаси “0” фоиз миқдорида белгиланмоқда.

Бундай ставканинг белгиланиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг соликларни умумбелгиланган тартибда тўлашга ўтган шароитда иқтисодий жиҳатдан қўллаб-кувватланишига хизмат қиласди.

3. Газ маҳсулотлари учун қўшимча фойда солиги бекор қилинмоқда.

4. Ўзбекистон Республикаси норезидентлари даромадлари учун фойда солиги ставкалари сақлаб қолинмоқда.

5. Дивидендларга белгиланган 5 фоизли солик ставкаси сақлаб қолинган ҳолда, солик солинадиган дивиденд суммасини аниқлаш тартиби ўзгартирилмоқда. Киритилаётган тартибга мувофиқ, дивидендларни тақсимлаш санасига юридик шахс томонидан жорий ва аввалги ҳисобот даврида олинган дивидендлар билан юридик шахс томонидан таъсисчиларига тақсимланиши

белгиланган дивидендернинг ўртасидаги фарқ солиққа тортиладиган дивиденд суммаси ҳисобланади.

Мазкур тартиб дивиденд суммаларининг такоран солиққа тортилмаслиги ҳамда корхоналарнинг айланма маблағларини қисқаришини олдини олиш мақсадида қабул қилинмоқда.

6. Тўлов манбаида ушлаб қолинадиган фоиз кўринишидаги даромадлар бўйича фойда солиги ставкаси сақлаб қолинмоқда. Тўлов манбаида фақат бюджет ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва норезидентларнинг фоиз даромадларидан солик ундирилиши белгиланмоқда.

Бошқа ташкилотларнинг фоиз даромадлари уларнинг жами даромади таркибида солиққа тортиш тартиби жорий қилинмоқда.

7. Умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган якка тартибдаги тадбиркорлар учун фойда солигини ҳисоблашда солик солиш базасини аниқлашнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилмоқда.

Тартибга асосан, умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган якка тартибдаги тадбиркорлар учун фойда солиги бўйича солик солиш базаси жами даромадининг (ялпи тушум) 25 фоизи миқдорида белгиланмоқда. Яъни, умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган якка тартибдаги тадбиркорлар 2020 йил 1 январдан бошлаб ҳисбот давридаги жами даромади (ялпи тушуми)нинг 25 фоизи суммасидан 15 фоизли ставкада фойда солиги тўлайдилар.

8. Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 159-моддасига асосан солик солинадиган фойдани ишлаб чиқаришни модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, янги технологик жиҳоз харид қилишга, ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтиришга, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишга, шунингдек ушбу мақсадлар учун олинган кредитларни узишга, лизинг обьекти қийматининг ўрнини қоплашга йўналтириладиган маблағлар суммасига, тегишли солик даврида ҳисобланган амортизацияни чегириб ташлаган ҳолда, бироқ солик солинадиган фойданинг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда камайтириш тарзидаги солик имтиёзи бекор қилинмоқда.

Шу билан бирга, ушбу имтиёзнинг ўрнига технологик асбоб-ускуна, бино-иншоотлар сотиб олинганда фойда солигини ҳисоблашда бир марталик амортизацион чегирмаларни амалга ошириш тартиби киритилмоқда.

### **Таклиф ва мулоҳазалар:**

Алоҳида тоифадаги солик тўловчилар учун белгиланган юқори ставкалар уларни солик солинадиган фойдасини камайтириб кўрсатишга ундашини инобатга олган ҳолда, келгусида мазкур солик тури бўйича **солик**

**ставкаларини бир хил белгилаш масаласи кўриб чиқилиши тавсия этилади.**

### **Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги**

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги Солик кодексининг VI бўлими билан тартибга солинган.

1. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг ягона ставкаси 12 фоиз, шундан 0,1 фоизини шахсий жамғарib бориладиган пенсия ҳисобварақларига йўналтириш тартиби сақлаб қолинмоқда.

2. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахсларга (якка тартибдаги тадбиркорлик, оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчилик) қатъий белгиланган миқдорни сақлаган ҳолда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги тўлаш тартиби жорий этилмоқда.

Шу билан бирга, мазкур тоифадаги шахслар учун даромад солигини ҳақиқатда олинган даромадларидан келиб чиқиб йиллик солик декларацияси асосида тўлаш тартибини танлаш ҳуқуқи берилмоқда.

Киритилаётган тартиб солик солишнинг адолатлилик тамойилини таъминлашга ва яширин фаолиятни легаллаштиришга қаратилган.

3. Концерт-томуша фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар учун бир вақтнинг ўзида ушбу фаолият билан шуғулланиш учун ҳуқуқлар бўйича давлат божлари миқдорини камайтирган ҳолда солик тўлашдан озод этиш бўйича имтиёзлар бекор қилинмоқда.

4. Дивидендлар ва фоизлар кўринишидаги даромадлар бўйича тўлов манбаида ушлаб қолинадиган солик ставкаси 5 фоиз миқдорида сақлаб қолинмоқда.

5. Ўзбекистон Республикаси норезидентлари – жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солик ставкалари Солик кодексининг 182-моддасида белгиланган миқдорларда сақлаб қолинмоқда.

6. Янги таҳрирдаги Солик кодекси лойиҳасида ёлланган ходимни расмийлаштирмаслик ва унга тўланашётган иш ҳақи миқдори солик ҳисботларида акс эттирганлик учун иш берувчига жарима санкциялари кўллаш белгиланган.

### **Таклиф ва мулоҳазалар:**

Якка тартибдаги тадбиркорларга даромад солигини ҳақиқатда олинган даромадларидан келиб чиқиб йиллик солик декларацияси асосида тўлаш тартибини танлаш ҳуқукининг берилиши **солик солинадиган базани камайишига олиб келиши хавфи мавжуд**.

Айрим ишчилар мавсумий ёки қисқа муддатга ёлланишини инобатта олган ҳолда, ушбу тоифадаги **ишчиларга ишлаш учун бюджеттега белгиланган тўлов асосида бир марталик рухсатнома бериш** тизимини жорий қилиш масаласини кўриб чиқиши тавсия этилади.

Уй хўжаликларида норасмий секторда якка тартибда хизмат кўрсатаётган жисмоний шахсларга (репетитор, дурадгор, косиб, энага ва бошқалар) тўланган даромадларни ишчини иш (хизмат)га ёллаганлигини тасдиқловчи шартномани тақдим этиш шарти билан **жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи базасидан чегириш ҳуқуқини берилиши мақсаддага мувофиқ**.

### **Кўшилган қиймат солиғи**

Кўшилган қиймат солиғи Солик кодексининг VII бўлими билан тартибга солинган.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5837-сонли Фармони билан 2019 йил 1 октябрдан бошлаб қўшилган қиймат солиғининг ставкаси 20 фоиздан 15 фоизгача пасайтирилди.

Бюджетни баланслашганлигини сақлаш ва қўшилган қиймат солиғи занжирини узлуксизлигини таъминлаш мақсадида қўшилган қиймат солиғи бўйича 15 фоиз ва “0” фоизли ставкалар сақлаб қолинмоқда ҳамда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартиби бекор қилинмоқда.

Шу билан бирга, сотиб олинган асосий воситалар ва кўчмас мулкнинг қўшилган қиймат солиғини бўлиб-бўлиб ҳисобга олиб бориш тартиби ўrniga бир мартада олиб бориш ҳуқуқи берилмоқда.

Бундай усул халқаро тажрибада кенг қўлланилаётган бўлиб, корхонанинг айланма маблағлари банд бўлмаслигини ва асосий воситаларни янгилашга рағбатлантиришни таъминлайди.

Молия вазирлигининг дастлабки ҳисоб-китобларига кўра, ставканинг пасайтирилиши ҳисобига келгуси йилда бюджеттега 10,4 трлн.сўм тушум йўқотилади.

Ушбу йўқотишнинг бир қисмини солик тўловчилар сонини ошиши, имтиёзларнинг бекор қилиниши ва солик маъмурчилиги сифатини ошириш ҳисобига қоплаш кўзда тутилмоқда.

2. Барча солик тўловчиларга ҳисобга олиб бориладиган қўшилган қиймат солиғи суммасининг ҳисобланган солик суммасидан ортган қисмини (манфий ҚҚС) батафсил камерал текширувдан сўнг қайтариб олиш ҳуқуқи берилмоқда.

Шунингдек, йирик солиқ түловчилар ва экспорт қилувчилар учун қайтариб беришнинг соддалаштирилган тартибини жорий қилиш назарда тутилмоқда.

Халқаро амалиётда ҚҚСни қайтариб беришнинг соддалаштирилган тартиби кенг қўлланилганлиги боис, ушбу тартибининг жорий қилиниши ҚҚС тушумининг тўлиқлигига ижобий таъсир қиласди.

3. Давлат мулкини ижарага беришда қўшилган қиймат солиғи ҳисоблаш тартиби киритилмоқда. Бунда, ҚҚСни тўлаш мажбурияти Давлат мулкини ижарага бериш марказларига юклатилмоқда.

Мазкур тартиб мулкларни ижарага бериш бозорида ҚҚС узлуксизлигини таъминлаш ва teng шароитларни яратишга қаратилган.

4. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартибини такомиллаштириш мақсадида, норезидентлар томонидан кўрсатилаётган электрон хизматлар учун солиқ тўлаш тартибини жорий қилиш (“Google Tax” кабиларга) назарда тутилмоқда.

Шу боис, ушбу хизматлар бўйича солиқ солиш оборотларини аниқлаш механизmlарини Солиқ кодексида ёритиш тавсия этилади.

### **Таклиф ва муроҳазалар:**

Амалдаги солиқ қонунчилигига батафсил камерал текширув тушунчаси мавжуд эмаслиги сабабли, Солиқ кодексига батафсил **камерал текширувдан ўтказиш тушунчасини** ва уни амалга ошириш механизmlарини **киритиш лозим** бўлади.

Сотиб олинган асосий воситалар ва кўчмас мулкнинг қўшилган қиймат солиғини бир мартада олиб бориш ҳуқуқи берилиши муносабати билан, капитал қўйилмаларга фаол инвестиция киритаётган солиқ тўловчиларда йирик миқдорларда манфий ҚҚС ҳосил бўлиши кутилмоқда.

Солиқ органлари томонидан солиқ тўловчилардан батафсил камерал текшируви доирасида талаб қилинадиган ҳужжатларни тартибга солиш мақсадида, **солиқ, статистика ва молиявий ҳисоботларни унификация қилиш** ҳамда такомиллаштириш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш тавсия этилади.

Солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилиши лозим бўлган ҳисоботларда солиқ солишга тааллуқли бўлган барча кўрсаткичларнинг қамраб олиниши, биринчи навбатда **фаолиятнинг шаффоғлигига, коррупцияни олдини олишга, солиқ назоратининг сифат даражаси ошишига** ва бизнес жараёнларга асоссиз аралашувнинг олдини олишга олиб келади.

Норезидентлар томонидан кўрсатилаётган электрон хизматлар учун **солиқ солиш оборотларини аниқлаш механизмларини Солиқ кодексида ёритиш тавсия этилади.**

### Акциз солиги

Акциз солиғи Солиқ кодексининг VIII-бўлими билан тартибга солинган.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5837-сонли Фармони билан 2019 йил 1 октябрдан бошлаб акциз солиғи тўланадиган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товар (хизмат) ларга акциз солиғи ставкалари ўзгарди.

### **Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган (кўрсатиладиган), акциз тўланадиган товарларга (хизматларга) акциз солиғи ставкалари**

№	Товарлар (хизматлар)нинг номи	2019 йил 1 октябргача амал қилган ставкалар	2019 йил 1 октябрдан амал қилаётган ставкалар	Фарки, %
1	Озиқ-овқат хомашёсидан ректификацияланган этил спирти, ректификацияланган ва эфироальдегидли фракциядан техник этил спирти ва этил спиртининг бошлангич фракцияси (1 дал учун сўмда)	9 800	10 800	+ 10
2	Вино (1 дал тайёр маҳсулот учун сўмда):			
	табиий равишда ачитилган табиий винолар (этил спирти қўшилмаган ҳолда)	7 700	7 700	0
	бошқа винолар	13 200	14 500	+ 10
3	Конъяк (1 дал тайёр маҳсулот учун сўмда)	92 500	102 000*	+ 10
4	Ароқ ва бошқа алкоголли маҳсулотлар (1 дал тайёр маҳсулот учун сўмда)	84 500	98 000**	+ 16
5	Пиво (1 дал тайёр маҳсулот учун сўмда)	9 200	10 600	+ 15
6	Фильтрли, фильтрсиз сигареталар, папирослар (1000 дона учун сўмда)	117 900+ 4 фоиз	141 500+ 9 фоиз	+ 20, + 225
7	Заргарлик буюмлари (фоизда)	25	25	0
8	Мобиль алоқа хизматлари (фоизда)	15	20	+ 33
9	Кумушдан ишланган ошхона анжомлари (фоизда)	11	11	0
10	Нефть маҳсулотлари (1 тонна учун сўмда):			
	Аи-80 бензини	321 430	200 000	- 38
	Аи-91, Аи-92, Аи-93	353 430	250 000	- 29
	Аи-95 бензини	408 890		- 39
	дизель ёқилғиси	273 400	200 000	- 27
	ЭКО дизель ёқилғиси	284 250	180 000	- 37
	Авиакеросин	50 580	180 000	+ 355
	дизель ёки карбюратор (инжектор)ли двигателлар учун мотор мойи	207 000	250 000	+ 21
11	Табиий газ, шу жумладан, экспорт (фоизда)	15	20	+ 33

№	Товарлар (хизматлар)нинг номи	2019 йил 1 октябргача амал қилган ставкалар	2019 йил 1 октябрдан амал қилаётган ставкалар	Фарки, %
12	Ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан сотиладиган суюлтирилган газ («Ўзтрансгаз» АК минтақалараро унитар корхоналари орқали ахолига сотиладиган ҳажмлар бундан мустасно), шу жумладан, экспорт (фоизда)	26	30	+ 15
13	Полиэтилен гранулалар (фоизда)	25	30	+ 20
14	Якуний истеъмолчига реализация қилинадиган:			
	бензин (литр/тонна учун сўмда)	285/378 480	285/378 480	0
	дизель ёқилғиси (литр/тонна учун сўмда)	285/346 275	285/346 275	0
	суюлтирилган газ (литр/тонна учун сўмда)	285/540 645	285/540 645	0
	сиқилган газ (1 куб метр учун)	360	435	+ 21

\* Спиртнинг ҳажмий улуши 40 фоиздан кўп бўлган конъякка акциз солиги ставкаси 1 дал тайёр маҳсулот учун 152 400 сўм миқдорида белгиланади.

\*\* Спиртнинг ҳажмий улуши 40 фоиздан кўп бўлган ароқ ва бошқа алкоголли маҳсулотларга акциз солиги ставкаси 1 дал тайёр маҳсулот учун 148 000 сўм миқдорида белгиланади.

\*\*\* Акциз солигининг қатъий белгиланган ставкаси натура ифодасидаги акциз тўланадиган товарлар ҳажмига нисбатан қўлланилади, акциз солигининг адвалор ставкаси ишлаб чиқарувчининг акциз солиги ва қўшилган қиймат солиги қўшилмаган ҳолда реализация қилинган товарлар қийматига нисбатан қўлланилади.

2. Мутлақ суммаларда белгиланган акциз солифи ставкалари икки босқичда оширилиши таклиф этилмоқда:

Биринчи босқичда, 2020 йил 1 апрелдан алкоголли маҳсулотга (далга) ўртacha 8 фоизга:

- этил спирти – 11 700 сўм (8 фоиз);
- табиий вино – 8 300 сўм (7,8 фоиз);
- бошқа винолар – 15 700 сўм (8,3 фоиз);
- конъяк – 109 100 сўм (7 фоиз);
- ароқ ва бошқа алкоголли маҳсулотлар – 107 800 сўм (10 фоиз);
- пиво - 11 700 сўм (10,3 фоиз).

Сигареталарга (1000 дона учун) 8 фоизга:

- 152 800 + 9 фоиз адвалор ставка.

Якуний истеъмолчига автомобилга ёқилғи қуиши шохобчалари орқали реализация қилинадиган:

- бензин ва дизель ёқилғиси учун 350 сўм/литр (23 фоиз);
- суюлтирилган газ учун 350 сўм/литр (23 фоиз);
- сиқилган газ учун 500 сўм/куб.метр (15 фоиз).

Иккинчи босқичда, 2020 йил 1 октябрдан алкоголли маҳсулотга (далга) ўртacha 7 фоизга:

- этил спирти – 12 500 сўм (6,8 фоиз);

- бошқа винолар – 16 800 сўм (7 фоиз);
- коньяк – 116 400 сўм (6,7 фоиз);
- ароқ ва бошқа алкоголли маҳсулотлар – 116 400 сўм (8 фоиз).

Сигареталарга (1000 дона учун) 7 фоизга:

- 163 500 + 9 фоиз адвалор ставка.

Ставкаларнинг босқичма-босқич оширилиши нархларнинг кескин кўтарилиб кетишини олдини олишга қаратилгандир.

Табиий вино ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш мақсадида ҳамда пивонинг мавсумийлигидан келиб чиқиб солиқ ставкалари бир маротаба оширилиши режалаштирилган.

3. Нефть маҳсулотлари учун 2019 йил 1 октябрдан қучга кирган (ўртача 30 фоизга камайтирилган) акциз солиғи ставкалари сақлаб қолиниб, нефть маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг рентабеллигини барқарор ушлаб туришга эришиш назарда тутилмоқда.

### **Таклиф ва мулоҳазалар:**

Сигареталар реализациясидан адвалор ставка бўйича акциз солиғи базасини тўлиқ қамраб олиш мақсадида, келгусида **сигарета қутисида унинг баҳоси кўрсатилиши мажбурийлигини белгилаш ва онлайн касса тизими билан боғлашни жорий этиш.**

Нефть маҳсулотлари бўйича ставканинг камайтирилиши рентабелликни барқарорлаштиришга таъсири камлиги сабабли, нефть маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ишлаб чиқариш корхоналарининг тўлиқ қувват билан ишлаш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ бўлади.

Акциз солиғи солинадиган товарларнинг халқаро тажрибаси ҳамда Ўзбекистон шароитида бугунги кунда акциз солиғи солинадиган товарларга тааллуқли бўлган товарлар ишлаб чиқарилаётганлигидан келиб чиқиб, **қўйидаги товарларга акциз солиғини жорий этиш:**

- а) олтиндан ишланган ошхона анжомлари;
- б) Аи-95, Аи-98 ва Аи-100 маркали бензинларга алоҳида;
- в) ўчоқ ёқилғиси;
- г) гидравлика ва трансмиссион мойлар.

Бундан ташқари, келгусида **полипропилен гранулалар, умумий ҳажмида этил спиртининг улуши 9 фоиз ва ундан юқори бўлган суюқликлар** (эритма, эмульсия, суспензия ва шу каби суюқликлар)га ҳам **акциз солиғи ставкаси белгилаш** тавсия этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2706-сон қарорига мувофиқ “Шўртан газ-кимё комплексининг метан тозалаш базасида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш» инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Қарорга биноан лойиҳа 2020 йилнинг 2-чорагидан ишга тушиши белгиланган бўлиб, унинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати қуидаги режалаштирилган:

- а) керосин – 311 минг тонна;
- б) дизель ёқилғиси – 743,5 минг тонна;
- в) нафта – 431,1 минг тонна;
- г) суюлтирилган газ – 20,9 минг тонна.

Қонун лойиҳасида 2020 йилда ишлаб чиқарилиши режалаштирилган **“нафта” маҳсулотига акциз солиғи ставкаси белгиланмаган.**

Қатор хорижий давлатларда, жумладан Россия Федерацияси, Украина ва Озарбайжон Республикасида “нафта”га акциз солиғи ставкаси белгиланган.

Юқорида қайд этилган лойиҳа 2020 йилда ишга туширилиши ва маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши кутилаётганлигидан келиб чиқиб, **“нафта” маҳсулоти учун акциз солиғи ставкасини белгилаш** мақсадга мувофиқ бўлади.

### **Ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар**

Ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва маҳсус тўловлар Солиқ кодексининг IX бўлими 43-боби билан тартибга солинган.

1. Қуидаги қазилма бойликларга ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари белгиланмоқда:

- нефтли сланецга 4 фоиз;
- ренийга 10 фоиз;
- қимматбаҳо тош хомашёсига 24 фоиз;
- титан магнетит рудаларига 4 фоиз;
- марганец рудаларига 4 фоиз;
- йодга 4,8 фоиз;
- агро рудали хомашёга 3,5 фоиз;
- серпантинитга 5 фоиз;
- чинни хомашёсига 5 фоиз.

Ушбу қазилма бойликларнинг Ўзбекистонда қазиб олиш саноат усулида йўлга қўйилиши муносабати билан солиқ ставкаларини ўрнатиш орқали, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича тушумларни тўлиқлиги таъминланади.

2. Темир учун солиқ ставкаси 4 фоиздан 5 фоизга оширилмоқда.

3. Айрим қазилма бойликлар учун мутлақ миқдорларда ўрнатилган солиқ ставкалари 15 фоизга индексация қилинмоқда.

№	Қазилма бойлик номи	2019 йилдаги ставкалар	2020 йилдаги ставкалар	Фарқи
1	Тош (ош) тузи	3,5%, бироқ тоннасига 5000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда	3,5%, бироқ тоннасига 5750 сўмдан кам бўлмаган миқдорда	+ 750
2	Оҳактошлар, доломитлар ва курилиш қумлари	5%, бироқ тоннасига 5000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда	5%, бироқ тоннасига 5750 сўмдан кам бўлмаган миқдорда	+ 750
3	Цемент ишлаб чиқариш учун оҳактош	45000 сўм/тонна	51750 сўм/тонна	+ 6750
4	Мармар ушоги	5%, бироқ тоннасига 10000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда	5%, бироқ тоннасига 11500 сўмдан кам бўлмаган миқдорда	+ 1500
5	Фишт-черепица хомашёси, гипс, ангидрит, қумтошлар, молоз тошлар, шағал тошлар	5%, бироқ тоннасига 4000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда	5%, бироқ тоннасига 4600 сўмдан кам бўлмаган миқдорда	+ 600

Цемент ишлаб чиқаришда муқобил (кўмир) ёқилғидан фойдаланадиган корхоналар оҳактош бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун соликни 1 тоннаси учун белгиланган минимал миқдорни икки баробарга камайтирилган ҳолда тўлаш белгиланмоқда.

4. Қуйидаги қазилма бойликларни қазиб олганлик учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ белгиланган ставкаларда, бироқ мутлақ миқдорда белгиланган ставкаларда тўлаш тартиби жорий этилмоқда:

- табиий безактошдан блокларга 5 фоиз, бироқ тоннасига 10 000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда;
- қум-шағал аралашмасига 5 фоиз, бироқ тоннасига 5 000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда;
- чиганоқ-оҳактошга 5 фоиз, бироқ тоннасига 5 000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда;
- қумтошларга 5 фоиз, бироқ тоннасига 4 000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда.

Ушбу қазилма бойликлар бўйича солик солинадиган база ўртacha тортилган сотиш баҳоси бўлиб, аксарият ҳолларда ошкор этилмайди. Шу сабабли, мутлақ миқдорларда белгиланган ставкаларда ҳисоблаб чиқарилган суммадан кам бўлмаган соликни тўлаш тартиби киритилмоқда.

5. Ишлаб чиқариш таннархидан келиб чиқиб ер қаъридан фойдаланганлик учун соликни ҳисоблашда аниқланган солик солиш базаси 20 фоизга оширилиши тартиби жорий қилинмоқда.

Бунда, кавлаб олинган фойдали қазилманинг бир қисми реализация қилиниб, қолган қисми қайта ишланган ёки ишлаб чиқариш ва хўжалик мақсадларига сарфланган бўлса, солик солиш базаси кавлаб олинган қазилманинг барча ҳажмига ўртacha тортилган сотиш нархидан келиб чиқиб аниқланиши белгиланмоқда.

### **Таклиф ва мулоҳазалар:**

Жойларда қўшимча даромад захираларини аниқлаш ва сафарбар этиш бўйича ўтказилаётган **назорат тадбирларида** солик ставкасини қазиб олинаётган айrim қазилма бойликларнинг оғирлигига (тонна) нисбатан белгиланиши ҳакиқатда тўланиши лозим бўлган **солик суммасини аниқлашда муаммоларни келтириб чиқармоқда**.

Масалан, қазиб олинган фойдали қазилманинг миқдори Геология ва минерал ресурслар қўмитасига тақдим этиладиган ҳисботларда ҳажмда (куб.метр) кўрсатилади, маркшнейдерлар томонидан ҳам қазиб олинган бойликлар миқдори ҳажмда (куб.метр) ҳисоблаб берилади, бироқ қазилмаларнинг зичлиги бир-биридан фарқ қилганлиги боис, ҳажмни (куб.метр) оғирликка (тонна) ўтказиша солик тўловчи ва солик органлари ўртасида англашилмовчилик юзага келмоқда, **солик ҳисботлари нотўғри тўлдирилмоқда**.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун соликни ҳисоблашни соддалаштириш, шаффофликни ва тушумнинг тўлиқлигини таъминлаш мақсадида, **солик ставкаларини ҳажмга нисбатан белгилаш** масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

### **Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик**

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик Солик кодексининг X бўлими билан тартибга солинган.

1. Сув ресурсларини тежаш ва ундан самарали фойдаланиш мақсадида, 2020 йил 1 январдан бошлаб сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик ставкалари 15 фоизга индексация қилинмоқда.

2. Айрим корхоналарга сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини кўллаш тартиби ўзгартирилмоқда:

- алкогиз ичимликлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бошка мақсадлар учун ишлатилган сув ҳажмига саноат корхоналари учун белгиланган ставкалар;

- алкоголь маҳсулотлари ва пиво ишлаб чиқариш учун сарфланган сув ҳажмига алкогиз ичимликлар ишлаб чиқариш учун сарфланган сув ҳажми учун белгиланган ставкаларни қўлланиши киритилмоқда.

Ушбу тадбирлар ҳисобига маҳаллий бюджетларга 9 млрд.сўм даромадлар жалб этилиши кутилмоқда.

3. Қуидаги ҳолатларга сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича белгиланган базавий ставканинг 5 баробари миқдорида оширилган ставкалар қўлланилмоқда:

- ваколатли орган томонидан тасдиқланган сувдан фойдаланиш ва истеъмол қилиш лимит (меъёр)ларидан ортиқча олинган сув ҳажми;

- сув ресурсларидан рухсат этувчи хужжатларсиз фойдаланилганда;

- автотранспорт воситаларини ювиш фаолиятини амалга оширувчи корхоналар томонидан ер усти сув манбаларидан фойдаланилганда.

Мазкур тартиб сувдан фойдаланувчиларнинг масъулиятини ошириб, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга унрайди.

### **Таклиф ва мулоҳазалар:**

Алкогиз ичимликлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бошка мақсадлар учун ишлатилган сув ҳажмига саноат корхоналари учун белгиланган ставкаларда ва алкоголь маҳсулотлари ва пиво ишлаб чиқариш учун сарфланган сув ҳажмига алкогиз ичимликлар ишлаб чиқариш учун сарфланган сув ҳажми учун белгиланган ставкаларда тўланиши Қонун лойиҳасининг **11-иловаси “Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари”да ўз аксини топмаган.**

Киритилаётган Қонун лойиҳасида юқоридаги камчиликни бартараф этиш лозим.

### **Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ**

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ Солиқ кодексининг XI бўлими 47-боби билан тартибга солинган.

1. Юридик шахслар учун мол-мулк солигининг ставкаси 2 фоиз миқдорида сақлаб қолинмоқда;

2. Тўлиқ амортизация қилинган кўчмас мулк бўйича солиқ унинг қайта баҳоланган (бозор) қийматидан ҳисоблаш тартиби киритилмоқда. Бунда, кўчмас мулкнинг қайта баҳоланган қиймати фойда солигини ҳисоблашда жами даромад таркибига киритилмаслиги назарда тутилмоқда.

Киритилаётган ўзгариш мулк солиғи бўйича солиқ солинадиган базани ошишига ва тушумлар тўлиқлигига ижобий таъсир қиласи.

3. Муддатида ўрнатилмаган асбоб-ускуналар солиқ солиш объектидан чиқарилмоқда.

Амалдаги солиқ қонунчилигига муддатида ўрнатилмаган асбоб-ускуналар учун солиқ белгиланган ставканинг икки баробари микдорида ундирилишидан келиб чиқиб, киритилаётган ўзгартириш тадбиркорлик субъектларининг солиқ юкини камайишига олиб келади ва солиқ тўловчилар ихтиёрида 17,6 млрд.сўм маблағ қолиши кутилмоқда.

4. Айрим тоифадаги кўчмас мулкларга 0,2 фоиз микдорида пасайтирилган ставкалар киритилмоқда.

Амалдаги солиқ қонунчилигига мазкур тоифадаги кўчмас мулкларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати солиқ солиш базасидан чегириб ташланади. Ушбу тоифадаги кўчмас мулкларга темир йўллар, магистрал қувурлар, алоқа линиялари, электр ўтказгичлар ва ҳоказолар киради.

Мазкур тадбир ҳисобига маҳаллий бюджетларга ўрта ҳисобда 20 млрд.сўм солиқлар жалб этилиши кутилмоқда.

### **Таклиф ва мулоҳазалар:**

Тўлиқ амортизация қилинган кўчмас мулкни ёки бугунги кундаги қолдиқ қиймати унинг реал баҳосини акс эттирмаётган **кўчмас мулкларни бозор қийматидан келиб чиқиб қайта баҳолаш тизимини яратиш зарур.**

Ушбу масала бўйича Ҳисоб палатаси томонидан Юнусобод туманида эксперимент тариқасида юридик шахсларнинг кўчмас мулк объектларини бозор баҳосидан келиб чиқиб қайта баҳолашдан ўтказиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарорини кабул қилиш таклифи берилган эди.

Юридик шахсларнинг кўчмас мулкларига солиқ солишнинг адолатлилиги принципини ҳамда бюджетга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш мақсадида, Тошкент шаҳрида эксперимент тариқасида юридик шахсларнинг кўчмас мулк объектларини бозор баҳосидан келиб чиқиб қайта баҳолашдан ўтказиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарорини қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

## Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ Солиқ кодексининг XI бўлими 48-боби билан тартибга солинган.

2020 йил 1 январдан бошлаб:

1. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг базавий ставкаси кадастр қийматига нисбатан амалдаги 0,2 фоизда сақланиб қолмоқда.

Бунда, 2020 йил учун ҳисобланган солиқ суммаси 2019 йилга нисбатан 30 фоиздан ошиб кетмаслиги белгилаб қўйилмоқда.

2. Янги қурилган жойлар, бинолар ва иншоотлар бўйича мулк солиғи мулкга эгалик ҳуқуқи пайдо бўлган ойнинг кейинги оидан тўлаш тартиби белгиланмоқда.

Амалдаги солиқ қонунчилигига янги қурилган жойлар, бинолар ва иншоотлар бўйича мулк солиғи улар қурилган йилдан кейинги йилнинг бошидан тўланади.

### Таклиф ва мулоҳазалар:

Жисмоний шахсларга тегишли кўчмас мулк обьектларини кадастр қийматини ҳисоблаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 декабрдаги 1043-сон қарори билан “Солиқ солиш мақсадида жисмоний шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк обьектларининг, туар жой фондининг кадастр қийматини ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низом” ва 2018 йил 20 июлдаги 561-сон қарори билан “Солиқ солиш мақсадида жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқида тегишли бўлган нотурар кўчмас мулк обьектларининг кадастр қийматини ҳисоблаш тартиби тўғрисида низом” қабул қилинган.

Ушбу низомларга мувофиқ, кадастр идоралари томонидан жисмоний шахсларга тегишли кўчмас мулк обьектларининг кадастр қийматлари белгиланиб келинмоқда ва солиқ органлари томонидан ушбу қийматлар асосида солиқлар ундирилмоқда.

Бироқ, **Хисоб палатаси томонидан ҳудудларда олиб бораётган назорат тадбирларида** жисмоний шахсларга тегишли кўчмас мулкларнинг кадастр қийматини белгилаш тизими мулкни баҳосига таъсир қилувчи қатор мезонлар (жойлашган жойи, бино ва фундаментининг баландлиги, ер тўласи мавжудлиги, деворларининг қалинлиги, уйнинг шифти ва полининг материали таркиби, эшик ва ромларининг материали таркиби, иситиш ва совутиш тизимининг ҳолати, асосий ва қўшимча биноларнинг қурилган йили,

таъмирланган йили) инобатга олинмаганлиги ҳисобига **кадастр қиймати унинг бозор қийматидан кескин фарқ қилаётганлиги** маълум бўлди.

**Шу боис, жисмоний шахсларнинг турар жой фонди ва нотурар объектларини кадастр қийматини белгилаш тизимини такомиллаштириш** мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли қарорининг 15-иловаси ҳамда 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сонли қарорининг 18-иловасида жисмоний шахслар мол-мулкининг баҳолаш органлари томонидан белгиланган кадастр қиймати мавжуд бўлмаган ҳолатларда Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида мулкнинг шартли қиймати 210 млн.сўм, бошқа аҳоли пунктларида 90 млн.сўм миқдорида белгиланиши кўзда тутилган.

Шунингдек, юқорида кўрсатиб ўтилган қарорларга мувофиқ кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказувчи органларда рўйхатдан ўтказилмаган янги қурилган уй-жойларга мол-мулк солиғи шартли қийматининг 2 баравар миқдоридан ҳисобланиши кўзда тутилган.

**Бироқ, норматив-ҳуқуқий хужжатларда давлат рўйхатидан ўтказувчи органларда рўйхатдан ўтказилмаган янги қурилган уй-жойлар таснифи аниқ келтирилмаганлиги** боис, солиқ органлари томонидан шартли қийматнинг 2 баравар миқдорида солиқ ҳисоблашда муаммолар юзага келмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 160-моддасига мувофиқ, фуқароларнинг уй-жойга доир мулк ҳуқуқини кўчмас мулкка бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органларда ўз вақтида расмийлаштирмаганлиги учун энг кам иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солиш белгиланган.

Шунинг учун, кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказувчи органларда **рўйхатдан ўтказилмаган янги қурилган уй-жойларга мол-мулк солиғи шартли қийматининг 2 баравар миқдоридан ҳисоблаш** тартибини қўллаш масаласини кўриб чиқиш лозим.

### **Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиги**

Ер солиғи Солиқ кодексининг XII бўлими билан тартибга солинган.

1. Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш ва маҳаллий бюджетлар даромадлар базасини ошириш мақсадида юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи ставкалари 15 фоизга индексация қилинмоқда;

2. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига эга бўлган юридик шахсларга (ягона ер солиги тўловчиси бўлмаган) ер солигини ернинг норматив қийматидан келиб чиқиб ҳисоблаш тартиби киритилмоқда.

Бунда, солик ставкаси амалда бўлган 0,95 фоиз миқдорида сақлаб қолинмоқда.

Амалдаги тартиб бўйича юридик шахслар ер солигини қишлоқ хўжалиги ерларининг тоифалари ва балл-бонитетидан келиб чиқиб ҳисоблайдилар.

3. Айрим тоифадаги объектлар эгаллаган ер участкалари солик ставкаларига 0,1 фоиз миқдорида пасайтирувчи коэффициент қўллаш киритилмоқда.

Амалдаги солик қонунчилигига мазкур тоифадаги ер участкаларига солик солинмайди. Ушбу тоифадаги кўчмас мулкларга темир йўллар, магистрал қувурлар, алоқа линиялари ва электр ўтказгичлар ва ҳоказолар киради.

Мазкур тадбир ҳисобига маҳаллий бюджетларга ўрта ҳисобда 95 млрд.сўм солиқлар жалб этилиши кутилмоқда.

Ногиронлар бирлашмаси, ходимлар сонининг ёки меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 50 фоизини ногиронлар ташкил қилган юридик шахсларга тегишли ер участкалари учун ер солиги ставкаларига 0,1 миқдорида камайтириш коэффициенти қўллаш таклиф этилмоқда.

### **Таклиф ва мулоҳазалар:**

Ногиронлар бирлашмаси, ходимлар сонининг ёки меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 50 фоизини ногиронлар ташкил қилган юридик шахсларга тегишли ер участкалари учун ер солиги ставкаларига 0,1 миқдорида камайтириш коэффициенти қўллаш таклиф этилмоқда.

Мазкур юридик шахслар томонидан бино-иншоотларини ижарага бериши имконияти мавжудлигидан келиб чиқиб, **ижарага берилган бино-иншоотлар эгаллаган ер майдонларига нисбатан пасайтирилган ставкаларни татбиқ этилмаслигини белгилаш** таклиф этилади.

Бошқа солик турларидан фарқли ўлароқ, узок муддатдан буён ер участкаларига солик солиш тизимини халқаро тажрибалардан келиб чиқиб таомиллаштириш ишлари амалга оширилгани йўқ. Амалдаги тизим ва ўрнатилган ставкалар солик солишнинг **адолатлилик тамойили талабларига жавоб бермайди**.

Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва унга хусусий мулкчилик муносабатларини киритиш мақсадида ер участкалари аукционда

сотилиши йўлга қўйилди, ер участкаларини хусусийлаштириш тартиби жорий этилмоқда.

**Шу каби, келгуси йилда ер участкаларидан солик ундириш тартиби ва тизимини қайта кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ бўлади.**

### **Ягона ижтимоий тўлов**

Ягона ижтимоий тўлов Солик кодексининг XV бўлими 51-боби билан тартибга солинган.

1. Бюджет ташкилотларига ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоиз миқдорида сақлаб қолинмоқда.

2. Давлат корхоналари, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ миқдорда бўлган юридик шахслар, устав жамғармаси (капитали)нинг 50 фоизи ва ундан кўпроқ миқдори давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган юридик шахсга тегишли юридик шахслар ҳамда уларнинг таркибий тузилмалари учун **ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоиздан 12 фоизгача пасайтирилмоқда**.

Мазкур тоифадаги корхоналарнинг ставкаси пасайтирилиши ҳисобига улар **ихтиёрида 2 864 млрд.сўм маблағлар қолдирилмоқда**.

Бу эса, бўшатилган маблағлар ҳисобидан ишчиларга иш ҳақини оширишга имконият яратилиб, ўз навбатида аҳолининг реал даромадлари ўсишига ижобий таъсир кўрсатади.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг ижтимоий заиф қатлами бандлигини таъминлашни рағбатлантиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 11 июнданги ПҚ-3782-сонли қарорига асосан, жами штат сонига нисбатан ногиронлиги мавжуд ходимлар сони 50 фоиздан юқори корхоналар учун ягона ижтимоий тўловнинг имтиёзли 4,7 фоизли ставкаси сақлаб қолинмоқда.

4. Бошқа тоифадаги юридик шахслар учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси 12 фоиз миқдорида сақлаб қолинмоқда.

### **Ягона солик тўлови**

Ягона солик тўлови Солик кодексининг XX бўлими 56-боби билан тартибга солинади.

1. Ягона солик тўлови бўйича амалдаги ставкалар сақлаб қолинмоқда, бундан мулкни ижарага бериш фаолияти мустасно.

2. Асосий фаолияти мулкларни ижарага бериш бўлган юридик шахслар учун ягона солик тўлови ставкаси 30 фоиздан 8 фоизга пасайтирилмоқда.

## Ягона ер солиги

Ягона ер солиғи Солиқ кодексининг XX бўлими 57-боби билан тартибга солинган.

1. Ягона ер солиғини бекор қилиш таклиф этилмоқда.

2. Қишлоқ хўжалиги корхоналари йиллик реализацияси суммаси ва эгаллаб турган ер участкасидан келиб чиқиб умумбелгиланган солиқлар ёки ягона солиқ тўловини тўлаш тартибига ўтказилмоқда.

Бунда, қишлоқ хўжалиги ерларига ернинг норматив қийматидан келиб чиқиб солиқ солиш тартиби сақлаб қолинмоқда.

### Таклиф ва мулоҳазалар:

Ягона ер солиғи бекор қилинаётган бўлсада, Қонун лойиҳасининг 10-иловаси билан “Мева ва сабзавот, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиширувчи корхоналар учун қишлоқ хўжалиги ерларидан олинадиган ягона ер солиғининг базавий ставкалари” белгиланмоқда.

Ягона ер солиғи бекор қилинаётганлиги муносабати билан тақдим этилаётган Қонун лойиҳасида мева ва сабзавот, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиширувчи корхоналар учун қишлоқ хўжалиги ерларидан олинадиган “**ягона ер солиғи**” ва ушбу ном билан белгиланаётган базавий ставкани қайта кўриб чиқиши лозим.

## Бозорлар даромадига солиқ солиши

Бозорлар учун алоҳида солиқ солиш режими бекор қилиниб, умумбелгиланган тартибда солиқ тўлаш режимига ўтказилмоқда ва фойда солиғини оширилган 20 фоизли ставкада тўлаши белгиланмоқда.

### Таклиф ва мулоҳазалар:

Хисоб палатаси томонидан ҳудудларда бюджетга қўшимча даромад захираларини аниқлаш ва сафарбар этиш борасида **ўтказилаётган ўрганишларда**, бозорлар ва савдо комплекслари томонидан **савдо ўринларини тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтмаган жисмоний шахсларга ижарага бериш ҳолатлари аниқланмоқда**.

Бозорлар ва савдо комплекслари мансабдор шахсларининг масъулиятини ошириш мақсадида, **савдо ўринларини давлат рўйхатидан тадбиркорлик субъекти сифатида ўтмаган жисмоний шахсларга берганлик учун жавобгарлик** чораларини киритиш масаласини қўриб чиқиши тавсия этилади.

### 3.2. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалар даромадларининг 2019 йилдаги кутилаётган ижроси ва 2020 йил учун прогнози

Бюджетнома лойиҳасига мувофиқ, **2019** йилда **Давлат бюджетининг умумий даромадлари 112,6 трлн.** сўмни, шу жумладан давлат солиқ идоралари бўйича 83,9 трлн.сўмни ва давлат божхона идоралари бўйича 16,8 трлн.сўмни ташкил қилиши кутилмоқда.

Даромад турлари бўйича тушумлар тасдиқланган параметрларга нисбатан қўйидаги миқдорларда бажарилишига эришилади.

млрд.сўм

Кўрсаткичлар	Тасдиқланган параметрлар		Кутилаётган ижро		Фарки
	миқдори	ЯИМга нисбатан, %	миқдори	ЯИМга нисбатан, %	
<b>Ялпи ички маҳсулот</b>	<b>522 459</b>		<b>524 230</b>		
<b>ЖАМЛАНГАН БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИ</b>	<b>128 188,2</b>	<b>24,5</b>	<b>146 688,3</b>	<b>28,0</b>	<b>18 500,2</b>
<b>I. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИ</b>	<b>102 627,6</b>	<b>19,6</b>	<b>112 642,9</b>	<b>21,5</b>	<b>10 015,4</b>
шу жумладан:					
<b>1. Бевосита соликлар</b>	<b>29 125,5</b>	<b>5,6</b>	<b>31 708,9</b>	<b>6,0</b>	<b>2 583,4</b>
1.1 Юридик шахслардан олинадиган фойда солиги	15 980,0	3,1	16 410,5	3,1	430,5
1.2 Ягона солиқ тўлови	1 192,1	0,2	1 922,6	0,4	730,5
1.3 Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги	11 367,4	2,2	12 690,4	2,4	1 323,0
1.4 Тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солик	586,0	0,1	685,4	0,1	99,4
<b>2. Билвосита соликлар</b>	<b>47 029,8</b>	<b>9,0</b>	<b>50 458,2</b>	<b>9,6</b>	<b>3 428,5</b>
2.1 Кўшилган киймат солиги	35 993,5	6,9	37 968,8	7,2	1 975,3
2.2 Акциз солиги	9 017,5	1,7	10 284,1	2,0	1 266,6
2.3 Божхона божлари	2 018,8	0,4	2 205,4	0,4	186,6
<b>3. Ресурс тўловлари ва мулк солиги</b>	<b>16 906,0</b>	<b>3,2</b>	<b>19 550,6</b>	<b>3,7</b>	<b>2 644,6</b>
3.1 Мулк солиги	1 851,0	0,4	2 339,1	0,4	488,1
3.2 Ер солиги	1 834,3	0,4	2 277,1	0,4	442,9
3.3 Ер қаъридан фойдаланганлик учун солик	12 952,1	2,5	14 613,6	2,8	1 661,4
3.4 Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик	268,5	0,1	320,8	0,1	52,3
<b>4. Қўшимча фойда солиги</b>	<b>130,0</b>	<b>0,0</b>	<b>101,3</b>	<b>0,0</b>	<b>-28,7</b>
<b>5. Бошқа даромадлар ва соликсиз тушумлар</b>	<b>9 436,3</b>	<b>1,8</b>	<b>10 823,9</b>	<b>2,1</b>	<b>1 387,6</b>
<b>II. ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАР ДАРОМАДЛАРИ</b>	<b>19 203,6</b>	<b>3,7</b>	<b>24 842,4</b>	<b>4,7</b>	<b>5 638,8</b>
<b>III. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЖАМҒАРМАСИ</b>	<b>6 357,0</b>	<b>1,2</b>	<b>9 203,0</b>	<b>1,8</b>	<b>2 846,0</b>

Тасдиқланган параметрлар 10,0 трлн.сўмга (9,8%), Давлат солиқ қўмитаси томонидан 8,7 трлн.сўмга (11,6%), Давлат божхона қўмитаси томонидан 2,0 трлн.сўмга (13,5%) ортиғи билан бажарилишига эришилади.

Бугунги кунда республика бўйича 1 416 та солиқ тўловчи АВ 3172-сонли Низом бўйича йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган бўлиб, уларнинг солиқ мажбуриятлари ҳисоби Йирик солиқ тўловчилар бўйича инспекция томонидан юритилмоқда.

Жумладан:

- 82 та акцизости товарларни ишлаб чиқарувчилар;
- 893 та тижорат банклари ва уларнинг филиаллари;
- 3 та товар-хомашё, фонд ва валюта биржалари;
- 11 та “Навоий КМК” ДК ва “Олмалиқ КМК” АЖ ҳамда уларнинг таркибида киравчи ташкилотлар;
- 5 та Маҳсулот тақсимотига оид битим бўйича ишларни бажаришда иштирок этаётган ташкилотлар;
- 422 та ўтган календарь йил якуни бўйича маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан олинган соф тушуми 100,0 миллиард сўмдан юқори бўлган юридик шахслар йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган.

Давлат солиқ идоралари бўйича кутилаётган 83,9 трлн.сўм даромаднинг 44,6 трлн.сўми ёки 53,1 фойзи Йирик солиқ тўловчилар бўйича инспекция ҳисобига тўғри келади.

#### **Давлат солиқ хизмати органлари томонидан 2019 йилда ундириладиган бюджет даромадлари таркибида йирик солиқ тўловчиларнинг улуши**

млрд.сўм

Кўрсаткичлар	Кутилаётган ижро		Йирик солиқ тўловчилар тушуми		Жами тушумда улуши, %
	микдори	ЯИМга нисбатан, %	микдори	ЯИМга нисбатан, %	
<b>Ялпи ички маҳсулот</b>	<b>524 230</b>		<b>524 230</b>		
<b>I. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИ</b>	<b>83 912</b>	<b>16,0</b>	<b>44 600</b>	<b>8,5</b>	<b>53,1</b>
шу жумладан:					
<b>1. Бевосита солиқлар</b>	<b>23 135</b>	<b>4,4</b>	<b>7 393</b>	<b>1,4</b>	<b>31,9</b>
1.1 Юридик шахслардан олинадиган фойда солиги	7 837	1,5	4 762	0,9	60,8
1.2 Ягона солиқ тўлови	1 923	0,4	15	0,003	0,8
1.3 Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги	12 690	2,4	2 616	0,5	20,6
1.4 Тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ	685	0,1	0	0	0
<b>2. Билвосита солиқлар</b>	<b>34 262</b>	<b>6,5</b>	<b>19 196</b>	<b>3,7</b>	<b>56,0</b>
2.1 Кўшилган қиймат солиги	24 646	4,7	10 427	2,0	42,3
2.2 Акциз солиги	9 616	1,8	8 769	1,7	91,2

Кўрсаткичлар	Кутилаётган ижро		Йирик солиқ тўловчилик тушуми		Жами тушумда улушки, %
	микдори	ЯИМга нисбатан, %	микдори	ЯИМга нисбатан, %	
<b>Ялпи ички маҳсулот</b>	<b>524 230</b>		<b>524 230</b>		
<b>I. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИ</b>	<b>83 912</b>	<b>16,0</b>	<b>44 600</b>	<b>8,5</b>	<b>53,1</b>
<b>3. Ресурс тўловлари ва мулк солиги</b>	<b>19 551</b>	<b>3,7</b>	<b>16 074</b>	<b>3,1</b>	<b>82,2</b>
3.1 Мулк солиги	2 339	0,4	1 029	0,2	44,0
3.2 Ер солиги	2 277	0,4	326	0,06	14,3
3.3 Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	14 613	2,8	14 444	2,7	98,8
3.4 Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	321	0,06	275	0,05	85,7
<b>4. Қўшимча фойда солиги</b>	<b>101</b>	<b>0,02</b>	<b>101</b>	<b>0,02</b>	<b>100</b>
<b>5. Бошқа даромадлар ва солиқсиз тушумлар</b>	<b>6 863</b>	<b>1,3</b>	<b>1 836</b>	<b>0,3</b>	<b>26,7</b>

Солиқ турлари кесимида кўрилганда, кутилаётган тушумларда йирик солиқ тўловчилик ҳисобига қўшимча фойда солиғининг 100 фоизи, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг 99 фоизи, акциз солиғининг 91 фоизи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг 86 фоизи, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг 61 фоизи, мулк солиғининг 44 фоизи, қўшилган қиймат солиғининг 42 фоизи, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг 21 фоизи ва ер солиғининг 14 фоизи тўғри келади.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан ундирилаётган тушумлар таркиби тармоқлар кесимида таҳлил қилинганда, 2018 йилда энг катта улуш 13,2 трлн.сўм ёки 24,4 фоиз тушумлар ишлаб чиқариш корхоналари ҳисобига тўғри келиши маълум бўлди.

Шу билан бирга, транспорт соҳасига 7,3 трлн.сўм (13,4%), бошқа тушумларга 7,3 трлн.сўм (13,4%), савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасига 5,6 трлн.сўм (10,4%), тоғ-кон саноатига 5,3 трлн.сўм (9,7%), бошқа хизматлар соҳасига 4,2 трлн.сўм (7,8%), электр ва газ таъминоти соҳасига 2,9 трлн.сўм (5,3%), қурилиш соҳасига 2,6 трлн.сўм (4,9%), ахборот ва алоқа соҳасига 1,8 трлн.сўм (3,2%) ҳамда молия ва сутурта соҳасига 1,2 трлн.сўм (2,2%) тўғри келади.

#### Солиқ тушумларининг тармоқлар кесимида таркиби

млрд.сўм

T/р	Тармоқлар	2018 йил	улушки, %	2019 йил 9 ой	улушки, %	улушдаги фарқ, +,-
<b>Солиқ тушумлари, жами</b>		<b>54 185,9</b>	<b>100</b>	<b>59 658,9</b>	<b>100</b>	
1	Саноат ишлаб чиқариши	13 219,1	24,4	13 243,5	22,2	- 2,2
	Транспорт	7 260,2	13,4	5 333,0	8,9	- 4,5

T/p	Тармоқлар	2018 йил	улуши, %	2019 йил 9 ой	улуши, %	улушдаги фарқ, +,-
2	Савдо ва хизмат кўрсатиш	5 654,4	10,4	5 139,1	8,6	- 1,8
3	Тоғ-кон саноати	5 269,6	9,7	10 757,2	18	+ 8,3
4	Электр ва газ таъминоти	2 876,5	5,3	2 479,7	4,1	- 1,2
5	Қурилиш	2 647,9	4,9	3 223,4	5,4	+ 0,5
6	Ахборот ва алоқа	1 760,4	3,2	2 028,2	3,4	+ 0,2
7	Молия ва суғурта	1 229,8	2,3	1 307,9	2,2	- 0,1
8	Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	559,3	1,0	742	1,2	+ 0,2
9	Таълим	538,7	1,0	711,8	1,2	+ 0,2
10	Туризм	406,0	0,7	511,2	0,9	+ 0,2
11	Соғлиқни сақлаш	372,9	0,7	705,7	1,2	+ 0,5
12	Сув таъминоти, оқава ва чикинди хизмати	204,0	0,4	195,4	0,3	- 0,1
13	Маданият ва спорт	90,7	0,2	108,1	0,2	0
14	Бошқа хизматлар	4 796,0	8,9	5 355,1	9,0	+ 0,1
15	Бошқа тушумлар	7 300,3	13,5	7 817,5	13,1	- 0,4

Жадвалда кўриб турганингиздек, 2019 йилнинг 9 ойлигига тушумларнинг ўтган йилга нисбатан ошишига асосан тоғ-кон саноати корхоналари тўлови таъсир қилиб, умумий тушумдаги улуши 8,3 пунктга (9,7 фоиздан 18 фоизгача) ўсган.

Шунингдек, транспорт соҳасининг тушумлари кескин камайган бўлиб, умумий тушумдаги улуши 4,5 пунктга (13,4 фоиздан 8,9 фоизгача) тушиб кетган.

#### Таклиф ва мулоҳазалар:

Транспорт соҳасидан тушумларнинг тушиб кетишига таъсир этган омилларни аниқлаган ҳолда, келгуси йилда уни олдини олишга қаратилган тизимли чора-тадбирларни кўриш мақсадга мувофиқ бўлади.

Давлат божхона қўмитаси бўйича кутилаётган 16,8 трлн.сўмнинг 13,3 трлн.сўми (79,2%) импорт товарлари бўйича қўшилган қиймат солиғи, 668,1 млрд.сўми (4%) акциз солиғи, 2,2 трлн.сўми (13%) божхона божи ва 627 млрд.сўми (3,8%) бошқа даромадлар ҳисобига тўғри келади.

#### **Божхона тушумларининг тармоқлар кесимида таркиби**

млрд.сўм

T/p	Тармоқлар	2018 йил	улуши, %	2019 йил 9 ой	улуши, %	улушдаги фарқ, +,-
<b>Божхона тушумлари, жами</b>		<b>11 489,3</b>	<b>100</b>	<b>11 313,8</b>	<b>100</b>	
1	Савдо ва хизмат кўрсатиш	4 882,7	42,5	5 675,4	50,2	+ 7,7
2	Саноат ишлаб чиқариши	3 757,5	32,7	3 648,5	32,2	- 0,5

Т/р	Тармоқлар	2018 йил	улуши, %	2019 йил 9 ой	улуши, %	улушдаги фарқ, +,-
3	Жисмоний шахслар ва доимий муассасалар	1 614,9	14,1	442,8	3,9	- 10,2
4	Ахборот ва алоқа	44,1	0,4	72,4	0,6	+ 0,2
5	Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	54,2	0,5	62,1	0,5	0
6	Қурилиш	106,5	0,9	211,7	1,9	+ 1,0
7	Маданият ва спорт	17,1	0,15	9,3	0,08	- 0,07
8	Молия ва сугурта	44,1	0,4	68,4	0,6	+ 0,2
9	Соғлиқни сақлаш	9,3	0,08	7,8	0,07	- 0,01
10	Сув таъминоти, оқава ва чиқинди хизмати	6,1	0,05	9,2	0,08	+ 0,03
11	Таълим	1,3	0,01	1,3	0,01	0
12	Тоғ-кон саноати	91,4	0,8	70,6	0,6	- 0,2
13	Транспорт	122,4	1,0	103,3	0,9	- 0,1
14	Туризм	17,1	0,1	32	0,3	+ 0,2
15	Электр ва газ таъминоти	42,6	0,4	11,5	0,1	- 0,3
16	Бошқа хизматлар	305,9	2,7	437,4	3,9	+ 1,2
17	Бошқа тушумлар	372,1	3,2	450,1	4,0	+ 0,8

Божхона тушумлари таркиби тармоқлар бўйича таҳлил қилинганда, 2018 йилдаги 11,5 трлн.сўмнинг 4,9 трлн.сўми (42,5%) савдо ва хизмат кўрсатиш, 3,7 трлн.сўми (32,7%) ишлаб чиқариш соҳасидаги корхоналар томонидан ва 1,6 трлн.сўми (14,1%) жисмоний шахслар ва доимий муассасалар томонидан тўланганлиги маълум бўлди.

Жорий йилнинг 9 ойлигига бюджетга ўтказилган 11,3 трлн.сўм божхона тушумларининг 5,7 трлн.сўми (50,2%) савдо ва хизмат кўрсатиш, 3,6 трлн.сўми (32,2%) ишлаб чиқариш соҳасидаги корхоналар томонидан ва 0,4 трлн.сўми (3,9%) жисмоний шахслар ва доимий муассасалар томонидан тўланган.

Кўриб турганингиздек, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасининг импорт ҳажми ўтган йилга нисбатан кескин ошганлиги ҳисобига тушумлар таркибида ушбу соҳанинг улуши 7,7 пунктга кўтарилиган.

Жисмоний шахслар томонидан товарларни олиб кириш меъёрлари тартибга солинганлиги муносабати билан божхона тушумларида уларнинг улуши 10,2 пунктга қисқарган.

Давлат бюджети даромадлари 2019 йилда қуйидаги шароитлардан келиб чиқиб ижро қилиниши қўрсатилган:

- 2019 йилда амалга оширилган солик ислохотлари самаралари;
- айрим солик ва божхона имтиёзларининг бекор қилиниши;
- стратегик товарларнинг нархларидағи ўзгаришлар;

- солиқ түловчилар сонининг ўзгариши.

2019 йилги солиқ ислоҳотлари самаралари қўйидагича бўлиши кутилмоқда.



Диаграммадан кўриниб турибдики, жорий йилда солиқ түловчилар ихтиёрида қарийб 18,3 трлн.сўм (йил бошидаги прогноз 10 трлн.сўм) ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3,5 фоиз маблағлар қолиши кутилмоқда.

Хусусан, товар айланмасидан давлат мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмаларнинг (3,2 фоиз) бекор қилиниши натижасида 6 трлн. 925 млрд.сўм маблағлар корхоналар ихтиёрида қолдирилмоқда.

Мулк солиги ставкасининг 5 фоиздан 2 фоизгача камайтирилиши эса солиқ түловчилар фойдасини 2 трлн. 337 млрд.сўмга оширмоқда.

Барча даромад турлари бўйича тасдиқланган прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши кутилмоқда. Жумладан, бевосита солиқлар бўйича тушумлар 31,7 трлн.сўмни (ЯИМга нисбатан 6,0%, прогноз қилинган – 5,6%), билвосита солиқлар – 50,5 трлн.сўм (9,6%, 9,0%), ресурс солиқлари 19,6 трлн.сўм (3,7%, 3,2%) ни ташкил қилади.

Прогноз кўрсаткичларининг ортиқча бажарилишининг салмоқли қисми кўшилган қиймат солигига 2,0 трлн.сўм (105,5%), ер қаъридан фойдаланганлик учун солиққа 1,7 трлн.сўм (112,8%), жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигига 1,3 трлн.сўм (111,6%) ва акциз солигига 1,3 трлн.сўм (114,0%) тўғри келмоқда.

Даромад турлари бўйича белгиланган параметрларнинг ортиғи билан бажарилишига қуйидаги омиллар таъсир қилмоқда:

1. Солиқ сиёсати йўналишлари доирасида қабул қилинган тадбирларнинг ижобий самараси ҳисобига.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиги бўйича белгиланган параметрлар (16 трлн.сўм) 430 млрд.сўм ортиги билан бажарилиши кутилмоқда.

**Фойда солиги бўйича солиқ солинадиган база тўғрисида солиштирма маълумот**

млрд.сўм

Т/р	Худудлар	Корхоналарнинг фойдаси			
		2018 йил 6 ойлик		2019 йил 6 ойлик	
		сони	суммаси	сони	суммаси
	<b>Жами</b>	<b>7432</b>	<b>13 086,9</b>	<b>39408</b>	<b>24 585,7</b>
1	Қорақалпоғистон Республикаси	314	2 400,3	1712	2 479,6
2	Андижон вилояти	594	45,2	2316	1 757,5
3	Бухоро вилояти	400	148,5	2303	864,8
4	Жиззах вилояти	157	548,7	1205	324,3
5	Қашқадарё вилояти	360	501,9	2097	2 379,1
6	Навоий вилояти	271	315,4	1339	842,3
7	Наманган вилояти	378	87,0	2127	547,6
8	Самарқанд вилояти	640	99,4	3273	884,7
9	Сурхондарё вилояти	481	105,8	1775	306,5
10	Сирдарё вилояти	104	39,2	824	-26,2
11	Тошкент вилояти	571	2 450,2	3322	2 277,4
12	Фарғона вилояти	551	91,9	2781	1 311,5
13	Хоразм вилояти	322	172,8	1721	939,6
14	Тошкент шаҳри	2289	6 080,4	12613	9 696,9

Режанинг ортиги билан бажарилишига юридик шахслардан олинадиган мулк солиги ставкасининг 5 фоиздан 2 фоизга, ягона ижтимоий тўлов ставкасининг 25 фоиздан 12 фоизга камайтирилганлиги ва давлат мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмаларнинг бекор қилинганлиги таъсир қилмоқда.

Бунда, Молия вазирлиги бўйича белгиланган 8,8 трлн.сўм прогноз 210,4 млрд.сўмга бажарилмаслиги кутилаётган бўлса, Давлат солиқ қўмитаси бўйича белгиланган 7,2 трлн.сўм прогноз 641 млрд.сўмга ортиги билан бажарилади.

Давлат солиқ қўмитаси бўйича кутилаётган 7,8 трлн.сўм фойда солигининг 4,8 трлн.сўми ёки 61 фоизи Йирик солиқ тўловчилар бўйича инспекция ҳисобига тўғри келади.

Ягона солиқ тўловининг базавий ставкаси 5 фоиздан 4 фоизгача камайтирилганига қарамасдан, ушбу солиқ туридан кутилаётган даромадлар

1 трлн. 922 млрд.сўмни ташкил қиласди ва белгиланган параметрлар 730 млрд.сўмга ошириб бажарилади.

### **Бевосита соликларнинг кутилаётган тушумлари**

<ul style="list-style-type: none"> <li>Солик тўловчилар сони 7 545 тадан 48 838 тагача ошиши</li> <li>Солик солинадиган база 2,2 баробарга ошиши</li> <li>Йиллик обороти 1 млрд.сўмдан ортиқ бўлган субъектлар ҳисобига -2 000 млрд.сўм тушиши кутилмоқда</li> </ul> <p>Юридик шахслардан олинадиган фойда солиги 16 410 млрд.сўм</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Кичик корхоналар соғ тушумининг ўсиши 60% ни ташкил қиласди</li> <li>41 293 та кичик корхона умумбелгиланган солик тўлашга ўтиб кетди</li> </ul> <p>Ягона солик тўлови 1 922 млрд.сўм</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>720 минг нафар ишчи легализация қилинди, солик тўловчилар сони 4 621,6 минг нафарни ташкил қиласди.</li> <li>мехнатга ҳак тўлаш жамғармаси ўсиши 49 % ни ташкил қиласди, ваҳоланки энг кам ойлик иш хакининг ўсиши 15 % Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги 12 690 млрд.сўм</li> </ul>
<ul style="list-style-type: none"> <li>90 500 минг нафар тадбиркорлар фаолияти қонунийлаштирилди</li> <li>23 340 минг нафар тадбиркор ягона солик тўловига ўтди</li> <li>2 715 нафар тадбиркор қўшилган кўймат солиги тўловчиси бўлли</li> </ul> <p>Қатъий белгиланган солик 685 млрд.сўм</p>		

Жорий йилда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг 12 фоиз миқдорида ягона ставкаси амалга киритилди ва қатор имтиёзлар бекор қилиниши ҳисобига 12,6 трлн.сўм (йирик солик тўловчилардан 2,6 трлн.сўм) маблағ келиб тушиши ва белгиланган параметрлар 1,3 трлн.сўмга ортиғи билан бажарилиши кутилмоқда.

Тадбиркорлардан ундириладиган қатъий белгиланган солик ставкаси ўртacha 30 фоизга камайтирилганига қарамасдан, тушумлар 686 млрд.сўм миқдорида кутилмоқда, тасдиқланган прогноз 100 млрд.сўмга ортиғи билан бажарилади.

Ўтган давр мобайнида бюджетга қўшимча даромадларни сафарбар этиш доирасида 90 500 нафар тадбиркор фаолияти қонунийлаштирилди. Шунингдек, 23 340 нафар тадбиркор ягона солик тўлови ва 2 715 нафари умумбелгиланган солик тўлашга ўтди.

2019 йилдан бошлиб йиллик айланмаси 1 млрд.сўмдан ортиқ бўлган кичик тадбиркорлик субъектлари учун умумбелгиланган солик тўлаш жорий қилинди. Бунинг натижасида солик тўловчилар сони ошиб, бюджетга кўзда тутилганидан ортиқ маблағ тушиши кутилмоқда.



### Қўшилган қиймат солиғи

- Тўловчилик сони 75 393 га ошиши (6 769 дан 82 162 гача)
- Бюджеттага 37 969 млрд.сўм маблағ ундирилиши кутилмоқда (прогноз 35 993 млрд.сўм)



### Фойда солиғи

- Тўловчилик сони 41 293 га ошиши (7 575 дан 39 701 гача)
- Бюджеттага 16 410 млрд.сўм маблағ ундирилиши кутилмоқда (прогноз 15 980 млрд.сўм)



### Юридик шахслардан олинадиган мулк солиғи

- Тўловчилик сони 55 705 га ошиди (9 261 дан 64 966 гача)
- Бюджеттага 1 586 млрд.сўм маблағ ундирилиши кутилмоқда (прогноз 1 014 млрд.сўм)



### Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи

- Тўловчилик сони 61 820 га ошиди (12 887 дан 74 707 гача)
- Бюджеттага 1 448 млрд.сўм маблағ ундирилиши кутилмоқда (прогноз 1 118 млрд.сўм)



### Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик

- Тўловчилик сони 47 455 га ошиди (3 443 дан 50 898 гача)
- Бюджеттага 321 млрд.сўм маблағ ундирилиши кутилмоқда (прогноз 268 млрд.сўм)

2. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмининг ошиши, энергия ресурслари нархларининг қайта кўриб чиқилиши ҳамда солик маъмурчилигининг яхшиланиши ҳисобига.


Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги маълумотларига кўра, 2019 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарishнинг ўсиши прогноз қилинган 4,9 фоиз ўрнига 6,4 фоизга ўсиши, курилиш ҳажми – 9,3 фоиз ўрнига 11,8 фоиз, хизмат кўрсатиш – 5,7 фоиз ўрнига 6,0 фоиз, чакана савдо ҳажми – 4,8 фоиз ўрнига 5,7 фоиз ўсиши кутилмоқда.

Қўшилган қиймат солиғи бўйича белгиланган параметрлар (36,0 трлн.сўм) 1,9 трлн.сўмга ортиғи билан бажарилиши кутилмоқда. Шундан, тушумлар Ўзбекистон Республикаси худудида ишлаб чиқарилган товар (иш, хизмат)лар бўйича 0,3 трлн.сўмга ва импорт маҳсулотлари бўйича 1,7 трлн.сўмга ортиғи билан бажарилишига эришилади.

Қўшилган қиймат солиғидан тушумлар Давлат солик қўмитаси бўйича 24,7 трлн.сўм кутилаётган бўлса, унинг 10,4 трлн.сўми ёки 42 фоизи йирик солик тўловчилик солиғидан тушумларни таъсизлайди.

2019 йил давомида Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси ва бошқа идоралар билан ҳамкорликда бюджетта қўшимча даромад манбаларини аниқлаш бўйича худудларда ўрганишлар ва амалий ёрдамлар ўтказилиши натижасида Давлат бюджетига 10,0 трлн.сўм қўшимча даромадлар сафарбар этилиб, маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қўшимча равиша 6,7 трлн.сўм даромадлар қолдирилади.

**Охирги уч йилда маҳалий бюджетлар ихтиёрида қолдирилган даромадлар**  
млрд.сўмда



Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида 248 млрд.сўм, Андижон вилоятида 786 млрд.сўм, Бухоро вилоятида 439 млрд.сўм, Жиззах вилоятида 162 млрд.сўм, Қашқадарё вилоятида 560 млрд.сўм, Сурхондарё вилоятида 289 млрд.сўм, Тошкент вилоятида 567 млрд.сўм, Фарғона вилоятида 341 млрд.сўм, Хоразм вилоятида 238 млрд.сўм ва Тошкент шаҳрида 1 575 млрд.сўм қўшимча маблағ шакллантиришга эришилади.

Шу билан бирга, 2019 йил 1 октябрь ҳолатига жорий солиқ қарзи йил бошига нисбатан 317,4 млрд.сўмга камайиб, 852,8 млрд.сўмни ташкил қилди ва худудлар кесимида қуйидагича ўзгарди.

Солиқ қарзининг энг кўп камайиши Тошкент вилоятида 120,5 млрд.сўм, Андижон вилоятида 79,6 млрд.сўм, Фарғона вилоятида 50,3 млрд.сўм, Самарқанд вилоятида 37,8 млрд.сўмни ташкил қилди.

**Бюджет бўйича солиқ қарзининг ўзгариши**

млрд.сўм

Худудлар номи	01.01.2019 й.	01.10.2019 й.	Фарқи
Қорақалпоғистон Республикаси	34,8	45,6	5,8
Андижон вилояти	130,4	50,7	-79,6
Бухоро вилояти	75,1	97,4	22,2
Жиззах вилояти	38,8	19,9	-18,9
Қашқадарё вилояти	231,5	211,9	-19,6
Навоий вилояти	19,9	18,3	-1,6
Наманган вилояти	44,2	45,7	1,6

<b>Худудлар номи</b>	<b>01.01.2019 й.</b>	<b>01.10.2019 й.</b>	<b>Фарқи</b>
Самарқанд вилояти	75,4	37,6	-37,8
Сурхондарё вилояти	33,8	21,3	-12,5
Сирдарё вилояти	76,0	32,7	-23,2
Тошкент вилояти	175,5	55,0	-120,5
Фарғона вилояти	78,2	27,9	-50,3
Хоразм вилояти	26,5	40,3	13,8
Тошкент шаҳри	125,1	148,3	23,2
<b>ЖАМИ</b>	<b>1 170,2</b>	<b>852,8</b>	<b>-317,4</b>


3. Акциз солиғи ставкаларининг ўзгариши ва қўшилган қиймат солиғи ставкасининг 20 фоиздан 15 фоизга камайтирилиши, шунингдек 2019 йил 1 октябрдан бошлаб қатор имтиёзларнинг бекор бўлиши ҳам Давлат бюджети даромадларининг кутилаётган ижросига таъсир қиласди.

Ўтказилган таҳлилларга кўра, солик ставкаларининг пасайтирилиши корхоналарда қўшимча айланма маблағлар ҳосил бўлишига олиб келмоқда.


Мисол учун, қўшилган қиймат солиғи ставкасининг 5 фоиз бандга камайтирилиши натижасида ҳар ойда ўртacha “Ўзметкомбинат” АЖ ихтиёрида 4,5 млрд.сўм, “Ўзкимёсаноат” АЖ корхоналарида эса 5 млрд.сўм маблағ қолишига эришилади.

2019 йил 1 октябрдан бошлаб, қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзларнинг бекор қилиниши ҳисобига қўшимча 1 трлн.сўмдан ортиқ тушумлар Давлат бюджети даромадлари кутилаётган ижросида ҳисобга олинмоқда.

Мисол учун, ёғоч материаллари бўйича 360 млрд.сўм, шакар, соя бўйича 100 млрд.сўм, дон маҳсулотлари бўйича 100 млрд.сўм, автомобиллар бўйича 60 млрд.сўм тушиши кўзда тутилмоқда.

 Йўқотишларни қоплаш манбалари Акциз солиғи бўйича қўшимча тушумлар - 224 млрд.сўм Кишлоқ хўжалиги маҳсулотларига - 237 млрд.сўм Имтиёзларни бекор қилиш ҳисобига - 744 млрд.сўм Валюта курсининг ўсиши ҳисобига - 125 млрд.сўм Солик ва божхона маъмурчилигини яхшилаш ҳисобига - 245 млрд.сўм	Кутилаётган йўқотиш суммаси Давлат солик қўмитаси бўйича - 1000 млрд.сўм Давлат божхона қўмитаси бўйича - 575 млрд.сўм
---	--

Давлат бюджети даромадларини ҳисоб-китоб қилишда солиқ ва божхона сиёсатидаги ўзгаришлар билан бир қаторда қўйидаги асосий кўрсаткичлар эътиборга олинган.



Давлат бюджети даромадлари прогнозида АҚШ долларининг курси, стратегик товарларнинг нархлари кутилаётган кўрсаткичларга нисбатан пастроқ олинган.

Шу каби, айрим даромадлар базасининг ўсиш суръатлари ҳам кутилаётган кўрсаткичларга нисбатан камроқ белгиланган.

Прогнозни эҳтиёткорлик билан тузилишининг асосий сабаби бюджет даромадларининг тўлиқлигини таъминлаш ва кутилмаган хавфни (рискларни) олдини олишdir.

Масалан, 2020 йил Бюджетномасининг 1-иловасида келгуси йилда АҚШ долларининг курси 10 000 сўм/долл., ўртacha йиллик курси 9 825 сўм/долл. прогноз қилинган, лекин даромадларни прогноз қилишда курс 9 700 сўм/долл.да ҳисоб-китоб қилинган.

Олтиннинг бугунги кунда жаҳон бозоридаги нархи 1 унция учун 1480 АҚШ доллари атрофида бўлиб, кейинги йилда ўсиб бориши кутилаётган бўлсада, прогнозда 1 унция учун 1400 АҚШ доллари миқдорида ҳисобланган.

Шу каби, миснинг бугунги кундаги нархи тоннасига 5750 АҚШ долларини ташкил этиб, прогноз нарх – 5600 АҚШ доллари миқдорида олинган.

Алкоголь маҳсулотлари, пиво ва тамаки, табиий газ ва бошқа салмоқли товарлар ишлаб чиқариш ҳажмлари ҳам консерватив ёндашув асосида прогноз қилинган.

Давлат бюджети даромадлари 2020 йилда 129,1 трлн. сўм (ЯИМга нисбатан 19,8%) миқдорида прогноз қилинмоқда, 2021 йилга мўлжал

– 152,1 трлн.сўмни (19,1%), 2022 йилга мўлжал – 177,6 трлн.сўмни (18%) ташкил қилмоқда.

2020 йилги Давлат бюджети даромадлари лойиҳаси манбалар кесимида қуидагича шакллантирилган.

### **Ялпи ички маҳсулотга нисбатан Давлат бюджети даромадларининг улуши**

млрд.сўм

Т/р	Даромадлар турлари	2019 йил - кутилмоқда		2020 йил - прогноз		Ўзгариш (фоизда)
		микдори	ЯИМ нисбатан (фоизда)	Сумма	ЯИМ нисбатан (фоизда)	
	<b>Жами</b>	<b>112 642,9</b>	<b>21,5</b>	<b>129 120,0</b>	<b>19,8</b>	<b>114,6</b>
	шундан:					
1.	<b>Бевосита солиқлар</b>	<b>31 708,9</b>	<b>6,0</b>	<b>41 078,1</b>	<b>6,3</b>	<b>129,5</b>
1.1.	Юридик шахсларнинг фойда солиги	16 410,5	3,1	22 410,2	3,4	136,6
1.2.	Товар айланмасидан солик	1 922,6	0,4	2 599,9	0,4	135,2
1.3.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги	12 690,4	2,4	16 068,0	2,5	126,6
1.4.	Тадбиркорлардан қатъий белгиланган солик*	685,4	0,1			
2.	<b>Билвосита солиқлар</b>	<b>50 458,2</b>	<b>9,6</b>	<b>58 244,1</b>	<b>8,9</b>	<b>115,4</b>
2.1.	Кўшилган қиймат солиги	37 968,8	7,2	44 193,2	6,8	116,4
2.2.	Акциз солиги	10 284,1	2,0	11 338,9	1,7	110,3
2.3.	Божхона божи	2 205,4	0,4	2 712,0	0,4	123,0
3.	<b>Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиги</b>	<b>19 550,6</b>	<b>3,7</b>	<b>20 919,4</b>	<b>3,2</b>	<b>107,0</b>
3.1.	Мол-мулк солиги	2 339,1	0,4	2 410,3	0,4	103,0
3.2.	Ер солиги	2 277,1	0,4	2 315,8	0,4	101,7
3.3.	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солик	14 613,6	2,8	15 845,6	2,4	108,4
3.4.	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик	320,8	0,1	347,7	0,1	108,4
4.	<b>Бошқа даромадлар ва солиқсиз тушумлар</b>	<b>10 925,2</b>	<b>2,1</b>	<b>8 878,4</b>	<b>1,4</b>	<b>81,3</b>

\*) 2020 йилдан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги таркибига киритилади.

Хусусан, бевосита солиқлар 41,1 трлн. сўмни (ЯИМга нисбатан 6,3%), билвосита солиқлар 58,2 трлн.сўм (8,9%), ресурс тўловлари ва мулк солиги 20,9 трлн.сўм (3,2%) ва бошқа даромадлар 8,9 трлн.сўм (1,4%) ташкил қилиши прогноз қилинмоқда.

2019 йил кутилаётган тушумлар билан солиштирилганда, бевосита солиқларнинг ЯИМдаги улуши 6,0 фоиздан 6,3 фоизгача ошиши, билвосита солиқлар – 9,6 фоиздан 8,9 фоизгача, ресурс тўловлари ва мулк солиги эса – 3,7 фоиздан 3,2 фоизгача камайиши назарда тутилмоқда.

Бевосита солиқларнинг ЯИМдаги улушкининг ижобий тарафга ўзгариши солиқ тизимининг фискал функциясининг камайишидан ва тартибга солиш функциясининг ўсишидан далолат бермоқда. Яъни, жорий қилинган янги солиқ тизими иқтисодиётни ўсишга рағбатлантирумоқда.

2020 йилги Давлат бюджети даромадлари прогнози таркибига қўшимча фойда солиғи, автомобиллар учун акциз солиғи, республикада ишлаб чиқарилган янги автомобилларни ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказишида харид қийматининг 3 фоизи микдорида тўланадиган йифимлар бекор қилинаётганлиги сабабли қўшилмаган.

Шунингдек, Давлат бюджети даромадлари прогнозини ишлаб чиқишида бозорлар ва савдо комплексларини умумбелгиланган соликлар ёки товар айланмасидан соликқа ўтиши, 2020 йил учун солик сиёсати концепциясидаги бошқа йирик ўзгаришлар (қўшилган қиймат солиғи бўйича манфий қолдиқ суммасини қайтариш, фойда солигини ҳисоблашда инвестиция харажатларини ҳисобга олиш ва бошқалар) ҳисобга олинган.

Давлат бюджети даромадлари солик органлари бўйича 106,9 трлн.сўм микдорида прогноз қилинган бўлиб, жами бюджет даромадларининг 82,8 фоизини ташкил қиласди.

Прогнозлаштирилган даромаднинг 62,4 трлн.сўми ёки 58,4 фоизи йирик солик тўловчилар ҳисобига тўғри келиб, улуши жорий йилда кутилаётган 53,2 фоизга нисбатан 5,2 бандга ошмоқда.

Солик тушумлари ЯИМга нисбатан 16,3 фоиз микдорида прогнозлаштирилган бўлиб, жорий йилда кутилаётган 16,0 фоизга нисбатан 0,3 бандга ошмоқда.

Тармоқлар кесимида солик тушумларининг асосий қисми 17,8 трлн.сўм ёки ЯИМга нисбатан 2,7 фоизи нефть ва газ саноати корхоналари ҳиссасига тўғри келади.

Шунингдек, келгуси йилда бюджетга Навоий кон-металлургия комбинати 16,0 трлн.сўм, Олмалиқ кон-металлургия комбинати 6,3 трлн.сўм, “Ўзбекозиқовқатсаноатхолдинг” ХК корхоналари 2,5 трлн.сўм, “Ўзпахтасаноат” АЖ корхоналари 2,3 трлн.сўм тушумлар амалга ошириши кутилмоқда.

**Давлат солик қўмитаси бўйича 2020 йил учун Давлат бюджети даромадлари прогнози вазирлик ва идоралар кесимида**

Т/ р	<b>Вазирлик ва идоралар</b>	<b>2020 йил - прогноз</b>		<b>Тушумдаги улуши (фоизда)</b>	<b>млрд.сўмда</b>
		<b>ЯИМ</b>	<b>Микдори</b>		
	<b>ЯИМ</b>	<b>653 546</b>			
	<b>Жами</b>	<b>106 896,0</b>	<b>16,3</b>	<b>100</b>	
	шундан:				

Т/ р	Вазирлик ва идоралар	2020 йил - прогноз		Тушумдаги улуши (фоизда)
		Микдори	ЯИМ нисбатан (фоизда)	
1.	Нефть ва газ саноати корхоналари	17 848,8	2,7	16,6
2.	Энергия таъминоти корхоналари	1 519,0	0,2	1,4
3.	Кимё саноати корхоналари	846,3	0,1	0,8
4.	Навоий кон-металлургия комбинати	16 131,0	2,5	15,1
5.	Олмалиқ кон-металлургия комбинати	6 264,0	0,9	5,8
6.	“Ўзметкомбинат” АЖ	476,4	0,07	0,4
7.	“Ўзшаробсаноат” АЖ	2 045,4	0,3	1,9
8.	“Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК	2 531,0	0,4	2,4
9.	“Ўзқурилишматериаллари” уюшмаси	1 151,1	0,2	1,0
10.	“Ўзпахтасаноат” АЖ	2 301,8	0,3	2,1
11.	“Ўздонмаҳсулот” АЖ	934,4	0,1	0,9
12.	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ	1 446,3	0,2	1,3
13.	“Ўзавтосаноат” АЖ	1 666,1	0,3	1,5
	Бошқа солиқ тўловчилар	51 734,4	7,9	48,4


Жумладан, “Навоий КМК” ДКда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми келгуси йилда 2018 йилга нисбатан 1,6 тонна (олтин ва кумуш) ёки 3 фоизга ошиши кутилаётган бўлиб, маҳсулот таннархини пасайтириш борасида жорий йилга нисбатан 119,3 млрд.сўмдан ортиқ турли чора-тадбирлар ишлаб чиқиши, 330 млрд.сўмдан ортиқ йирик инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда ишчи ходимлар сонини 1 900 тага ошириш режалаштирилганлиги ҳисобига бюджетга 16 131 млрд.сўм ёки 2019 йилга нисбатан 1 118 млрд.сўм кўп маблағлар тўланиши прогнозлантирилган.

Шу каби, “Олмалиқ КМК” АЖда ишлаб чиқариш ҳажми мис бўйича 26 фоизга, рух бўйича 46 фоизга, цемент бўйича 125 фоизга ошиши, инвестиция ҳажмларини 6 286 млрд.сўмга кўпайтириш ҳамда ишчи ходимлар сонини 1 500 тага ошириш режалаштирилган бўлиб, унинг ҳисобига бюджетга 6 264 млрд.сўм ёки 2019 йилга нисбатан 224 млрд.сўм кўп маблағлар тўланиши прогнозлантирилган.

Давлат божхона қўмитаси бўйича 2020 йил учун бюджет даромадлари 23,3 трлн.сўм, шундан импорт товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғи 19,0 трлн.сўм, акциз солиғи 0,8 трлн.сўм, божхона божи 2,7 трлн.сўм ва бошқа даромадлар 0,8 трлн.сўм микдорида прогноз қилинмоқда.

## Давлат божхона қўмитаси ундириладиган бюджет даромадлари

млрд.сўм



Кўшилган қиймат солиги бўйича прогноз қилинган 19,0 трлн.сўм таркибида импорт бўйича ПФ-5755-сонли Фармони билан имтиёзларнинг бекор қилиниши ҳисобига 6,0 трлн.сўмдан ортиқ маблағлар киритилган.

Шу каби, божхона божи бўйича прогноз қилинган 2,7 трлн.сўм даромадлар таркибига ПҚ-4470-сонли қарори билан ҳозирда “ноль” ставкада бўлган 300 дан ортиқ турдаги товарлар олиб кирилишига жорий қилинган бож ҳисобига 500 млрд.сўмдан зиёд даромадлар киритилган.

Бевосита солиқлар бўйича даромадлар прогнози:

- фойда солиги ставкалари ўзгартирилаётганлиги;
- тадбиркорлардан ундириладиган даромад солиги ставкалари камайтирилаётганлиги;
- товар айланмасидан солик (амалдаги ягона солик тўлови) тўлиқ Давлат бюджетига йўналтирилишидан келиб чиқсан ҳолда ишлаб чиқилган.

Фойда солиги базаси, товар айланмасидан солик базаси ЯИМ реал ўсиши ва дефлятори асосида прогнозлаштирилган. Бундан ташқари, ягона ижтимоий тўлов ставкасининг 25 фоиздан 12 фоизга камайтирилаётганлиги фойда солиги солиш базасини кенгайишига олиб келиши инобатга олинган.

Фойда солиги таркибида Навоий кон-металлургия комбинати ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатидан 11 трлн.сўмдан ортиқ (фойда солиги тушумлари таркибидаги улуши 50 фоиз) даромад тушиши прогноз қилинган.

Товар айланмасидан тўланадиган ягона солиқ тўлови 2,6 трлн.сўм ёки 2019 йилдаги кутилаётган тушумларга нисбатан 35 фоизга ўсиши кўзда тутилмоқда.

Бунда, Пенсия жамғармаси, “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси, Касаба уюшмаларига ажратма қилинаётган маблағларнинг тўлиқ бюджетга йўналтирилиши ҳисобига қўшимча 1,4 трлн.сўм маблағ тушиши прогноз қилинмоқда.


2020 йилда меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси 124,5 трлн.сўм (2019 йилда 100 трлн.сўм атрофида кутилмоқда), шундан бюджет ташкилотлари (бюджетдан ташқари жамғармаларини қўшган ҳолда) бўйича 54 трлн.сўм миқдорида прогнозлаштирилмоқда. Бюджет соҳасида ойлик иш ҳақларининг икки босқичда 7 фоиздан ўсиши кўзда тутилган.

Даромад солиғи таркибида меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги олинган даромадлардан олинадиган солиқ 92 фоиз, тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган солиқ 4 фоиз, бошқа шаклдаги даромадлар бўйича солиқлар 4 фоиз салмоққа эга.

Шу билан бирга, меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси ва ишчилар сонини легаллаштирилишини таъминлаш мақсадида, Давлат бюджети даромадлари прогнозида қўшимча 1 миллионга яқин рўйхатдан ўтмаган ишловчиларни расмийлаштириш ва солиқ тўловларини ундириш бўйича давлат солиқ идоралари учун топшириқ суммалари ҳам кўзда тутилмоқда.

### **Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи таркиби**

млрд.сўм



Пенсия жамғармасининг маълумотларига кўра, ягона ижтимоий тўловни тўланган жисмоний шахслар – солиқ тўловчилар (расмий секторда ёлланиб ишловчилар) сони динамикаси қуидагича ўзгариб келмоқда.


Солиқ тўловчилар сони август ойига келиб 4 380,6 минг нафарга етди ёки 720 минг нафарга қўпайди, меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси эса август ойида 7,8 трлн.сўмни ташкил қилди.

Кўрсаткичлар	январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	январга нисбатан
Солиқ тўловчилар сони, минг нафар	3 660,6	3 895,3	4 045,8	4 094,1	4 146,6	4 090,9	4 060,3	4 380,6	720,0
Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси, млрд.сўм	5 573,0	5 856,7	6 652,3	6 365,9	6 968,2	7 721,4	6 661,9	7 763,9	2 191,0

Билвосита солиқлар бўйича 2020 йилги прогноз 58,2 трлн.сўмни (жами даромадларнинг 45,1%), қўшилган қиймат солиги – 44,2 трлн.сўмни (34,2%), акциз солиги – 11,3 трлн.сўмни (8,8%), божхона божлари – 2,7 трлн.сўмни (2,1%) ташкил қилиши назарда тутилмоқда.

#### Билвосита солиқ турларининг ўзгариш динамикаси

млрд.сўм



Ушбу даромадлар турини прогноз қилишда қуидаги омиллар ҳисобга олинган:

- қўшилган қиймат солиғи ставкасининг 20 фоиздан 15 фоизгача камайтирилганлиги;

- акциз солиғи ставкаларининг индексация қилинганлиги ҳамда айрим товарлар бўйича ўзгартирилганлиги (масалан, табиий газ учун 15 фоиздан 20 фоизгача, полиэтилен гранулалари учун 25 фоиздан 30 фоизгача оширилди);

- қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзларнинг бекор қилинганлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига қўшилган қиймат солифининг жорий қилинганлиги;


- электрон ҳисобварақ-фактуралар, онлайн касса аппаратларини ва солиқ маъмурчилигининг бошқа замонавий усувларини жорий қилиш орқали солиқ солиш базасини ошириш ҳисобига қўшимча даромадларни жалб қилиш топшириғи;

- қўшилган қиймат солифининг “0” ставкасини қўллаш ҳисобига юзага келадиган ва бундан ташқари солиқ сиёсати концепцияси доирасида асосий воситалар ва бошқа хом-ашёни харид қилишда тўланган солиқни ҳисобга олишга рухсат бериш натижасида юзага келадиган манфий қолдиқни қайтариш.

Билвосита солиқларнинг ушбу турлари бўйича кўплаб ўзгаришлар бўлгани фонида барча солиқлар тушумлари ижобий трендга эга: қўшилган қиймат солиғи 2018 йилдаги 27,9 трлн.сўмдан 2020 йилда 44,2 трлн.сўмга, акциз солиғи – 9,7 трлн.сўмдан 11,3 трлн.сўмга, божхона божлари – 1,8 трлн.сўмдан 2,7 трлн.сўмга ошиши кўзда тутилмоқда.

### Акциз солиғи тушуми таркиби

млрд.сўм



Акциз солиғи түшумлари таркибіда табиий газ (3,7 трлн.сүм), охирги истеъмолчига сотиладиган бензин, дизель ёқилғиси ва газ (2,4 трлн.сүм), алкоголь маҳсулотлари (1,5 трлн.сүм), сигаретлар (1,5 трлн.сүм) салмоқли улушга эга.

### **Таклиф ва мулоҳазалар:**

Ёқилғи маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиш тартиби ўзгарғанлиги муносабати билан, Нефтбазалар томонидан охирги истеъмолчига сотиладиган бензин, дизель ёқилғиси бүйича акциз солиғи **келгуси йилда Нефтни қайта ишлаш заводлари томонидан тұланади.**

Шу сабабли, худудларга бюджет даромадлари бүйича 2020 йил учун белгиланадиган **прогноз күрсаткичларида ушбу ҳолатни инобаттаға олининиши мақсадға мувофиқ** бўлади.


2020 йил учун Давлат бюджети лойиҳасыда ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи 20,9 трлн.сүмни ташкил этиши ва ЯИМдаги улушки 3,7 фоиздан 3,2 фоизга тушиши кутилмоқда.

Бунда, мол-мулк солиғи бүйича 2,4 трлн.сүм (умумий даромадлардаги улушки 1,9%), ер солиғи бүйича – 2,3 трлн.сүм (1,8%), ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ – 15,8 трлн.сүм (12,3%), сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ – 0,3 трлн.сүм (0,3%) миқдорида прогноз қилинмоқда.

Ушбу турдаги солиқларни прогноз қилишда:

- ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини 15 фоизга индексация қилинаётганлиги;
- солиқ сиёсати концепциясига мувофиқ ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқларни ҳисоблашдаги ўзгаришлар;
- олтин ва миснинг жаҳон бозоридаги нархларини тавакқалчилик даражасини қисқартиришдан келиб чиққан ҳолда прогноз қилинаётганлиги;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкасининг айрим тўловчилар учун оширилаётганлиги инобаттаға олинган.

**Давлат мақсадли жамғармалари** бүйича 2019 йилда 24,8 трлн.сүм даромадлар кутилаётган бўлиб, белгиланган параметрлар 5,3 трлн.сүмга ортиғи билан бажарилишига эришилади.



Жорий йил учун белгиланган прогноз параметрлари бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўйича 5,5 трлн.сўмга ва Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси бўйича 50,0 млрд.сўмга ортиғи билан бажарилиши кутилмоқда.

Мехнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг сезиларли даражада ўсиши, товар айланмасининг кенгайиши жамғармалар даромадлари бўйича белгиланган параметрларни ортиғи билан бажарилишини таъминламоқда.

Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари прогнози 2020 йилги солик сиёсатининг асосий йўналишларида белгиланган чора-тадбирларни ўз ичига олган ҳолда шакллантирилган, бўлиб, 25,4 трлн.сўм ёки ЯИМга нисбатан 3,9 фоизни (жорий йилда 4,7 фоиз) ташкил қилмоқда.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари 23,4 трлн.сўм миқдорида ёки жорий йилда кутилаётган (24,4 трлн.сўм) тушумларга нисбатан 95,9 фоиз даражада режалаштирилмоқда. Жамғарманинг даромадлари миқдори ЯИМга нисбатан 3,6 фоизни ташкил этиб, жорий йилга (1,1 фоиз) нисбатан пасайиши кутилмоқда.

Жамғарма даромадларининг 22 436,0 млрд.сўми (95,8 фоиз) ягона ижтимоий тўловдан, 802,8 млрд.сўми (3,4 фоиз) юридик шахс ташкил қилмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахслар суғуртасидан, 135,4 млрд.сўми (0,6 фоиз) бошқа даромадлардан ва 50,0 млрд.сўми (0,2 фоиз) бошқа солиқсиз тушумлар ҳисобига шаклланиши режалаштирилган.

**Давлат мақсадли жамғармаларга кутилаётган даромадлар**

млрд.сўм

Т/р	Давлат мақсадли жамғармалар номи	2019 йил - кутилмоқда		2020 йил - прогноз		ўзгариш (фоизда)
		сумма	ЯИМ нисбатан (фоизда)	сумма	ЯИМ нисбатан (фоизда)	
	<b>Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари</b>	<b>24 842,4</b>	<b>4,7</b>	<b>25 385,1</b>	<b>3,9</b>	<b>102,2</b>
1.	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	24 420,1	4,7	23 424,2	3,6	95,9
2.	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси	222,3	0,0	268,0	0,0	120,6
3.	Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси	200,0	0,0	150,0	0,0	75,0

Шунингдек, Консолидациялашган бюджет даромадлари таркибида:


- Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган заарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармасида 81,0 млрд.сўм;
- Меҳнат мигрантларини қўллаб-қувватлаш жамғармасида 10,8 млрд.сўм;
- Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасида 552,0 млрд.сўм;
- Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармасида 71,2 млрд.сўм;
- Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасида 56,2 млрд.сўм;
- Балиқчиликни ривожлантириш жамғармасида 1,6 млрд.сўм;
- Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармасида 98,0 млрд.сўм;
- Жамоат ишлари жамғармасида 1,1 млрд.сўм;
- Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасида 78,0 млрд.сўм;
- “Ёшлилар – келажагимиз” жамғармасида 207,0 млрд.сўм;
- Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармасида 135,0 млрд.сўм;

- Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фондида 68,8 млрд.сўм;

- Республика мақсадли китоб жамғармасида 182,2 млрд.сўм маблағлар шакллантирилиши прогноз қилинганд.

Умуман олганда, тақдим қилинган лойиҳага кўра консолидациялашган бюджет даромадлари 159,6 трлн.сўмни ташкил қилиши режалаштирилган.

### **Консолидациялашган бюджет даромадлари**



## **IV. Бюджетнома лойиҳасида кўзда тутилган бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари таҳлили, Ҳисоб палатасининг таклиф ва мулоҳазалари**

### **4.1. 2020 йилги бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари**

2020 йилдан илк марта қабул қилиниши назарда тутилган Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунида қўйидагилар кўзда тутилмоқда.

1. Бюджет жараёнига оид бир қатор янги тушунчаларни киритиш белгиланган.

Жумладан:

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган бюджет маблағларининг йиллик ҳажми Ўзбекистон Республикаси қонуни билан белгиланадиган бюджет маблағларининг тақсимловчилари учун “Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар”;

Вазирлар Маҳкамаси томонидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга бюджетдан маблағ ажратиш бўйича бириктирилган бюджет маблағларини тақсимловчилари учун “иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар”;

ўз тасарруфида Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетидан, вилоятлар вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетидан, туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан маблағ оладиган ташкилотларга эга бўлган юридик шахс, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджети, туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчилари учун “ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчилари”;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ушбу Қонун лойиҳасида ўрнатилган микдорларда фойдаланиш учун ажратиладиган бюджет маблағларини англатадиган “парламент ажратмалари”;

Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетини ҳамда давлат дастурларини амалга ошириш учун четдан жалб қилинган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган қарз маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган харажатларни ўз ичига оладиган жамланма балансни ифода этадиган “умумий фискал баланс” тушунчалари киритилмоқда.

2. Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар ўртасида ўзгартиришлар киритиш ва республика бюджети харажатларининг умумий хажмини қисқартириш тартиби ва ушбу қарорларни қабул қилиш юзасида ваколатлар белгиланмоқда.

#### Жумладан:

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар ўртасида бюджет ажратмаларини қайта тақсимлашда улар учун Қонун билан тасдиқланган ажратмалар хажмининг 10 фоизидан ортиқ микдорда бўлганда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан, 10 фоизи доирасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилиши белгиланмоқда;

9 ойлик якунлар бўйича республика бюджетининг даромад прогнози бажарилмаслиги ва йил оҳиригача йиллик прогнозга нисбатан кам даромад тушиши асосланган ҳолларда республика бюджети умумий харажатлари хажмини 3 фоизигача Вазирлар Маҳкамаси томонидан, 3 фоизидан юқори микдорларда Вазирлар Маҳкамаси таклифига биноан Олий Мажлис томонидан камайтириш тартиби ўрнатилмоқда.

3. Бюджет тизимини узоқ муддатли барқаролигини таъминлаш ҳамда давлат қарзини кескин ошиб кетишини олдини олиш мақсадида:

давлат мақсадли дастурларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси номидан ёки Ўзбекистон Республикаси кафолати остида жалб қилинадиган (ўзлаштириладиган) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган ташқи қарзнинг чекланган ҳажмини 1,5 млрд.доллар миқдорида;

2020 йил давомида Ўзбекистон Республикаси (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати) номидан ёки Ўзбекистон Республикаси кафолати остида ташқи қарзни жалб этиш бўйича имзоланадиган янги шартномаларнинг энг юқори миқдори 4 млрд. АҚШ доллари миқдорида белгилаш назарда тутилмоқда.

4. Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджети, туманлар ва шаҳарлар бюджетларида шаклланган қўшимча манбалари ҳисобидан харажатлар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, ҳалқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари таклифларига асосан амалга оширилиши белгиланмоқда.

5. 2020 молия йили учун Консолидациялашган бюджет харажатларига оид қуйидаги кўрсаткичларни тасдиқлаш белгиланган:

- Давлат мақсадли жамғармалари ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг харажатлари (3-илова);

- Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчilarга ажратиладиган парламент ажратмаларининг чекланган миқдорлари (5-илова);

- Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертларнинг миқдорлари (7-илова);

- Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори.

6. Авввалги йиллардан фарқли ўлароқ Қонун лойиҳасида 2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджетининг жамланма параметрлари ва 2021-2022 йилларга бюджет мўлжаллари (1-илова), Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар

маҳаллий бюджетларининг харажатлари прогнозлари (6-илова) маълумот учун қабул қилиниши кўзда тутилмоқда.

Давлатнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, инфляция суръатларини белгиланган прогнозлардан ошиб кетишини олдини олиш мақсадида 2020 йилда бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар микдорини ҳар ярим йилликда олдинги давр инфляция микдоридан келиб чиқиб оширилиши назарда тутилган.

2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадларини стратегик маҳсулотларни сотишдан тушган тушумлар ҳисобидан шакллантириш тартиби тўхтатилиб, ушбу тушумлар **Давлат бюджетига йўналтириш**, жамғармадан кредит ресурсларини фақат унинг даромадлари доирасида ажратиш белгиланган.

Бюджетноманинг “Бюджет сиёсатининг устувор йўналишлари” қисмида 2020 йилдан бошлаб Давлат бюджети харажатлари ўтган йиллардан фарқли равишда соҳалар ва тармоқлар кесимида эмас балки халқаро тажрибага мувофиқ харажатлар функционал кўринишида (8-жадвал) келтирилган.

### **2020 йил учун Давлат бюджети харажатлари йўналишлари (функционал кўринишида)**

<b>№</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Микдори, (млрд.сўм)</b>
1.	Умумий аҳамиятдаги давлат хизматлари	13 969,0
2.	Жамоат тартиби ва хавфсизлиги	1 572,8
3.	Иқтисодий масалалар	19 018,2
4.	Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш	269,1
5.	Уй-жой ва коммунал хизматлар	3 214,2
6.	Соғлиқни сақлаш	14 884,9
7.	Дам олиш, маданият, спорт ва дин	2 877,7
8.	Таълим	35 356,6
9.	Ижтимоий ҳимоя	18 055,7
10.	Бошқалар	22 546,3
<b>Жами</b>		<b>131 764,5</b>

## Функционал кўринишдаги Давлат бюджети харажатлари

фоизда



### Таклиф ва муроҳазалар:

Давлат бюджетининг харажатлари Бюджетномада келтирилган жадвал асосида йўналишлар кесимида келтирилиши уларни жамоатчилик ва Олий Мажлис томонидан баҳолаш ва муҳокама этиш имкони беради.

Лекин Қонун лойиҳасида Давлат бюджети харажатлари **функционал тасниф бўйича келтирилмаган**.

Қонун лойиҳасининг 1-иловасида Давлат бюджети харажатлари факат **бир қаторда акс эттирилган**.

Худди шундай **республика бюджети харажатлари ҳам функционал кўринишда эмас**, факатгина вазирлик ва идоралар кесимида (5-илова) келтирилган.

Давлат бюджети харажатларини кенг жамоатчилик, Олий Мажлис палаталари томонидан чуқурроқ баҳолаш ва муҳокама қилиш имконини яратиш мақсадида Бюджетномада қайд этилганидек Қонун лойиҳасини **Давлат бюджети ва республика бюджети харажатлари йўналишилар** кесимида **функционал тасниф кўринишда акс эттирилган иловалар билан тўлдириш** мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3917-сонли қарорида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига:

Давлат статистика қўмитаси билан биргалиқда Халқаро валюта жамғармасининг 2014 йилги давлат молия статистикаси бўйича қўлланмасига мувофиқ ишлаб чиқилган янгиланган бюджет таснифини тасдиқлаш;

2020 йилга мўлжалланган Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари лойиҳаларининг қонун билан тасдиқланадиган шаклларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатига келишиш назарда тутилган.

### **Таклиф ва мулоҳазалар:**

2020 йил учун Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари лойиҳалари янгиланган бюджет таснифи бўйича ҳамда **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари билан келишилган шаклларда ишлаб чиқилмаган.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3917-сонли қарори ижросини таъминлаш ва мақсадида:

Давлат статистика қўмитаси билан биргалиқда Халқаро валюта жамғармасининг 2014 йилги давлат молия статистикаси бўйича қўлланмасига мувофиқ **янгиланган бюджет таснифини жорий этиш**;

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари лойиҳаларини янгиланган бюджет таснифини ҳисобга олган ҳолда **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари билан келишилган шакллар асосида тузиш** таклиф этилади.

### **4.2. 2020-2022 йилларга мўлжалланган фискал сиёсатнинг асосий мақсадлари**

Бюджетноманинг “Давлат молияси статистикасини юритишнинг халқаро стандартлари” бўлимида 2020 йил Давлат бюджети лойиҳаси ҳалқаро валюта жамғармасининг давлат молияси статистикасини юритишнинг 2014 йилда ишлаб чиқилган тавсияларига асосан ишлаб чиқилганлиги кўрсатилган.

Қонун лойиҳасида “фискал баланс” тушунчаси давлатнинг умумий молиявий ҳолатини акс эттирадиган умумий кўрсаткич, консолидациялашган бюджетга қўшимча равишда бюджет харажатларини молиялаштириш учун (acosan инвестиция харажатлари) бюджетдан қайтариш шарти билан жалб

қилинган чет эл кредит маблағларини ўз ичига оладиган жамланма баланс сифатида киритилган.

**2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети (Қонун лойиҳасининг 1-иловаси бўйича)**

<b>№</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Ҳажми, (млрд.сўм)</b>
<b>I.</b>	<b>Консолидациялашган бюджет даромадлари</b>	<b>159 620,1</b>
<b>II.</b>	<b>Консолидациялашган бюджет харажатлари</b>	<b>163 045,0</b>
<b>III.</b>	<b>Давлат мақсадли жамғармаларига трансферлар</b>	<b>9 298,1</b>
<b>IV.</b>	<b>Консолидациялашган бюджет сальдоси (профицит +, тақчиллик -)</b>	<b>-3 424,9</b>
4.	Ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига харажатлар	14 394,1
<b>V.</b>	<b>Умумий фискал баланс (профицит +, тақчиллик -)</b>	<b>-17 819,0</b>
<b>VI.</b>	<b>Давлат қарзларини сўндириш</b>	<b>3 289,9</b>

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан давлат қарзини сўндириш учун кўзда тутилаётган 3 289,9 млрд.сўм харажатлар Консолидациялашган бюджет тақчиллигини ошишига сабаб бўлиб, тақчилликни қоплаш манбалари билан таъминлаш талаб этилсада, Қонун лойиҳасининг 1-иловасида ушбу харажатларининг тақчилликка таъсири кўрсатилмаган.

Япония, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Белоруссия мисолида ҳалқаро тажриба ўрганилганда, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қарзни қоплаш харажатлари давлат бюджети таркибида акс эттириши намоён бўлди.

Мисол учун, Япония молия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган маълумотларга қўра Япониянинг марказий хукумати бюджети таркибида давлат қарзини (асосий қисми ва фоизлари) қоплаш бюджет харажатлар таркибида акс эттирилган.



Манба: (<https://www.mof.go.jp/english/budget/budget/fy2019/01.pdf>).

### Таклиф ва мулоҳазалар:

Қонун лойиҳасининг 1-иловасида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 2020 йилда давлат қарзини сўндириш учун кўзда тутилган ва Консолидациялашган бюджет тақчиллигини ошишига таъсир этадиган **3 289,9 млрд.сўм харажатлар** Давлат бюджети таркибига ҳам, “Умумий фискал баланс” таркибига ҳам киритилмаган.

Давлат бюджети тақчиллигини халқаро стандартларга мос ва тўғри акс эттириш, хорижий инвесторларни қизиқтирувчи маълумотларни аниқлиги ва очиқлигини таъминлаш мақсадида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 2020 йилда **давлат қарзини сўндириш** учун **кўзда тутилган 3 289,9 млрд.сўм харажатларни** 2020 йилги Консолидациялашган бюджет лойиҳасида **харажатлар таркибида акс эттириш** тақлиф этилади.

Бюджетноманинг “2020-2022 йиллар учун Фискал стратегияси” қисмида Давлат бюджети лойиҳасини ишлаб чиқишида, бюджетни режалаштиришда дастурий-мақсадли бюджетлаштириш усулини босқичмабосқич жорий этиш кўзда тутилиши таъкидланган.

Таклиф этилаётган дастурий-мақсадли бюджетлаштириш усулни жорий этилиши учун қонуний асослар 2014 йил 1 январдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексида яратилган эди.

Хусусан, Кодексда бюджет маблағларини тақсимловчиларининг келгуси давр учун бюджет сўрови таркибига уч йилдан кам бўлмаган давр учун тузиладиган ривожлантириш дастури ҳамда у билан узвий боғлик ҳолда тузилган бюджет буюртмаси кириши белгиланган.

Кодекснинг 88-моддасида бюджет маблағларини тақсимловчининг мақсадларга эришиш ва вазифаларни бажаришга қаратилган тадбирлар мажмуини ўз таркибига олган ривожлантириш дастурини шакллантириш тартиби келтирилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-508-сонли Қонуни билан Бюджет кодексига киритилган ўзгартиришлар асосида **2019 йил 1 январдан** Бюджет тизими бюджетлари харажатлари таснифининг тузилмасига давлат, тармоқ ва худудий ривожлантириш дастурларини бажариш учун маблағлар йўналишини акс эттирувчи **харажатларнинг дастурий таснифи киритилган**.

Ҳозирги кунда аксарият мамалакатларда Давлат бюджетидан маблағлар аниқ мақсадлар, эришилишини акс эттирувчи индикаторлар, мақсадларга эришиш учун талаб этиладиган тадбирлар ва уларнинг ҳисобкитобларини ўз ичига оладиган вазирлик ва идораларнинг ривожланиш дастурлари асосида ажратилмоқда.

Шундай тартибда бюджет маблағларининг ажратилиши, вазирлик ва идораларнинг амалга оширган тадбирлари ва эришилган натижалари бўйича кенг жамоатчилик ва Парламент олдидаги ҳисобдорлигини ва жавобгарлигини оширади.

### **Таклиф ва мулоҳазалар:**

Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ва шаффоғлигини ошириш мақсадида илғор хорижий тажрибалар асосида аниқ мақсадлар ва уларга эришилишини баҳоловчи индикаторларини акс эттирувчи **дастурий-мақсадли бюджетлаштириш усулини жорий этилишини** жадаллаштириш таклиф этилади.

### **4.3. Бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш**

Қонун лойиҳасида бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш, маҳаллий бюджетларнинг мустақиллигини ошириш ва қуий бюджетларнинг юқори бюджетга қарамлилигини пасайтириш бўйича қуидагиларни жорий этиш кўзда тутилган:

1. Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар хажми - Олий Мажлис томонидан;

маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган Бюджет тақсимловчиларнинг бюджетлари – Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан тасдиқланиши.

Биринчи босқичда, яъни Олий Мажлис палаталари томонидан 2020 йил бюджетини тасдиқлашда, маҳаллий бюджетнинг даромад ва харажатларининг умумий хажмларини ҳам маълумот учун қабул қилиш кўзда тутилмоқда.

Бюджет маблағлари тақсимловчиларга маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари ҳажми, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан маҳаллий бюджет параметрлари тасдиқланган ҳолда, жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари томонидан белгиланади.

Туман ва шаҳарлар бюджетларига жисмоний шахслар томонидан тўланадиган ер солиғи, жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мулк солиғи, жисмоний шахслар томонидан тўланадиган даромад солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлар тўлиқ хажмда қолдирилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига куйидаги тушумлар тўлиқ хажмда қолдирилади:

а) юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи, юридик шахсларнинг ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ (электр станциялар томонидан тўланадиган), бензин, дизел ва сиқилган газ маҳсулотининг чакана савдоси учун акциз солиғи, давлат божлари (патент учун бож ва давлат томонидан лицензия бериш учун бодан ташқари), давлат бюджетига ўтказиладиган жарима ва йиғимлар (божхона йиғимларидан ташқари), давлат фойдасига ўтказилган товар ва моддий активлар, қонунчиликда белгиланган, давлат мулкини хусусийлаштиришдан ва ижарага беришдан олинган даромадлар, транспорт воситаси сотиб олинганлиги учун йиғим.

б) қўшилган қиймат солиғи ва юридик шахсларнинг фойда солиғи бўйича режадан орттириб бажарилган қисмининг 50 фоизи.

в) Тошкент шаҳрини ҳисобга олмаган ҳолда жисмоний шахсларнинг даромад солиги бўйича тушумларнинг 50 фоизи, Тошкент шаҳри бўйича эса жисмоний шахсларнинг даромад солиги бўйича тушумларнинг 10 фоизи ҳамда даромад режасидан орттириб бажарилган қисмининг 50 фоизи.

г) абонентлар сонидан келиб чиқсан ҳолда мобил алоқа ҳизмати учун акциз солиги, ва аҳоли сонидан келиб чиқсан ҳолда ва пиво маҳсулотини ҳисобга олган ҳолда алкогол маҳсулотлари учун акциз солиги. Бунда абонентлар ва аҳоли сони 2019 йил 1 сентябр ҳолатига қабул қилинади.

2020 йилда республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасида айрим харажатларни харажат ваколатлари бўйича қўйидаги бюджет сиёсати амалга оширилиши таклиф этилган:

умумий ўрта таълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи гурӯҳ бўйича харажатлари Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан, тўртинчи гурӯҳ бўйича харажатлар туман ва шаҳарларнинг тегишли бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириш. Давлат бюджети лойиҳасида ушбу таклифдан келиб чиқсан ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ҳамда Тошкент шаҳри ва вилоятлар маҳаллий бюджетларидан 19 925,2 млрд.сўм маблағ камайтирилиб республика бюджетига ўтказилган;

кўп хонадонли уйларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш ва Уй-жой коммунал хизмат қўрсатиш вазирлиги ташкилий тизимиға кирувчи иссиқлик куввати ташкилотларининг қозонхоналари ва иссиқлик куввати тизимларини капитал таъмири Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан амалга ошириш;

баъзи харажатлар бўйича ваколатларни юқори бюджетлардан қуи бюджетларга ўтказиш;

жойлардаги маҳаллий хокимият органлари ташабbusи билан ўтказиладиган тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари, шаҳар ва туманлар бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан молиялаштирилади.

### **Таклиф ва мулоҳазалар:**

Қонун лойиҳасининг 21-моддасида таклиф этилган умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи гурӯҳ харажатларини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлиги орқали республика бюджетидан молиялаштириш тартибини жорий этиш учун ортиқча харажатларга йўл қўйилишининг олдини олишга қаратилган чоралар кўрилиши талаб этилади.

Умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи гурух харажатларни режалаштириш жараёнида харажатларнинг ҳажмига таъсир этувчи кўрсаткичлар (ўқувчи ва тарбияланувчилар контингенти, синфлар ва гурухларни сони ва тўлиқлиги, педагог ҳодимларнинг малака тоифалари ҳамда ушбу кўрсаткичларнинг ўзгарувчанлиги ва х.к.) тўғри ҳисобга олиниши ва харажатларнинг асоссиз оширилиши устидан зарур ҳолатларда муассасаларга чиқкан ҳолда самарали жорий назорат ўрнатилиши муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда юқорида акс эттирилган кўрсаткичларни ҳар бир мактаб кесимида тўғри қўлланилиши ҳамда 1 ва 2-гурух харажатлари оқилона режалаштирилиши устидан жорий назорат шаҳар ва туман молия бўлимлари томонидан амалга оширилмоқда. Ушбу харажатларни республика бюджетидан молиялаштиришга ўтказилиши ўз навбатида молия бўлимларининг доимий назоратни амалга ошириш бўйича маъсулиятини пасайишига олиб келади.

Муассасалар сони кўплиги (умумтаълим мактаблари 9,9 мингдан, мактабгача таълим давлат муассасалари 5,6 мингдан ортиқ) сабабли вазирлик даражасида уларнинг 1 ва 2-гурух харажатлари тўғри режалаштирилиши ва ишлатилиши устидан назорат қилиш имкони бўлмайди.

Бундан ташқари бир муассасанинг ҳар ҳил даражадаги, яъни хам республика бюджети, ҳам туман (шаҳар) бюджетидан молиялаштирилиши ҳисботларни шакллантириш, 4-гурух таркибидаги иш ҳақига тенглаштирилган тўловларни амалга ошириш жараёнини ҳам мураккаблаштиради.

Умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасалари биринчи ва иккинчи гурух харажатларини республика бюджетидан молиялаштиришга ўтказиш натижасида уларнинг харажатлари тўғри ва оқилона режалаштирилиши устидан жойлардаги молия бўлимлари томонидан назорат пасайиши ҳамда ҳисботларини шакллантириш жараёни мураккаблашишининг олдини олиш мақсадида муқобил самарали назорат механизми яратилгунга қадар ушбу муассасаларни молиялаштиришнинг амалдаги тартибини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ.

Қонун лойиҳасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари мустақиллигини ошириш ва келгуси йиллардан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларини тузиш жараёнини мустақиллигини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган ишлар юзасидан 2020 йилдан бошлаб бюджетлараро трансферлар тизимига ҳам бир қатор ўзgartиришлар киритилмоқда.

Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси бюджетидан маҳаллий бюджетларга туман ва шаҳар бюджетидан молиялаштириувчи мактабгача таълим, умум таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларида ишловчи ходимларнинг иш ҳақи ва унга tenglashshirilgan t'ulovlarни молиялаштириш учун ижтимоий трансферлар ажратилмоқда ва ушбу трансферлар умумтаълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларида ишловчи ходимларнинг иш ҳақи ва унга tenglashshirilgan t'ulovlariга мутаносиб равишда ажратилган. Йил якуни бўйича молиялаштирилмаган харажатларга тенг улушларда ижтимоий трансферлар суммалари ҳам камайтирилиши кўзда тутилган.

2020 йилдан бошлиб эса, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари даромадлари ва харажатлари ўртасидаги салбий фарқни қоплаш учун тартибга соловчи трансферлар ажратиш ва ушбу трансферлар миқдорларини камайтирилишига йўл қўйилмаслик тартибини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Худудардаги даромад ва харажатлар ўртасида манфий фарқни қоплашга йўналтириладиган Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга соловчи трансферлар 10 551,9 млрд.сўм миқдорида белгиланиб ўтган жорий йилги режага нисбатан 135,9 фоизга ошган ҳамда трансфер оловчи худудлар сони 7 тадан 13 тага кўпайган.

#### **4.4. 2020 йил Давлат бюджети харажатлари таркибининг таҳлили**

2020 йил учун тақдим этилган Давлат бюджети қонуни лойиҳасида Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети харажатлари 163 045,0 млрд.сўмни ёки ЯИМга нисбатан 24,9 фоизни ташкил этади.

Давлат бюджети харажатлари 122 466,4 млрд.сўмни (Давлат мақсадли жамғармаларига ўtkaziladigan 9 298,1 млрд.сўм трансферлардан ташқари), давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари 35 463,6 млрд.сўмни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини ишлатилиши 5 115,0 млрд.сўмни ташкил этади.


Давлат бюджетидан мақсадли жамғармаларга ўtkazib beriladigan 9 298,1 млрд.сўм миқдоридаги трансферлар алоҳида кўрсатилиб, консолидациялашган бюджет таркибида ҳисобга олинган ва Қонун лойиҳасининг 1, 3, 5-иловаларида келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг жами харажатлари 5 115 млрд. сўмни ташкил этиб, қабул қилинган

қарорларга мувофиқ йирик ижтимоий-иктисодий ривожланиш дастурларини молиялашириш учун кредит ресурс сифатида йўналтирилиши белгиланган. Жамғарманинг 2020 йил учун харажатлари даромадлар прогноз кўрсаткичи доирасида 5 115,0 млрд.сўм миқдорида кўзда тутилган.

2020 йил учун Давлат бюджети харажатлари жорий йилда кутилаётган Давлат бюджети харажатларига нисбатан 13,9 фоизга ошган ҳолда ёки 131 764,5 млрд.сўм миқдорда режалаштирилган, шундан Давлат мақсадли жамғармаларига трансферлар 9 298,1 млрд. сўмни ташкил этади.

### **2020 йил Давлат бюджети харажатларининг соҳалар кесимидағи улуши**



### **2020 йил харажатларини ҳисоблаши тартибини таҳлили**

2020 йил учун Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг харажатларини шакллантириш ҳисоб-китоблари таҳлил қилинганда, бюджет лойиҳаси қўйидаги усулда:

2019 йил ва ундан олдинги йилларда тасдиқланган ҳамда 2019 йилда якунига етказилган дастурларни харажатлар таркибидан чиқариш;


2019 йил давомида харажатлар структурасида бўлган ўзгаришлар (соҳалар ўзгариши, янги ташкил этилган ташкилотлар)ни ҳисобга олиш;

2019 йилдаги ҳамда 2020 йилда кўзда тутилган иш ҳақи, коммунал тўловлар, ёқилғи ва бошқа маҳсулотларни нархларининг ошиш индексларини

2019 йил учун тасдиқланган харажатларга қўллаш орқали шакллантирилганлиги маълум бўлди.

**Давлат бюджети лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Президенти қарор ва Фармонлари ҳамда ҳудудларга ташрифларида белгиланган вазифаларнинг акс этишилганлиги**

2020 йилги Давлат бюджети лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқлари асосида республикани ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастур ва чора-тадбирларни амалга ошириш учун 44 503,3 млрд.сўм (2019 йилда 34 762,1 млрд.сўм) маблағлар назарда тутилган.



Жумладан, 2020 йилда соҳалар кесимида қуидаги Давлат дастурларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда:

таълим соҳасида ҳозирги кун талаблари даражасидаги юқори малакали кадрларни тайёрлашда узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан 5 468,5 млрд. сўм;

соглиқни сақлаш соҳасида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича давлат дастурларига 3 337,8 млрд. сўм;

театрлар ва музейлар моддий-техника базасини яхшилаш, жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш бўйича давлат дастурларига Давлат бюджетидан 851,8 млрд. сўм ажратиш кўзда тутилмоқда;

аҳоли бандлигини таъминлаш харажатларига 990,0 млрд.сўм ажратилиши кўзда тутилган;

умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларни, қўприк ва йўл ўтказкичларини қуриш ва реконструкция қилишга марказлашган инвестиция маблағлари ҳисобидан 1 514,7 млрд.сўм ажратилиши кутилмоқда;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш, қишки сақлаш, жорий таъмиrlаш, уларга туташ худудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳамда бошқа тадбирларни молиялаштиришга 1 584,0 млрд.сўм кўзда тутилган;

аҳолини ижтимоий ҳимоялаш жумладан, қишлоқ жойларда ва шаҳарларда аҳолининг муҳтоҷ қатламларини арzon уй-жойлар билан таъминлаш учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 1 905,0 млрд. сўм ажратиш кўзда тутилмоқда;

қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш учун кўзда тутилган харажатларига 102,6 млрд. сўм маблағ йўналтирилади;


уй-жой коммунал, қишлоқ хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш, геология-қидирув соҳаларида қабул қилинган дастурларни амалга оширишга Давлат бюджетидан 1 131,9 млрд. сўм маблағ йўналтирилади.

2020 йил учун Давлат бюджети лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида ва худудларга амалга оширилган ташрифлари давомида берилган топшириқларни ва белгиланган тадбирларни молиялаштириш учун 2020 йилда бюджетдан 14,9 трлн.сўм маблағлар ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Ҳисоб палатаси томонидан 2020 йилги Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқиши жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, худудларга ташрифлари ва йиғилиш баёнларидан иборат жами 69 та хужжатдаги 628 та топшириқлар ўрганилганда, жами 384 та топшириқ ижросини таъминлаш учун зарур бўлган 1 444,8 млрд.сўм маблағлар 2020 йил Давлат бюджети лойиҳасида кўзда тутилмаганлиги аниқланди.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 декабрдаги ПҚ-4069-сонли қарорининг 5-бандида 2019 йилдан бошлаб ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда 15 миллион АҚШ долларидан (142,5 млрд.сўм) кам бўлмаган миқдордаги маблағни Ўзбекистон Республикаси Ташки савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлигига ажратиш кўзда тутилган бўлсада, 2020 йил учун Давлат бюджетида ушбу мақсадлар учун маблағ кўзда тутилмаган.

## Давлат дастурларининг соҳалар кесимида тақсимоти



Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 февралдаги ПҚ-4191-сонли қарорининг 16-бандида GDF (Global Drug Facility) сертификати билан тасдиқланган силга қарши дори воситаларини марказлашган асосда харид қилиш учун 1,9 млн.АҚШ доллари (18,8 млрд.сўм) ажратилиши кўзда тутилган бўлсада, Бюджет лойиҳасида ушбу харажатлар учун маблағ ажратилиши кўзда тутилмаган.

### **Таклиф ва мулоҳазалар:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида кўзда тутилган ҳамда худудларга амалга оширилган ташрифлари давомида берилган топшириқларни белгиланган муддатларда сифатли ва тўлиқ ижро этилишини таъминлаш мақсадида:

юқорида кўрсатиб ўтилган 384 та **топшириқлар ижросини таъминлаш** учун зарур бўлган **1 444,8 млрд.сўм маблағларни** кўзда тутиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, худудларга ташрифлари ва йиғилиш баёнларида белгиланган тадбирларларни хатловдан ўtkазиб, эришилган натижаларни баҳолаш ҳамда 2020 йил Давлат бюджети лойиҳасида ушбу **топшириқлар ижросини таъминлаш** учун зарур маблағларни ажратиш чораларини кўриш таклиф этилади.

## **Давлат ривожлантириши дастурларини молиялаштириши учун йўналтириладиган харажатлар таҳлили**

2020 йил учун Давлат бюджети лойиҳасида инвестицияга харажатлар 13 724,8 млрд.сўм ёки ЯИМ га нисбатан 2,1 фоиз микдорида кўзда тутилган.



Бюджетномада келтирилган маълумотларга кўра Давлат бюджети маблағлари хисобидан Инвестиция дастури доирасида куйидагилар амалга оширилиши кўзда утилмоқда.

1. Маъмурий, муҳандислик-инфратузилма, сув хўжалиги, шунингдек алоҳида мухим ва тоифаланган объектларни қуриш ва реконструкция қилиш тадбирларига 4 540,2 млрд. сўм йўналтириш.

Давлат бюджетидан ажратиладиган ушбу маблағлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан белгиланадиган стратегик аҳамиятга эга лойиҳалар амалга оширилади.

Жумладан: ҳудудларни комплекс ривожлантириш, маданият марказлари ва музейлар, экология, атроф-муҳит муҳофазаси, коммунал соҳа, иссиқлик таъминоти, капитал қурилиш ва қурилиш индустряси объектлари, сув хўжалиги иншоотлари, темир йўл ҳамда ер усти ва ер ости метрополитен линиялари, ички ишлар тизими, ёнгин хавфсизлиги, мудофаа мажмуи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотларнинг бино ва иншоотлар, транспорт-коммуникация инфратузилмаси ва бошқа объектларни қуриш ва реконструкция қилиш назарда тутилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари бўйича давлат қўмитаси балансидаги умумий фойдаланишдаги йўлларни, қўпrik ва йўл ўтказкичларини қуриш ва реконструкция қилишга 1 514,7 млрд.сўм йўналтирилади.

3. Таълим ва тиббиёт муассасаларининг, шунингдек илмий-тадқиқот институтларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш харажатларига 5 248,6 млрд.сўм маблағ режалаштирилмоқда. Шундан:

мактабгача таълим муассасалариги 1 951,7 млрд.сўм;

умумтаълим мактаблариги 1 134,2 млрд.сўм;

профессионал коллежлар ва академик лицейларга 140,9 млрд.сўм;

тиббиёт муассасаларига 1 147,3 млрд.сўм;

илмий-тадқиқот институтларига 37,8 млрд.сўм;

болалар мусиқа ва санъат мактабларига 55,6 млрд.сўм;

олий таълим муассасаларига 781,2 млрд.сўм .

4. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив холатини яхшилашга 216,3 млрд.сўм ажратилиши кўзда тутилган.

5. Ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастурини амалга ошириш доирасида “Тоза ичимлик суви” жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1 376,6 млрд. сўм, шундан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифлари давомида берган топшириқлари билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш учун 108,8 млрд.сўм ажратилади.

Хусусан, жамғарма ҳисобидан:

- 2017-2021 йилларда ичимлик суви ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ва модернизация қилиш дастурини амалга ошириш доирасида сув таъминоти ва канализация тармоқларини молиялаштириш учун – 896,9 млрд. сўм;
- қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича қурилган арzon уй-жойларни қуриш дастури доирасида сув таъминоти объектларини қуришни молиялаштириш учун 101,7 млрд. сўм маблағажратиш кўзда тутилган.

Давлат дастурларини амалга ошириш доирасида 2020 йилда 245 та объектда ичимлик суви ва канализация тизимини реконструкция ва модернизация қилиш, 1 412,0 км сув таъминоти тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш кўзда тутилган.

6. Оролбўйи минтақасини ривожлантиришга 328,4 млрд.сўм ажратиш кўзда тутилган. Жумладан:

Қорақалпоғистон Республикасида:

25 та ичимлик суви тизими объектларида 123,4 км узунликдаги ичимлик суви тармоқлари тортиш;

27 та уй-жой фондидағи 77 та күп квартирали уйларни таъмирлаш, болалар майдончалари қуриш ва ёндош ҳудудларни ободонлаштириш;

2 та иссиқлик таъминоти тизимларини яхшилаш ишларини амалга ошириш;.

Хоразм вилоятида:

48 та ичимлик суви тизими объектларида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши натижасида 381,1 км узунликдаги ичимлик суви тармоқлари тортиш;

4 та уй-жой фондидағи 39 та күп квартирали уйларни таъмирлаш, болалар майдончалари қуриш ва ёндош ҳудудларни ободонлаштириш;

36 та мавзелар ичидағи күчалар, майдонлар ва бульварлар, хиёбонлар таъмирлаш ишларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

7. “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” Давлат дастурлари доирасида аҳоли пунктларида яшаш шароитларини яхшилашни таъминлашга Давлат бюджети параметрларида 500,0 млрд. сўм маблағ кўзда тутилмоқда.

8. 2020 йилда қишлоқ жойларда ва шаҳарларда кўп квартирали уйларни қуриш молиялаштириш учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 1 905,0 млрд. сўм ажратиш кўзда тутилган.

### Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириши

Мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва институционал ислоҳотлар инвестиция муҳитини яхшилашга, хорижий ва маҳаллий инвесторлар сонининг ортиб боришига кўмаклашмоқда.

Шу билан бирга, анъанавий равишда давлат тасарруфидаги бошқарувида бўлган иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммо ва камчиликлар давлат-хусусий шериклик тизимини жорий этишни жадаллаштириш юзасидан муҳим чоралар кўришни тақозо этмоқда.

Бюджет лойиҳасида 1 та ҳолатда яъни, мактабгача таълим нодавлат муассасалари харажатларининг бир қисмини қоплаш учун давлат-хусусий шерикчилиги шартлари асосида ташкил қилинган шундай муассасаларга давлат мактабгача таълим муассасасининг бир нафар тарбияланувчисига сарфланадиган сумманинг 50 фоизигача миқдорда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан қўллаб-қувватлаш тартиби жорий

этилганлиги муносабати 2020 йилда **400,0 млрд.сўм** субсидия ажратиш режалаштирилганлиги кўрсатилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигига Давлат-хусусий шерикчилик асосида амалга оширилаётган умумий қиймати **7 299,7 млн.доллар** микдоридаги **16 та** лойиха бўйича ишлар олиб борилмоқда.

### **Давлат-хусусий шерикчилик асосида амалга оширилаётган лойихалар**

*млн.АҚШ долл.*

<b>№</b>	<b>Лойихалар номи</b>	<b>Соҳа</b>	<b>Худуд</b>	<b>Лойиха қиймати</b>
1.	Қуввати 1300 МВт Сирдарё ИЭС қуриш	Энергетика	Сирдарё вилояти	1 170,0
2.	Қуввати 1000 МВт қуёш фотоэлектрстанциясини қуриш	Энергетика	Сурхондарё вилояти	1 000,0
3.	Қуввати 900 МВт қуёш фотоэлектрстанциясини қуриш	Энергетика	Худудларда	900,0
4.	Қуввати 500 МВт қуёш фотоэлектрстанциясини қуриш	Энергетика	Нвоий вилояти	650,0
5.	Тошкент шаҳрида газтаминоти тизими бошқарувини бериш	Энергетика	Тошкент шаҳар	Техник лойиха хужжатлари тайёрланмоқда
6.	Тошкент шаҳрида электр-энергия тақсимоти тизими бошқарувини бериш	Энергетика	Тошкент шаҳар	Техник лойиха хужжатлари тайёрланмоқда
7.	Қуввати 100 МВт қуёш фотоэлектрстанциясини қуриш	Энергетика	Самарқанд вилояти	100,0
8.	Қуввати 900 МВт Сурхондарё ИЭС қуриш	Энергетика	Сурхондарё вилояти	800,0
9.	Қуввати 850 МВт Сурхондарё ИЭС қуриш	Энергетика	Сурхондарё вилояти	600,0
10.	Тошкент-Самарқанд пуллик автомобил йўлини қуриш	Транспорт	Худудларда	700,0

<b>№</b>	<b>Лойиҳалар номи</b>	<b>Соҳа</b>	<b>Худуд</b>	<b>Лойиҳа қиймати</b>
11.	Тошкент-Андижон пуллик автомобил йўлини қуриш	Транспорт	Худудларда	700,0
12.	Халқаро аэропортни модернизациялаш	Транспорт	Тошкент вилояти	470,0
13.	Тошкент шаҳрида иссиқлик таминоти тизими бошқарувини бериш	Энергетика	Тошкент шаҳар	Техник лойиҳа хужжатлари тайёрланмоқда
14.	Маишӣ чиқиндиларни йиғиш ва ташиш хизматлари тизими бошқарувини бериш	Коммунал хўжалиги	Тошкент вилояти	Техник лойиҳа хужжатлари тайёрланмоқда
15.	Сувтаъминоти ва оқава хизматлари тизими бошқарувини бериш	Коммунал хўжалиги	Тошкент вилояти	200,0
16.	Гемодиализ марказларини ташкил қилиш ва гемодиализ хизматларини кўрсатиш	Соғлиқни сақлаш	Худудларда	9,7
	<b>Жами</b>			<b>7 299,7</b>

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаси келишувлари Ҳисоб палатаси томонидан ўрганилганда, лойиҳа ишга тушгандан сўнг айrim ҳоллардаги таваккалчиликларни яъни, юзага келиши мумкин бўлган ҳолларда лойиҳа иштирокчиси кўрган зарарни Давлат бюджетидан қопланиши кўрсатилганлиги маълум бўлди.

Тақдим қилинган бюджет лойиҳасида Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларида юзага келиши мумкин бўлган **таваккалчиликларини қоплаш учун бюджет маблағлари кўзда тутилмаганлиги** маълум бўлди.

#### **4.5 Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги умумтаълим мактаблар биноларининг ҳолати ҳамда зарур жиҳозлар билан таъминланганлиги таҳлили.**

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил учун Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек солик-бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари кўриб чиқиш жараёнида Халқ таълими вазирлиги маълумотлари ва ҳисоб-китоблари асосида вазирлик тасарруфидаги умумтаълим мактаблар биноларининг ҳолати ҳамда зарур жиҳозлар билан таъминланганлиги таҳлил қилинди.

2019-2020 ўкув йилида Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги умумтаълим мактабларининг сони 9 942 тани ташкил этиб, уларнинг қуввати 5 013,4 мингта ўқувчига мўлжалланган.

Ушбу қувват 2016-2017 ўкув йилидаги ўқувчилар сони учун етарли бўлган бўлса, ҳозирги кунда 11 йиллик мажбурий таълим қайта тикланганлиги ҳамда демографик кўрсаткичлар ҳисобига ўқувчилар сони 6 110 минтага этиб, бинолар билан таъминланиш даражаси 82 фоизни ташкил этади.

### **Умумтаълим мактабларининг қуввати ва ўқувчилар сони ДИНАМИКАСИ**

<b>Ўкув йиллари</b>	<b>Ўқувчилар сони (минг)</b>	<b>Мактаблар сони</b>	<b>Қуввати (минг)</b>	<b>Бинолар билан таъминланиш даражаси, (фоиз)</b>
2016-2017 йиллар	4 808	9 657	4 839	100,6
2017-2018 йиллар	5 248	9 628	4 839	92,2
2018-2019 йиллар	5 822	9 691	4 845	83,2
2019-2020 йиллар	6 110	9 942	5 013,4	82,0

Умумтаълим мактабларининг 7 102 тасида ўкув бинолари қониқарли аҳволда бўлса, 2 840 тасида янги ўкув биноларини қуриш, мавжуд биноларни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашга эҳтиёж мавжуд. Дастраси ҳисоб-китобларга кўра ушбу ишларни амалга ошириш учун 12 002,3 млрд.сўм талаб этилади.

### **Умумтаълим мактаблар биноларининг ҳолати тўғрисида МАЪЛУМОТ**

<b>№</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Микдори</b>	<b>Улуши, (фоиз)</b>
1	Умумтаълим мактаблар сони	9 942	100,0
2	Қониқарли ҳолатдаги мактаблар	7 102	71,4
3	Янги қурилиши лозим бўлган ва таъморталаб мактаблар	2 840	28,6
	Талаб этиладиган маблағ, <u>млрд.сўм</u>	12 002,3	
	<i>шундан</i>		
3.1	Янги қурилиши лозим бўлган мактаблар	172	1,7
	Талаб этиладиган маблағ, <u>млрд.сўм</u>	1 567,8	
3.2	Реконструкция қилиниши лозим бўлган	1 311	13,2

№	Кўрсаткичлар	Миқдори	Улуши, (фоиз)
	мактаблар		
	Талаб этиладиган маблағ, <u>млрд.сўм</u>	5 866,7	
3.3	Капитал таъмирланадиган мактаблар	1 357	13,6
	Талаб этиладиган маблағ, <u>млрд.сўм</u>	4 567,8	

Инвестиция дастури доирасида мактабларда қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун 2020 йилда ажратилган маблағ 1 069,2 млрд.сўмни ташкил этиб, ҳақиқий эхтиёжнинг 8,9 фоизини ташкил этади. 2020-2022 йилларда Давлат бюджетидан ушбу мақсадлар учун 3 810,8 млрд.сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, мактабларни янги бинолар билан тўлиқ таъминлаш, реконструкция ва мукаммал таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун қўшимча 8 191,5 млрд.сўм маблағ ажратиш зарур.

**Умумтаълим мактаблар биноларини куриш ва таъмирлаш  
учун талаб этиладиган маблағлар тўғрисида  
МАЪЛУМОТ**

№	Кўрсаткичлар	Мактаб сони	Қиймати (млрд. сўм)
1	Қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши талаб этиладиган мактаблар	2 840	12 002,3
2	Инвестиция дастурида янги қурилиши, реконструкция қилиниши ва капитал таъмирланиши кўзда тутилган		
	2020 йилда	248	1 069,2
	2020-2022 йилларда	797	3 810,8
3	Ҳақиқий талабга нисбатан нисбатан фарқи	- 2 043	- 8 191,5

Умумтаълим мактабларини зарур жиҳозлар билан таъминланганлик аҳволи таҳлил қилинганда, аксарият жиҳозлар маънан эскирган ҳолатга келганлиги маълум бўлди.

Мисол учун, мактабларда мавжуд бўлган 106,1 мингта ўқув синфлари мебель жиҳозлари (ўқувчи ва ўқитувчи столи ва стуллари, синф доскалари, китоб жавонлари) билан тўлиқ таъминланган бўлсада, уларнинг 59 фоизи 2005-2009 йилларда етказиб берилганлиги сабабли маънан эскирган.

Худди шундай, лаборатория жиҳозларининг 79 фоизи, ўқув устахоналари жиҳозларининг 91 фоизи, ошхона жиҳозларининг 81 фоизи, спорт заллардаги жиҳозларининг 87 фоизи эскирган ҳолатда.

**Умумтаълим мактабларнинг жиҳозланганлик ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТ**

№	Мактаблар хоналари ва жиҳозлари номи	Хоналар сони	Мавжуд жиҳозлар тўплами	шундан		Жами эҳтиёж	
				маънан эскирган	Улуши (фоиз)	тўплам сони	қиймати млрд.сўм
1.	Ўқув хоналари (ўқув жиҳозлари)	106 098	107 981	64 167	59,4	62 284	599,3
2.	Лаборатория хоналари	28 869	26 388	20 862	79,1	23 343	1 164,9
3.	Ўқув устахонаси	9 674	2 783	2 546	91,5	9 437	343,5
4.	Фаоллар зали	9 691	2 505	1 848	73,8	9 034	288,3
5.	Ошхона	9 691	3 380	2 733	80,9	9 044	926,8
6.	Тиббиёт хонаси	9 691	2 690	2 033	75,6	9 034	53,4
7.	Маъмурий-методик хона	29 073	14 427	10 842	75,2	25 488	401,4
8.	Спорт зал	9 691	5 018	4 387	87,4	9 060	510,7
9.	Компьютер техникаси	15 906	14 451	5 425	37,5	6 880	434,2
<b>Жами</b>							<b>4 722,5</b>

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра умумтаълим мактабларида фойдаланиб келинаётган маънан эскирган жиҳозларни янгилаш учун 4 722,5 млрд.сўм маблағ талаб этилади.

2020 йилги инвестиция дастурида ушбу мақсадлар учун 65 млрд.сўм (2019 йилга нисбатан 35,0 млрд. сўмга кам), 2020-2022 йиллар учун 241 млрд.сўм маблағ кўзда тутилган.

Давлат бюджетидан ҳудудий ҳалқ таълими бўлимлари орқали 2019 йилда 133 млрд.сўм ажратилган, 2020 йилда 130 млрд.сўм маблағ (жами эҳтиёжга нисбатан 2,7 фоиз) кўзда тутилмоқда.

**Умумтаълим мактабларини жиҳозлаш учун зарур маблағлар  
тўғрисида маълумот**

№	Кўрсаткичлар	млрд.сўм	
		2020 йилда	2020-2022 йилларда
1	Жиҳозлаш учун талаб этиладиган маблағ	4 722,5	
2	Давлат бюджетида кўзда тутилаётган маблағ	195,0	631,0
	<i>ишу жумладан:</i>		
2.1	Инвестиция дастури доирасида	65,0	241,0
2.2	Худудий ҳалқ таълими бўлимлари орқали	130,0	390,0
3	Қўшимча талаб этиладиган маблағ	4 091,5	

2020-2021 йилларда Давлат бюджетидан ажратилиши кўзда тутилаётган маблағларни ҳисобга олганда умумтаълим мактабларини энг зарур жиҳозлар билан тўлиқ таъминлаш учун **4 091,5 млр.сўм** қўшимча маблағ зарур бўлади.

Давлат бюджети лойиҳасида 2020-2022 йилларда кўзда тутилган маблағларни ҳисобга олганда умумтаълим мактаблари янги ўқув бинолари билан таъминлаш, мавжуд биноларида қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш ва жиҳозлаш ҳаражатлари учун қўшимча **12 283,0 млрд.сўм** маблағ ажратиш зарурати мавжуд.

Ушбу ишларни назарда тутадиган 5 йилга мўлжалланган дастур ишлаб чиқиш ва ҳар йили ўрта ҳисобда **2 457 млрд.сўм** ажратиш ҳисобига барча умумтаълим мактабларини тўлиқ таъмирлаш ва жиҳозлаш имконияти мавжуд.

#### **Таклиф ва мулоҳазалар:**

Умумтаълим мактабларида босқичма-босқич қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш ва зарур жиҳозлар билан таъминлаш орқали ўқитиши жараёни учун қулай шароитлар яратиш мақсадида:

мутасадди вазирлик ва идоралар мутаҳассисларини жалб қилган ҳолда ишчи гурухлар тузиб, мактабларнинг **бинолар билан таъминланганлиги, биноларининг аҳволи ва жиҳозланиш даражасини ўрганиш;**

ўрганиш натижаларига кўра қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш учун **маблағларга бўлган ҳақиқий талабни аниқлаш;**

курилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини **молиялаштириш манбаларини ва йиллар кесимида амалга ошириш графигини белгилаш** таклиф этилади.

#### **4.6. Давлат мақсадли жамғармалари ҳаражатлари таҳлили**

Бюджетномада акс эттирилишича, халқаро экспертларнинг тавсияларига асосан эллиқдан ортиқ жамғармалар таҳлил қилиниб, улардан 18 таси қўйидаги мезонлар асосида Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил консолидациялашган бюджети лойиҳаси таркибига киритилган:

1. Жамғарма маблағлари солиқлар, мажбурий тўловлар ва жарималар, шунингдек бюджет субсидиялар ҳисобидан шаклланганлиги;

2. Жамғарма маблағлари алоҳида вазирлик ёки идоранинг сақлаш ҳаражатларига эмас, балки давлат функцияларини амалга ошириш учун йўналтирилганлиги;

3. Жамғармалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори асосида ташкил этилганлиги.

Консолидациялашган бюджет лойиҳасида Давлат мақсадли жамғармаларининг 2020 йилги жами даромадлари 34 683,2 млрд.сўм, шундан 27,0 фоизи, яъни 9 298,1 млрд. сўми Давлат бюджетидан ажратиладиган мақсадли трансфертлар, харажатлари эса 35 463,6 млрд.сўм миқдорида прогноз қилинмоқда.

### **Таклиф ва мулоҳазалар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги ПҚ-3917-сонли қарорида 2020 йилдан бошлаб Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини қонун билан тасдиқлашда ахборотлар батафсил баён этилиши назарда тутилган.

Лекин давлат мақсадли жамғармаларининг 2020 йил учун мўлжалланган лойиҳасида **даромад манбалари ва харажатлар йўналишлари кўрсатилмаганлиги** ахборотларнинг очиқлиги таъминланмаслигига сабаб бўлади.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3856-сонли қарорида Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармасига Давлат бюджетидан йилига 300 млрд.сўм ажратиш кўзда тутилган бўлсада, 2020 йил учун Давлат бюджети лойиҳасида ушбу жамғармага **300 млрд.сўм ўрнига 150 млрд.сўм трансферт ажратилиши кўзда тутилган**.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1066-сонли қарорида белгиланган Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси вазифаларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида республика бюджетидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги **ПҚ-3856-сонли қарорида белгиланган миқдорда трансферт ажратилиши мақсадга мувофиқ**.


### **Давлат мақсадли жамғармаларининг 2020 йилги даромад ва харажатлари**

*млрд.сўм*

№	Давлат мақсадли жамғармалари	Йил бошига қолдиқ	Даромадлар	шундан мақсадли трансфертлар	Харажатлар	Йил охирига қолдиқ
1	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	4284,9	31424,2	8 000,0	31959,0	3750,1
2	Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши	0,0	215,8	134,8	215,8	0,0

№	Давлат мақсадли жамғармалари	Йил бошига қолдик	Даромадлар	шундан мақсадли трансферлар	Харажатлар	Йил охирiga қолдик
	муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган заарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғарма					
3	Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-куватлаш давлат жамғармаси	865,9	278,0	200,0	407,3	736,6
4	Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-куватлаш жамғармаси	5,5	175,0	40,0	180,5	0,0
5	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси	75,7	418,0	150,0	488,0	5,7
6	Жамоат ишлари жамғармаси	50,0	251,1	250,0	251,1	50,0
7	Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-куватлаш ҳамда уларнинг хукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси	56,7	10,8	0,0	62,8	4,7
8	Ўзбекистон ёшлар иттифоқи хузуридаги “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси	0,0	407,0	200,0	407,0	0,0
9	Хотин-қизларни ва оиласи қўллаб-куватлаш жамоат фонди	0,0	188,8	120,0	188,8	0,0
10	Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси	0,0	552,0	0,0	552,0	0,0
11	Бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-куватлаш жамғармаси	8,9	71,2	0,0	77,0	3,1
12	“Эл-юрт умиди” жамғармаси	0,6	57,1	57,1	57,1	0,6
13	Бюджетдан ташқари Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси	43,7	150,0	0,0	150,0	43,7
14	Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси	0,0	136,2	80,0	136,2	0,0
15	“Ўзбекбалиқсаноат” уюшмасининг Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси	2,4	1,6	0,0	2,3	1,7
16	Бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси	141,6	248,4	66,2	230,7	159,3
17	Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-куватлаш жамғармаси	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
18	Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси	0,0	98,0	0,0	98,0	0,0
	<b>Жами</b>	<b>5535,9</b>	<b>34683,2</b>	<b>9 298,1</b>	<b>35463,6</b>	<b>4755,5</b>

**Давлат мақсадли жамғармалари харажатларининг  
консолидациялашган бюджетдаги улуши қўйидагича.**



**4.7 Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари  
маблағлари шаклланиши ва ишлатилиши**

Бюджетноманинг “Бюджет сиёсатининг устувор йўналишлари” қисмида 2020 йилда бюджет жараёнининг такомиллаштириш юзасидан таклифлар ёритилган бўлиб, улар қаторида 5-бандда вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари барча ҳисоб ракамларини ҳамда давлат божлари, йиғимлар ва носолик тўловлардан ажратмалар ҳисобига шаклланадиган **бюджетдан ташқари жамғармаларни бюджетга киритиш ҳисобига консолидациялашган бюджетни ягоналигини таъминлаш таклиф этилган**.

Бюджетномада бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларининг 2020 йил учун даромадлари 17 879,6 млрд.сўм миқдорда прогноз қилинган (Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари ўртасидаги трансферларсиз).

**2020 йил учун бюджет ташкилотларининг бюджетдан  
ташқари жамғармаларининг даромадлари прогнози**

<b>№</b>	<b>Бюджетдан ташқари даромадлар тушадиган жамғарма</b>	<b>Прогноз (млрд.сўм)</b>	<b>Жамига нисбатан ўлуши, %</b>
1.	Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармалари	5 705,1	31,9
2.	Тиббиёт ташкилотларининг моддий	64,4	0,4

<b>№</b>	<b>Бюджетдан ташқари даромадлар тушадиган жамғарма</b>	<b>Прогноз (млрд.сўм)</b>	<b>Жамига ниисбатан ўлушки, %</b>
	рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси		
3.	Олий таълим муассасаларида тўлов контрактлари асосида шаклланган маблағлар	3 645,4	20,4
4.	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари бошқа ҳисоб рақамлари	8 464,8	47,3
	<b>ЖАМИ</b>	<b>17 879,7</b>	<b>100,0</b>

Бюджет ташкилотларининг тасарруфига бюджетдан ташқари манбалардан келиб тушган даромадларнинг 8 464,8 млрд.сўми (47,3 фоизи) ундириладиган мажбурий тўловлар - давлат божлари, йиғимлар ва носолик тўловлардан ажратмалар ҳисобига тўғри келади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан 2020 йилда 17 911,3 млрд.сўм маблағ сарфланиши прогноз қилинган.

### **2020 йил учун бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларининг харажатлари прогнози**

<b>№</b>	<b>Иқтисодий тасниф бўйича харажатлар</b>	<b>Прогноз (млрд.сўм)</b>	<b>Жамига ниисбатан ўлушки, %</b>
1.	Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ва ягона ижтимоий тўлов	8 123,4	45,4
2.	Асосий воситалар ва товар моддий захираларига харажатлар	3 778,1	21,1
3.	Капитал қўйилмалар	1 919,4	10,7
4.	Сақлаш ва жорий таъмирлаш	807,3	4,5
5.	Коммунал тўловлар	306	1,7
6.	Бошқа харажатлар	2 977,1	16,6
	<b>ЖАМИ</b>	<b>17 911,3</b>	<b>100,0</b>

2020 йилда кутилаётган харажатларнинг 51,6 фоизини иш ҳақи, унга тенглаштирилган тўловлар ва ягона ижтимоий тўлов, 31,8 фоизини капитал қўйилмалар, асосий воситалар ва товар моддий захираларига харажатлар, 16,6 фоизини бошқа харажатлар ташкил этади.

## **Таклиф ва муроҳазалар:**

Бюджетноманинг “Бюджет сиёсатининг устувор йўналишлари” қисмида келтирилган **бюджетдан ташқари жамғармаларни Давлат бюджети таркибиغا киритиш** таклифи “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни лойиҳасида ўз аксини топмаган. Яъни, Қонун лойиҳасида вазирликлар ва идораларнинг ва бошқа бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари барча ҳисоб рақамларини ҳамда давлат божлари, йиғимлар ва носолик тўловлардан ажратмалар ҳисобига шаклланадиган **бюджетдан ташқари жамғармаларни бюджетга киритилиши назарда тутилмаган**.

2020 йил учун Давлат бюджети лойиҳасида ҳам ушбу маблағлар Давлат бюджети таркибида акс эттирилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқкан ҳолда, Бюджетномада келтирилган вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари барча ҳисоб рақамларини ҳамда давлат божлари, йиғимлар ва носолик тўловлардан ажратмалар ҳисобига шаклланадиган **бюджетдан ташқари жамғармаларни бюджетга киритиш таклифини** “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни ҳамда Давлат бюджети лойиҳаларида кўзда тутиш таклиф этилади.

### **4.8 Давлат бюджети маблағларидан фойдаланишда тизимли қонунбузарликларга йўл қўйилиши ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар**

Ҳисоб палатаси томонидан жойларда ўтказилаётган назорат тадбирлари давомида маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан харажатларни амалга оширишда Давлат харидларини амалга ошириш тартибиға риоя қилинмаслиги натижасида юқори нархларда маҳсулотлар сотиб олиш, қурилиш обьектларининг лойиҳа-смета хужжатларига товарлар (ишлар, хизматлар) нархлари ва ҳажмларини ошириб киритиш, бажарилмаган ишларни қўшиб ёзиш, белгиланган лимитлардан ортиқча ва қиммат русумли автотранспорт воситаларини сотиб олиш каби тизимли бюджет интизомини бузиш, бюджет маблағларидан самарасиз ва мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланмоқда.

Мисол учун, 2019 йил давомида ўтказилган ўрганишлар давомида қўшимча манбалар ҳисобидан Сурхондарё вилоятида 21,0 млрд.сўм, Ҳоразм вилоятида 4,5 млрд.сўм, Намангандарё вилоятида 12,1 млрд.сўм, Андижон вилоятининг Андижон шаҳрида 16,3 млрд.сўм маблағлар мақсадсиз ва самарасиз ишлатилган ҳолатлар аниқланган. Шу билан бирга Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 4 майдаги 356-Ф-сонли ва 21 июлдаги 592-Ф-сонли фармойишларида кўзда тутилган аҳолини иш билан таъминлаш каби муҳим ижтимоий тадбирларга маблағ ажратиш масаласи эътибордан четда қолдирилмоқда.

Бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларида кўзда тутилган бюджет ажратмалари ҳисобидан маҳсулотлар сотиб олишда ҳам “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни талабларига амал қилмаслик ҳолатлари кўплаб учрамоқда.

Мисол учун, Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасида ўтказилган ўрганишда 2018 йил ва 2019 йилнинг январь-май ойларида бюджет ташкилотлари томонидан “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунга риоя этилмасдан 79 859 та ҳолатда **1 067,9 млрд.сўмлик** битимлар тузилганлиги маълум бўлди.

Шундан, харид қийматини қисмларга бўлиб 235,4 млрд.сўм, иштирокчиларнинг олдиндан тил бириктириши орқали 18,2 млрд.сўм, шартнома қийматига қарамасдан савдо шаклини нотўғри танлаб 313,4 млрд.сўм, ягона етказиб берувчиларга рухсат этилмаган товарларга 1,7 млрд.сўм, аукцион муддатлари тугамасдан 495,3 млрд.сўм, товарларнинг аниқ моделини кўрсатиб 3,4 млрд.сўм, инсофсиз ижрочилар билан 0,5 млрд.сўм миқдоридаги давлат харидлари амалга оширилган.

Мисол учун, 2018 йилда Тошкент шахар марказий кўчаларидан фойдаланиш, уларни сақлаш ва таъмирлаш ихтисослаштирилган бошкармаси томонидан 3 та ҳолатда аукцион савдолари таъсисчиси битта жисмоний шахс бўлган корхоналар ўртасида ўтказилиб 883,1 млн.сўмлик шартнома тузилган.

“Бордонкул йўллардан фойдаланиш участкаси” ДУК томонидан 2018 йилда қиймати 6 407,7 млн.сўмлик йўллар учун темир тўсиқларни харид қилиш учун тендер эълон қилинмасдан, ушбу ҳажм тенг 9 та қисмга бўлинган ҳолда аукционга жойлаштирилган ва барча 9 та битим бўйича 1 та етказиб берувчи билан шартнома имзоланган.

Гулистон Давлат университети 241,7 млн.сўмлик маҳсулотларни аукцион орқали эмас, битта етказиб берувчидан электрон дўкон орқали 48 маротаба бир хил қийматда харид қилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлигида ўтказилган назорат тадбири давомида 2017-2018 йиллар ва 2019 йилнинг биринчи ярим йиллигига дори воситалари қиммат нархда харид қилиниши натижасида 100,3 млрд.сўм бюджет маблағлари ортиқча сарфланиш, дори воситалари ва тиббиёт буюмларини сотиб олиш учун ажратилган 117,7 млрд.сўм бюджет маблағлари самарасиз харажат қилиниш ҳолатлари аниқланди.

Мисол учун, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳудудлар ва тиббиёт муассасаларининг ҳақиқий эҳтиёжи ўрганилмасдан ижтимоий дорилар харид қилиниши натижасида 40 млрд.сўмлик дори воситалари йиллик эҳтиёжга нисбатан ортиқча сотиб олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 октябрдаги ПҚ-2647-сонли қарори билан даволаш муассасалари ва аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни тизимли асосда назорат қилиш учун Республика комиссияси томонидан тасдиқланган дори воситаларига белгиланган қатъий нархларга нисбатан 3 та турдаги дори воситаси қиммат нархларда харид қилиниши натижасида 11 млрд.сўм миқдоридаги бюджет маблағлари ортиқча сарфланган.

### **Таклиф ва мулоҳазалар:**

1. Бюджетнинг қўшимча манбалари ва захира жамғармалари ҳисобидан маблағлардан фойдаланиш мумкин бўлган йўналишлар белгиланган ягона тартиб ишлаб чиқилмаганлиги натижасида ҳудудларда ушбу маблағлардан самарасиз ва мақсадсиз фойдаланиш ҳолатларига йўл қўйилмоқда.

Ҳисоб палатасининг 2019 йил учун Давлат бюджети лойиҳаси бўйича хulosасида ҳам ушбу масалага тўхталиб, бюджетларнинг қўшимча манбалари ва захира жамғармалари маблағларидан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиши таклифи киритилган.

Қўшимча манбалар ва захира жамғармалар маблағлари самарали, оқилона сарфланишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги ПҚ-3917-сонли қарорига мувофиқ **қўшимча манбаларининг камидаги 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириши**ни назарда тутадиган, маблағларни сарфлаш тартиби, аниқ йўналишларини белгилайдиган меъёрий хужжат ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ.

2. Давлат харидларини амалга ошириш жараёнида мавжуд муаммолар ва юзага келиш сабабларини ўрганиш ва уларни бартараф этишга қаратилган чоралар кўриш таклиф этилади.

3. Вазирлик ва идораларга марказлашган тартибда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) сотиб олиш учун бюджет маблағларни дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва бошқа маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) турлари кесимида ҳақиқий эҳтиёжни, харид қилиниши режалаштирилаётган маҳсулотлар миқдорини, нархларини ўрганиш орқали режалаштириш ва харид қилиниши жараёни устидан назорат ўрнатиш мақсадга мувофиқ.

## V. Давлат қарзи ва Давлат бюджетининг тақчиллиги

Бюджетно мада янги ташқи қарз жалб қилинмаган ҳолатда шу қунгача имзоланган шартномалар бўйича маблағларнинг ўзлаштирилиши натижасида давлат ташқи қарзи 2020 йил охирида 20,6 млрд.доллар (ЯИМга нисбатан 29,5 фоиз) ташкил этиши кутилиши кўрсатилган.

Давлат бюджетининг 2020 йил учун тузилган лойиҳасида Ўзбекистон Республикасининг Давлат қарзига хизмат кўрсатиш ва қайтариш харажатлари учун 5 619,6 млрд.сўм, шундан асосий қарзни тўлаш харажатларига 3 289,9 млрд.сўм маблағлар кўзда тутилган.

Шундан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ташқи қарзни қайтариш харажатлари ва фоиз тўловлари 4 429,5 млрд.сўмни (78,8 %), ички қарзни қайтариш харажатлари ва фоиз тўловлари 1 190,1 млрд.сўмни (21,2 %) ташкил этган.

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан давлат қарзига хизмат кўрсатиш харажатларини ҳисобга олган ҳолда 2020 йилдаги консолидациялашган бюджет тақчиллиги 6 714,8 млрд.сўмни ташкил этади.

Консолидациялашган бюджет тақчиллигининг 780 млрд.сўми давлат мақсадли жамғармаларига тўғри келиб, қоплаш манбаси сифатида жамғармаларнинг 2020 йил йил бошидаги қолдиқлари белгиланган.

### **Ўзбекистон Республикасининг 2020 йилги Консолидациялашган бюджетининг прогноз кўрсаткичлари**

млрд.сўм

<b>№</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Қонун лоиҳаси бўйича</b>	<b>Ҳисоб палатаси таклифи</b>
I	Консолидациялашган бюджет даромадлари	159 620,1	159 620,1
II	Консолидациялашган бюджет харажатлари	163 045,0	180 729,0
	<i>шундан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан давлат қарзларини қоплаш харажатлари</i>		3 289,9
III	Давлат мақсадли жамғармаларига трансферлар	9 298,1	9 298,1
<b>IV</b>	<b>Консолидациялашган бюджет сальдоси</b>	<b>-3 424,9</b>	<b>-6 714,8</b>

Тақчилликнинг 5 934,4 млрд.сўми Давлат бюджетига тўғри келиб, уни қоплаш манбаси сифатида бюджетни қўллаб қувватлаш учун четдан жалб қилинган имтиёзли кредитлар ва Давлат ғазна облигацияларини чиқариш ҳисобига жалб қилинадиган маблағлар белгиланган.

**2020 йил учун прогноз қилинган консолидациялашган  
бюджет тақчиллиги ва уни қоплаш манбалари**

трлн.сўм

<b>№</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Давлат бюджети</b>	<b>Давлат мақсадли жамғармалари</b>	<b>Тикла-ниш ва тараққиёт жамғармаси</b>
<b>1</b>	<b>Даромадлар</b>	<b>129,1</b>	<b>34,7</b>	<b>5,1</b>
1.1	шундан Давлат бюджетидан ажратиладиган трансфертлар		9,3	
<b>2</b>	<b>Харажатлар</b>	<b>135,0</b>	<b>35,5</b>	<b>5,1</b>
	шундан			
2.1	давлат мақсадли жамғармаларига трансфертлар	9,3		
2.2	Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан давлат асосий қарзини қоплаш харажатлари	3,3		
<b>3</b>	<b>Тақчиллик (-) ; профицит (+)</b>	<b>-5,9</b>	<b>-0,8</b>	<b>0,0</b>
<b>4</b>	<b>Бюджетномада акс эттирилган тақчилликни қоплаш манбалари</b>	<b>5,9</b>	<b>0,8</b>	
4.1	давлат газначилик облигацияларини чиқариш ва жойлаштириш	1,4		
4.2	2020 йил бошига Давлат мақсадли жамғармалар қолдиги		0,8	
4.3	четдан жалб қилинган кредитлар	4,5		

**Таклиф ва мулохазалар:**

Бюджет сиёсатининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган асосий йўналишларида тақчилликни қоплашга йўналтириш мақсадида жойлаштирилиши режалаштирилаётган давлат қимматли қофозлари (шу жумладан, ички ғазна облигациялари) бўйича ҳисоб-китоблар (уларнинг миқдори, фоиз ставкалари, жойлаштириш муддатлари ва ҳ.к) мавжуд бўлмаганлиги сабабли **Давлат бюджети тақчиллигини қоплаш манбалари асосланганлигига аниқ баҳо бериб бўлмайди.**

Бюджетноманинг “2020-2022 йилларга Давлат қарзи сиёсати” бўлимида давлат ташқи қарзи 2019 йил якунида 15,3 млрд. АҚШ доллари (ЯИМга нисбатан 25,4 фоиз), 2020 йил охирида 20,6 млрд. АҚШ доллари (ЯИМга нисбатан 29,5 фоиз) ташкил этиши таъкидланган бўлса, 2-иловада келтирилган Асосий мақсадли макроиқтисодий кўрсаткичларда давлат ташқи қарзи 2019 йилда 23,2 млрд.АҚШ доллари, 2020 йилда 30,5 млрд.АҚШ доллари миқдорида белгиланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 19 ва 24-моддаларида бюджет таснифи Давлат бюджети тақчиллигини ички ва ташқи манбалар бўйича гурухлашдан иборат бўладиган **Давлат бюджети тақчиллигини қоплаш манбалари таснифини ўз ичига олиши кўрсатилган** бўлсада, ушбу тасниф ҳалигача ишлаб чиқилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, **Давлат бюджети тақчиллигини қоплаш манбалари таснифини** жорий этиш ва Қонун лойиҳасида тақчилликни қоплаш манбаларини таснифга мувофиқ акс эттириш мақсадга мувофиқ.

## **VII. Хулоса**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ва 2020 йил учун Бюджетнома бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан таҳлиллар амалга оширилди.

Таҳлиллар натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг таклиф ва мулоҳазалари лойиҳанинг тегишли қисмларида кўрсатиб ўтилган.

2020 йилда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадларининг тўлиқлиги, харажатларни мақсадли ва самарали амалга оширилиши ҳамда бюджет жараёнида шаффофликни таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан берилган таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган хужжатларни ўрганиш натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси умуман олганда, республиканинг ижтимоий-иктисодий ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқ келади деб ҳисоблайди.